

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

А.Б. Шакаров Ф.Б. Абдукаримов

МАКРОИҚТИСОДИЁТ ФАНИДАН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2009

КИРИШ.

Ушбу маърӯза матнларида мамлакат иқтисодиётини макроиқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг моҳияти, унинг таркибий қисми, ривожлантириш босқичлари ва уларни Ташкил этиш билан боғлик масалалар ёритилган. Чунки, республика иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ бўлган туб ўзгаришлари янгича бошқариш услубларини, унга мос равиша эса бозор иқтисодиёти амал қилишнинг ва давлат томонидан ўзгача раҳбарларни талаб этади. Булар чуқур ва кўп қиррали билимларга эга бўлган, яхши мушоҳада ва мулоҳаза қилиб қарорлар қабул қилишга қодир бўлган ўз ишининг мутахассислари бўлиши шарт. Айниқса макроиқтисодиёт ўта мураккаб ва ўз навбатида нозик бўлган соҳада банд бўлган амалиётчиларга жуда юқори талаблар қўйилади. Барча мавжуд бўлган ресурслардан оптимал фойдаланиш, ҳамда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни мувоффакият билан таъминлаш учун иқтисодчи макроиқтисодий жараёнларни таҳлил қила билиши, иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билиш, иқтисодий жиҳатдан турли хуносалар чиқара олиши ҳамда бу хуносаларнинг тўғри ва асосланган эканини исботлаб бера олиши керак. Бундай мутахассислар тайёрлашда “макроиқтисодиёт” курсини ўқиш муҳим рол ўйнайди. Курсни ўрганиш макроиқтисодий жараёнларнинг илмий асосларини ҳамда илғор мамлакатлардаги бу жараёнларни тартибга солиш амалиёт ва тўпланган бой тажрибани ўзлаштириш имконини беради. Республика иқтисодиёти янгича муносабатларга ўтиш босқичида тўрган шароитда бу масалалар айниқса аҳамиятлидир. Чунки бозор иқтисодиёти олдинги тизимдан нафақат принцип жиҳатдан фарқ қилувчи хўжалик модели, балки ўз ахлоқ талабларига эга бўлган бошқа бир фалсафа ҳамдир.

“Макроиқтисодиёт” ўқув фани сифатида бошқа иқтисодий фанлар, айниқса “микроиқтисодиёт” билан чамбарчас боғланган. Чунки уларнинг барчаси учун иқтисодиёт ягона тадқиқот обьекти бўлиб хизмат қиласиди. Шунинг учун ҳам ушбу маърӯза матнлари “иқтисодиёт” таълим йўналиши бўйича уқийдиган талabalарга мўлжалланган.

1- Боб: Макроиқтисодиёт фанининг предмети, объекти ва унинг аҳамияти.

- 1.1. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт тушунчаси.
- 1.2. Макроиқтисодиёт фанининг предмети, объекти ва унинг бошқа иқтисод фанлари билан алоқалари.
- 1.3. Ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши.
- 1.4. Очиқ ва ёпиқ иқтисодиёт тушунчаси.

1.1. Макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт тушунчаси.

Жамиятнинг барча иқтисодий ва ижтимоий фаолиятларини ўрганиш ва юритишида фундаментал муаммога дуч келамиз. Бу муаммо авволом бор табиат бизга инъом этган ресурсларнинг чегараланганлигидир. Демак, инсоният хохлаганича ресурслар имкониятига эга эмас. Шунинг учун биз инсоният фаолияти учун моддий неъматлар яратиш жараёнларини ўрганиб чиқишимиз керак. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётни ўрганиш демакдир. Чунки, иқтисод-грекча сўз бўлиб, уй хўжалигини юритиши санъати демакдир. Эндиликда ушбу фан уй хўжалигини юритиши эмас, балки худудлар, мамлакатлар ва жаҳон хўжалигини юритиши санъати билан шуғулланмоқда. Бунинг исботи сифатида ишлаб чиқариш соҳаларида Ташкил этилаётган корхоналар, фирмалар, корпорациялар, қушма корхоналар ва фирмалар каби кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

Иқтисодиёт кенг ва чуқур маъноли муаммоларни ўрганади. Лекин иқтисодчилар ўрганадиган муаммолар ва хал қиласиган вазифаларни қисқача қуидагича таърифлаш мумкин: Биринчидан, инсон чегараланган имкониятлар даражасида яшайди. Инсоннинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, вақт, маблағ ва барча ресурслари чегараланган. Вақтнинг чегараланганлиги у ёки бу ишлаб чиқаришни маълум вақт давомида амалга оширишни тақоза қиласиди. Маблағларнинг чегараланганлиги у ёки бу мақсадларни амалга оширишни молиявий жиҳатдан мушкўллаштиради.

Демак, шахс ва жамият фаровонлиги чегараланган имкониятлардан оқилона фойдаланиш билан боғлик экан. Яъни, ресурсларнинг чегараланганинг иқтисодий ўрганиш принципиал аҳамиятга эга. Бунинг маъноси шуки, барчанинг бир вақтнинг ўзида барча эҳтиёжларини қондириб бўлмайди. Агарда ресурслар чегараланмаган бўлмагандан эди, у ҳолда мақсадларга эришиш ва маҳсулотларни истеъмолчиларга самарали қилиб тақсимлашга зарурат бўлмаган бўлар эди.

Бугунги кунда мавжуд бўлган - инфляция, ишсизлик, ҳарбий харажатлар, бюджет камомати, қашшоқлик ва тенгсизлик, атроф муҳитнинг ифлосланиши, бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва шу кабилар туб моҳияти жиҳатидан чегаралангандан ресурслардан самарали фойдаланиш муаммосини билдиради. Бундан шундай хуносага келишимиз мумкинки шахс, корхона, ҳудуд, мамлакат ва хатто ҳалқаро миқёсларда ҳам иқтисодиёт билан шуғулланиш объектив зарурат экан.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ўз вақтида ва жой-жойида хал қилишда кўпгина иқтисодий фанлар қатори микро ва макроиқтисодиёт фанлари ҳам бевосита шуғулланади. Масалан, бирор-бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун ҳар хил қарор ва қонунлар қабул қилишда иқтисодчилар икки хил таҳлиллар орқали ёндошадилар. Яъни, микроиқтисодий ва макроиқтисодий ёндошувлардан иборат.

Микроиқтисодий ёндошув ёки микроиқтисод бу бирор бир аниқ иқтисодий бирликни тўлиқ таҳлил қилишдан иборатdir. Масалан, бирор-бир ишлаб чиқариш корхонасини ўрганиш, яъни, корхонини Ташкил қилишдаги ички (инсонлар, ишлаб чиқариш воситалари, капитал ва маълумотлар билан таъминланганлик даражаси) ва ташқи (маъмурий ва марказий бошқарув Ташкилотлари, истеъмолчилар, ишлаб чиқариш компонентларини етказиб берувчилар ва аҳоли яшаш жойларига ўзок - яқинлиги) омиллар, ишлаб чиқарган маҳсулотларининг харажатлари, фойдаси, тушуми, тўланадиган солиқлар ва шунингдек корхона фаолияти билан боғлик бўлган барча жараёнларини тулиқ ўрганишдан иборатdir. Ёки бошқача қилиб айтганда

ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланишини алохида олинган корхона, тармоқ худуд даражасида ўрганишдан иборатdir.

Макроиктисодиёт эса кенг куламдаги иқтисодиёт билан шуғулланади. Унинг обьекти бўлиб ялпи ишлаб чиқариш, иш билан бандлик, баҳо ва ташқи иқтисодий савдо, инфляция ҳисобланади. Яъни, ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланишни ҳалқ хўжалиги ёки мамлакат миқиёсида ўрганишлардан иборат. Ҳозирги жаҳон хўжалиги ривожланган, илмий техника тараққиёти даврида барча мамлакатларнинг иқтисодиётлари ўзвий боғлиқдир. Мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва мудофаа қобилиятлари қўп жиҳатдан уларнинг макроиктисодиётига боғлиқдир. У мураккаб ва қўп қиррали масалаларни ўз ичига олганлиги туфайли ҳозирда иқтисодчилар орасида макроиктисодиёт мунозарали фан бўлиб келмоқда.

1.2. Макроиктисодиёт фанининг предмети, обьекти ва унинг бошқа иқтисод фанлари билан алоқолари.

Макроиктисодиёт фани мамлакат иқтисодиёти ва унинг ялпи ишлаб чиқаришининг ўсиши, пасайиши, турғунлик даврларини иқтисодий таҳлил қиласи ва уни тартибга солиш иқтисодий механизmlарни яратади. Бунда макроиктисодиёт назариясига асосланади.

Барча мавжуд бўлган ресурслардан оптимал фойдаланиш, ҳамда иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни муваффақият билан таъминлаш учун иқтисодчи макроиктисодий жараёнларни таҳлил қила билиши, иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларни яхши билиш, иқтисодий жиҳатдан тўғри хulosалар чиқара олиши ҳамда бу хulosаларнинг тўғри ва асосланган эканини исботлаб бера олиши керак. Бундай мутахассислар тайёрлашда “макроиктисодиёт” муҳим рол ўйнайди. Курсни ўрганиш макроиктисодий жараёнларнинг илмий асосларини ҳамда илгор мамлакатлардаги бу жараёнларни тартибга солиш амалиёт ва тўпланган бой тажрибаларни ўзлаштириш имконини беради. Республика иқтисодиёти янгича муносабатларга ўтиш босқичида тўрган шароитда бу масалалар айниқса аҳамиятлидир. Чунки

бозор иқтисодиёти олдинги тизимдан нафақат принцип жиҳатдан фарқ қилувчи хўжалик модели, балки ўз ахлоқ талабларига эга бўлган бошқа бир фалсафа ҳамдир.

Нисбатан кенгрок бўлган амалий иқтисод фани сифатида “Макроиқтисодиёт” курсининг аҳамияти шундаки, у бошқа иқтисодий фанларнинг концентрациялашган йиғиндиси сифатида хизмат қилади, ҳамда бу фанларни билишга таянади. Макроиқтисодиёт корпорациялар, уй-хўжаликлари ва ҳукуматнинг ўзаро манфаатларига тааллуқли кўпгина масалаларни ечишда тўғри йўналишлар беради. Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ўрганиш макроиқтисодиёт фанининг предмети бўлиб ҳисобланади.


“Макроиқтисодиёт” уқув фани сифатида бошқа иқтисодий фанлар, айниқса, “микроиқтисодиёт”, иқтисодий математика, иқтисодий кибернитика, тармоқлараро баланс, лойиҳалар таҳлили, миллий иқтисодиёт ва шу каби кўпгина фанлар билан чамбарчас боғланган. Чунки уларнинг барчаси учун иқтисодиёт ягона тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодчилар макроиқтисодиётни бошқа иқтисодий фанлар билан алоқаларини ривожлантириш йўлларини тадқиқ қилишда инсонларнинг самарали ҳаракати гипотезасидан фойдаланишади.

Инсонларнинг самарали ҳаракати - бу чегараланган имкониятлар шароитида уларнинг юқори самараға эришиш учун қиладиган ҳатти-ҳаракатидир. Унда индивид ўзининг эҳтиёжини: Биринчидан иш хақини юқори қондирилишига, иккинчидан корхона - юқори фойда учун, учинчидан давлат эса аҳолини ижтимоий фаравонлигини оширишга ҳаракат қилади. Демак, инсонларнинг самарали ҳаракати уларнинг табиий ҳаракати бўлиб, унинг объектив қучлари мажмуасидан илмий фойдаланиш ўлкан иқтисодий муаммолардан биридир. Инсонларнинг самарали ҳаракати уларнинг “мустақил хошишлари” дан келиб чиқади. Масалан, ҳар бир инсон ўз ҳаракатининг самарали бўлишини кўзлайди, яхши, моддий ва маънавий бой яшашни истайди ва бу мақсадга интилади. Барча хошиш-истакларни ўрганиш, ресурслар, вақт ва

инсон ҳаракатининг чегараланганлиги ҳар доим бир нечта масалаларнинг халқилинишини тақозо этади. Бу макро ва микроиқтисодиётнинг муаммолариdir. Демак макроиқтисодиёт бошқа иқтисодий фанлар каби мамлакат ҳалқхўжалигини бутунлигича ёки унинг йирик тармоқларини ва шунингдек ҳалқаро иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини ўрганар экан. Ҳар қандай мамлакат ҳалқаро иқтисодий интеграцияда бирор-бир маҳсулотни экспорт қиласи ва бирор-бир маҳсулотни импорт қиласи. Яъни, бирор-бир мамлакат ўз ички эҳтиёжларини ва ҳалқаро эҳтиёжларни таъминлаш учун ҳалқ хўжалиги миқёсида нима, қандай, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш керак ҳамда мамлакат иқтисодий тизими бўлаётган ўзгаришларга тайёрми деган муаммоларни ҳал қилиши лозим.

Бундай муаммоларни ечишда иқтисодчилар турли хил моделлардан фойдаланади. Моделлар у ёки бу иқтисодий жараённинг умумлашган, соддалашган кўринишини ифодалайди. Масалан, Ўзбекистоннинг барча табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиб ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўриб чиқайлик.



1.1-расм.


Графикда ОХ горизантал ўқи истеъмол буюмларини, ОУ вертикаль ўқи ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши ёки камайишини кўрсатади.

АВСД эгри чизиги барча ресурслардан юқори даражада фойдаланилганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг мумкин бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини кўрсатади.

Ушбу графикдан биз учта бир-бири билан боғлиқ бўлган тушунчалар: ресурсларнинг чегараланганлигини, ҳар бир нуқта бўйича ўзига хос вариантларда ишлаб чиқариш бўлишилиги ва харажатлар ўзгаришини кўрамиз. Масалан, F нуқтани олсак, у нуқтада маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан кам даражада ишлаб чиқаришни ифодалайди. Аксинча, E нуқта бўйича юқори имкониятларда ҳам ишлаб чиқаришнинг қуввати, ресурслар етишмайди. Ёки В ва С нуқталарни таққослаб кўрайлик. В нуқтани танласак, С нуқтага нисбатан биз истеъмол буюмларидан (X_b) камроқ ва ишлаб чиқариш воситаларидан (Y_b) кўпроқ ишлаб чиқаришни танлаган бўламиз. Аниқроғи В нуқтадан С нуқтага ўтишда биз қўшимча $X = OX_c - OX_b$ истеъмол буюмлари оламиз. Бироқ бу ҳолда биз Y ни йўқотамиз. ($Y = Oy_c - Oy_b$). Яъни ресурсларни ҳалқ истемол маҳсулотларига қўшимча сарфлаб, қўшимча ҳалқ истеъмоли маҳсулотлари оламиз. Худди шунча ресурслар ва имкониятларни ишлаб чиқариш воситаларидан йўқотамиз.


Эгри чизик (АВСД) максимал имкониятни кўрсатар экан, макроиқтисодиёт унинг чегарасидан ташқарига (масалан, E нуқтага) юқори ва ўнгга чиқиши мумкинми - деган савол туғилади. Агар янги техника ва технологик жараёнлар ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларига баробар киритиладиган бўлса, АД эгри чизик A1, D1 эгри чизикқа кўчирилиши мумкин. У ҳолда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари баробар, бир текис кенгаяди. Е нуқтадаги ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

1.2-расм.



Агар янгиликлар ишлаб чиқариш воситаларга жорий қилинса, у ҳолда ишлаб чиқариш имкониятлари ишлаб чиқариш воситаларига қараб кенгаяди ва у қўйидагича кўринишда бўлади.

1.3-расм.




1.3. Ресурслар, маҳсулотлар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда: режали ёки аралаш товар ва хизматлар такорор ишлаб чиқариш умумий жараёнини иқтисодий ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиш кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Асосан хусусий мулкка таянган иқтисодий тизимларда бундай доиравий айланиш корхоналар ва уй хўжалиги ўртасида амалга оширилади.


Куйидаги чизмадан кўриниб турибдики, уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, ўз навбатида уларни тайёр маҳсулотлар ва хизматлар бозорига етказиб бералади. Айни пайтда ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳаракати билан ёнма-ён даромадларнинг ҳам доиравий айланиши амалга оширилади. Яъни уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслари эвазига даромад олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайди, ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф харажатлар қиласи ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромад олади.

Ресурсларга Пуллик даромадлар (иш хақи, харажатлар, рента, фоиз, фойда)



Бу ерда барча ишлаб чиқариш ва айирбошлиш жараёнлари фақат бозор орқали бошқарилади, бошқача айтганда ресурслар товарлар ва хизматлар бозоридаги шаклланган талаб ҳамда таклиф ёрдамида бошқарилади.

Иқтисодиётда фақат баҳо ёки фақат давлат режаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларининг бир текис кечишини таъминлашга қодир эмас. Бозор тизимида доимо қайтарилиб туриладиган иқтисодий инқирозлар ва режали тизимнинг емирилиши буни яққол номоён этди. Шу билан бирга тартибга солишининг бозор ва режа механизмларидан қўшиб фойдаланишга асосланган аралаш иқтисодий тизимнинг ҳаётийлигини жаҳон амалиёти тасдиқлади.



1. Ер, меҳнат, капитал.
2. Ресурслар.
3. Товар ва хизматлар.
4. Товар ва хизматлар.
5. Ресурслар.
6. Товар ва хизматлар.
7. Товар ва хизматлар.
8. Пуллик даромад (и/х, рента, фоиз, фойда)
9. Истеъмол харажатлари.
10. Сотишдан тушган даромад.
11. Ресурс харажатлари.
12. Солиқлар.
13. Солиқлар.
14. Харажатлар.
15. Харажатлар.
16. Харажатлар.

Юқоридаги чизмадан кўриниб турибидики ресурслар, товарлар ва даромадларнинг ўзлуксиз ҳаракати ҳам бозор орқали ҳам давлат аралашуви билан таъминланган. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларни ҳаракатини бевосита бошқармайди, балки ресурслар ва товарлар бозорларида

ўзининг қатнашуви билан уларнинг иқтисодий фаолиятига қулай шароитлар яратади.

1.4. Ёпиқ ва очиқ иқтисодиёт тушунчаси.

Ҳар бир мамлакат кўплаб ҳалқаро иқтисодий алоқаларга эга. Яъни, ўзаро товарлар, хизматлар, ахборотлар, капитал ва ишчи кучлари билан айирбошлишлардан иборат. Бундай алоқаларнинг ривожланиш даражасига қараб иқтисодиётнинг қай даражада очиқлиги аниқланади.

Очиқ иқтисодиёт бу шундай иқтисодки, унда мамлакатнинг барча фуқоралари ҳалқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Бироқ, шундай мамлакатлар ҳам борки ўзининг қобиғига ўралиб қолган. Масалан, собиқ СССР - нинг урушгача бўлган даври. Ҳалқаро савдода иштирок этмайдиган иқтисодиёт ёпиқ иқтисодиёт деб аталади. Таъкидлаш лозимки ҳозирги кунда мутлоқ бундай иқтисодиёт мавжуд эмас. Аммо, макроиқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилашда фойдаланиладиган моделларда бундай мавхумларга йўл қуйилади. Ёпиқ иқтисодиёт моделида товарлар, хизмат ва капитал оқимлари миллий чегаралар ташқарисига чиқмайди ҳамда унда асосий макроиқтисодий айният қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = C + I + G$$

Бунда, Y -миллий маҳсулот, даромад. C -уй хўжалигининг ўз мамлакатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишга сарфланган истеъмол харажатлари.

I -шу мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг ўз мамлакати инвестиция товарларига харажатлари. G -давлат томонидан ўз мамлакати товар ва хизматларини харид қилиш.

Очиқ иқтисодиётда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд ва у миллий иқтисодиётда товарлар ва даромад харакатида намоён бўлади. Асосий иқтисодий тенгликка қўшимча кўрсаткич киритилса, у қуидаги кўринишга эга бўлади. $Y = C + I + G + NX$

Бунда, NX- ҳорижликларнинг шу мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарган товар ва хизматларга қилган харажатлари билан ҳорижда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга ички харажатлар ўртасидаги, қисқача айтганда экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ.

Қисқача хulosалар.

1. Макроиктисодиёт фани иқтисодиётни тўлигича, яъни аҳоли даромадларининг ўсиши ва камайиши, ишсизлик, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматлар нархларининг ўзгариш даражаси ва шунингдек бошқа макроиктисодий муаммоларни ўрганади. Макроиктисодчилар нафақат ушбу ҳолатларни тушунтиришни, балки иқтисодиётни ривожлантириш учун иқтисодий сиёсаллар ҳам олиб борадилар.
2. Микроиктисодиёт уй хўжалиги, фирмалар даражасида иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш билан шуғулланади. Макроиктисодий вазиятлар асосида микроиктисодий алоқалар ва таҳлиллар ётганлиги учун ҳам макроиктисодчилар кўп холларда микроиктисодиёт усусларидан фойдаланишади.
3. Иқтисодиётдаги барча муаммоларни ҳал қиласиган ягона модел мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам макроиктисодчилар ҳар бири алохида муаммоларни ҳал қиласиган кўпгина моделлардан фойдаланишади.
4. Иқтисодий моделларнинг асосий шартлари нархларнинг эгилувчан ёки ноэгилувчанлигини изоҳлашдан иборат. Кўпгина макроиктисодчилар ҳисоблашича иқтисодий моделлар иқтисодиётни ўзок муддатга ривожланишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам қисқа даврларда нархлар ноэгилувчан бўлиб ҳисобланади.

Таянч иборалар.

Микро ва макроиктисодиёт тушунчаси, макроиктисодиёт фанининг предмети, обьекти ва унинг бошқа фанлар билан алоқалари, моделлар, экзоген

ва эндоген ўзгарувчилар, бозорнинг тенглашуви, эластик ва ноэластик нархлар, ресурслар, даромадлар, харажатлар ва уларнинг доиравий айланиши, очик ва ёпиқ иқтисодиёт.

Назорат ва мулоҳаза учун саволлар.

- 1.Микроиқтисодиёт ва макроиқтисодиётнинг бир-биридан фарқини тушинтириб беринг. Улар бир-бири билан қандай алоқада?
2. Нима учун макроиқтисодиёт фани бошқа иқтисод фанлари билан алоқада?
3. Иқтисодчилар нима учун моделларни тўзишидаи ва улардан фойдаланишидаи?
4. Ресурслар, даромадлар ва харажатларнинг қандай доиравий айланишлари мавжуд ва улар бир-биридан қандай фарқ қиласиди?
- 5.Қандай иқтисодиётларни биласиз? Очик иқтисодиётнинг ёпиқ иқтисодиётдан афзалликлари нимада?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 326 бет.
3. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
4. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” - М.:1995
5. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург.: Судоистроение. 1998
6. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С.Петербург.: 1994
7. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996

8. Йўлдошев З., Қосимов М.С.“Макроиқтисодиёт асослари”. Т.:Ўқитувчи. 1994
9. В.Н.Костюк. “Макроэкономика” - М.:1998
10. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
11. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во МГУ.: 1994
- 12.П.Хейнс.”Экономический обозрение”. Перевод с англ - М.: Изд. Новости при участии. 1991
13. Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
14. Р. Лэйард.“Макроэкономика” Курс лекций для российских читателей. М.: 1994
15. М.А. Хаикмова. “Макроиқтисодиёт” - Т.: “Мехнат”. 1997

2-Боб: Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш.

- 2.1. Макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар.
- 2.2. ЯММ ҳисоблашнинг асосий шартлари.
- 2.3. ЯММ харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблаш.
- 2.4. Миллий ҳисобчилик тизимидағи бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат.
- 2.5. Номинал ва реал ЯММ.

2.1. Макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичлар.

ЯММ ни ҳисоблашдан олдин биз макроиқтисодий ҳолатни акс эттирувчи асосий кўрсаткичларга тўхталиб ўтамиш. Бу кўрсаткичларга:

- ЯММ, ЯИМ , МД;
- давлат бюджети такчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, инфляциянинг ўсиш суръатлари;
- ишсизлик даражаси ва ишсизлар сони, аҳолини иш билан бандлик даражаси;

- аҳолини моддий неъматлар ва хизматлари истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш хақининг қуи миқдори ва бошқалар.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда барча қатнашувчиларни (корхона, тармок, минтақа, давлат) ва уй хўжалиги фаолиятлари натижасида аниқланади.

Мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини аниқлашда кўпгина кўрсаткичлар мавжуд. Худди шундай кўрсаткичларнинг энг асосийси бўлиб ЯММ кўрсаткичи ҳисобланади.

У иқтисодиётда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами товар ва хизматлар тугалланган ҳажмининг бозор қиймати йифиндиси орқали аниқланади.

2.2. ЯММ ҳисоблашнинг асосий шартлари.

Биз биламизки ҳисботот йилида ишлаб чиқарилган барча товарлар ҳам сотилмайди, яъни, уларнинг айримлари заҳирани тўлдиради. Заҳираларни тўлдиришга кетган ҳар қандай товарлар ЯММ ни ҳисоблашда ҳисобга олиниши лозим. Чунки, ЯММ миқдори орқали у сотилган ёки сотилмаган бўлишидан қаътий назар жорий маҳсулот ҳисобланади. ЯММ тушунчаси маълум даражада изоҳ талаб қиласди.

Биринчидан, ЯММ йиллик ишлаб чиқаришнинг бозор қиймати орқали ўлчанади. У пулли кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам ҳар хил йилларда ҳар хил турдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотларни солиштириш учун уларнинг нисбий қийматини билишимиз лозим. Мисол. Турли йилларда ишлаб чиқарилган ҳар хил товарларни баҳо ёрдамида таққослаш.

Йиллар	Ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми	Бозор баҳоси
1.	3 апиельсин ва 2 олма.	$3 \times 2 \text{ сўм} + 2 \times 3 \text{ сўм} = 12 \text{ сўм.}$
2.	2 апельсин ва 3 олма.	$2 \times 2 \text{ сўм} + 3 \times 3 \text{ сўм} = 13 \text{ сўм.}$

Иккинчидан, ишлаб чиқариш ҳажмини тұғри ҳисоблаш учун жорий йилда ишлаб чиқарылған товар ва хизматлар ҳажми бир марта ҳисобға олиниш керак. Күпгина маҳсулотлар бозорга боргунча бир нечта ишлаб чиқариш босқичини үтайди. Шунинг учун ЯММда айрим маҳсулотларни икки ва ундан күп марта ҳисобға олмаслик учун фақат пировард маҳсулотнинг бозор қийматини ҳисобға олади, оралиқ маҳсулотларни эса ҳисобға олмайди.

Пировард маҳсулот деб биз товар ва хизматларни охирги истеъмол учун сотиб олинадиган маҳсулотларга тушунамиз.

Оралиқ маҳсулотлар эса сотиб олинган товар ва хизматларни янада қайта ишлаш учун сотиб олинган маҳсулотлардан иборатdir. ЯММ да оралиқ маҳсулотларнинг охирги сотиши қиймати ҳисобға олинади. Оралиқ қиймат эса ҳисобға олинмайди. Чунки, оралиқ қиймат ҳисобға олинганда айрим маҳсулотларда икки ёклама ҳисобға олиш бўлган бўлар эди. Миллий даромадни ҳисоблашда икки ёклама ҳисоблашдан қочиш учун ишлаб чиқарылған маҳсулотларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиши керак ва фақат ҳар бир фирмада яратылған қўшилған қийматни ҳисобға олиш зарур. қўшилған қиймат фирма ишлаб чиқариш ҳажмининг бозор баҳосини билдиради.

Учинчидан ЯММга ноишлаб чиқариш ишларини қўшилмайди. Ноишлаб чиқариш ишлари икки хил турда бўлади: соф молиявий ишлар ва ушлаб турилган товарларни сотиши.

Молиявий ишлар ўз навбатида учта асосий турга бўлинади; Давлат бюджетидан трансферт тўловлари, хусусий трансферт тўловлар ва қимматбаҳо қоғозларни сотиши.

Масалан. Беш босқичли ишлаб чиқариш жараёнида қўшилған қиймат.

Ишлаб чиқариш босқичи	Маҳсулотларнинг сотиши баҳоси. сўм.	қўшилған қиймат сўм.
--------------------------	--	-------------------------

Фирма А. қўйчилик фермаси

0

	60	60(=60-0)
Фирма Б. Жун қайта ишлаш		
корхонаси	100	40(=100-60)
Фирма В. Кастюм ишлаб чи-		
қариш фирмаси	125	25(=125-100)
Фирма Г. Буюмларни улгуржи		
сотувчи корхона	175	50(=175-125)
Фирма Д. Буюмларни чакана		
сотувчи корхона	250	75(=250-175)
Сотувчининг умумий қиймати	710	
қўшилган қиймат.		250

Давлат бюджетидан трансферт тўловларга ижтимоий сугўртага тўловлар, ишсизларга ва пенсионерларга нафақалар. Давлат трансферт тўловларининг асосий хусусияти шундаки нафақаҳўрлар нафақа эвазига давлатга хеч нарса бермайди.

Хусусий трансферт тўловларига - студентларга бериладиган ойлик стипендиялар ва бой қариндош - уруғларидан бериладиган бир марталик тўловлар.

Қимматбаҳо қоғозларни сотиш, яъни акция ва облигацияларни сотиш ҳам ЯММ таркибиغا киритилмайди.

Ушлаб турилган товарларни сотиш ЯММ таркибиغا киритилмайди, чунки, бундай товарларни сотиш жорий ишлаб чиқирашни билдирамайди, ёки товарларларда икки ёқлама ҳисобни билдиради.

Тўртингидан, ЯММ ни ҳисоблашда икки томонлама ёндашилади.

Биринчидан, ЯММ ни ҳисоблашда, истеъмолчиларнинг янгитдан

яратилган якуний маҳсулотларни сотиб олишга кетган барча харажатлар миқдори бўйича аниқланади. Бу усул ЯММ ни харажатлар усули дейилади.

Иккинчидан, ЯММ ни ҳисоблашда эса товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида яратилган даромадларнинг йифиндиси миқдорида аниқланади. Бу усул ЯММ ни даромадлар ёрдамида аниқлаш усули дейилади.

ЯММни ҳисоблашнинг икки хил усули - ишлаб чиқариш ва даромадлар бўйича.

Ишлаб чиқариш харажатлари бўйича	Ишлаб чиқариш даромадлари бўйича
-------------------------------------	-------------------------------------

- | | |
|--|--|
| 1. Уй хўжалигининг истеъмол
харажатлари. | 1. Даромадларни тўлаш
билин боғлик бўлмаган
харажат ва тўловлар. |
| 2. Бизнесга инвестиция харажат-
лари ёки ялпи хусусий ички ин-
вестиция. | 2. Иш хақи. |
| 3. Товар ва хизматлар бўйича давлат
хариди. | 3. Рента тўловлари. |
| 4. Соф экспорт. | 4. Процент. |
| | 5. Фойда. |

2.3. ЯММ ни харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблаш.

ЯММ ни ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисоблашда асосан провард маҳсулот ва хизматларни яратишга кетган барча харажатлар ҳисобга олинади.

Биринчидан, **уй хўжалигининг истеъмол харажатлари (С)** ўз ичига:

- а). ўзоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол буюмлар;
- б). кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлар;
- в). истеъмол қилинадиган хизматларга кетадиган харажатлардан иборатdir.

Иккинчидан, **ялпи ички хусусий инвестиция харажатлари (I):**

- а). асбоб-ускуналар, машиналар сотиб олиш;
- б). корхоналар, омборлар, турар-жой биноларини қурушга сарфланган харажатлар;
- в). товар заҳиралари ўртасидаги фарқлар ёки заҳираларнинг ўзгаришларидан иборат.

Учинчидан, товар ва хизматларнинг давлат хариди (G). Бу гурухдаги харажатларга давлатнинг барча харажатлари, яъни махаллий ва марказий бошқарув хокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлар ва ресурслар хариди (қурол-ярог сотиб олиш, автомобил йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш хақи) киритилади. Лекин бу ерда шуни ҳам таъкидлаб кетиш лозимки бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Тўртингчидан, соғ экспорт (Хп) ёки мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари ўртасидаги фарқ.

Шундай қилиб ЯММ ни харажатлар орқали ҳисоблаш асосан йўқорида кўрсатиб ўтилган 4 гурух харажатлари орқали олиб борилар экан. ЯММ харажатлар бўйича қўйидаги формула билан аниқланади.

$$\text{ЯММ} = C + Ig + G + Xn.$$

ЯММ ни ишлаб чиқарувчиларнинг барча даромадлари йифиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

Биринчидан, истеъмол қилинган капитал ҳажми (CCA) ёки амортизация, яъни жорий йилдаги ЯММни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган инвестиция товарларини сотиб олишга мўлжалланган ажратмалардан иборат.

Иккинчидан, бизнесга эгри солиқлар (T) бу маҳсулот баҳосини оширувчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Жумладан, сотишдан олинадиган солик, акцизлар, мулкка солиқлар, лецензия тўловлари ва божхона божлари.

Учинчидан, ёлланма ишчиларнинг иш хақлари (W) - хусусий ва давлат компанияларининг иш хақи тўлашга сарфлаган умумий харажатлари (

иш хақи ва қуидаги күшимчалар; ижтимоий сұғұрта, пенсия, бандлик ва бошқа ижтимоий фонdlарга ажратмалар ҳамда бадаллар).

Түртінчидан, **ижара хақи (к1)** - бу иқтисодиётни мулк ресурслари билан таъминловчи уй хўжаликларининг даромадларидир. Масалан, ижарага берилған турар жойлар, бинолар, асбоб-ускуналар, ер ва бошқалардан олинадиган даромадлар.

Бешинчидан, **фоиз ставкалари ёки фоизли даромадлар (к)** - пул капиталини етказиб берувчиларга хусусий бизнис даромадидан пул түловлар.

Олтинчидан, **мулқдан келадиган даромад ёки фойда (Р)** - мулк эгаларининг даромадлари ва корпорацияларнинг олган фойдалари. Ўз навбатида корпорацияларнинг фойдалири қуидагиларга бўлинади;

- корпорацияларнинг олган фойдасига солиқ ёки фойда солиғи;
- хиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидентлар;
- тақсимланмаган фойда.

Ялпи миллий маҳсулотни аниқлашга икки хил ёндошув.

№	ЯММни товар ва хизматлар сотиб олишга мўлжалланган барча харажатлар бўйича ўлчаш	Шартли белгилар	Микдор
1.	Уй хўжаликларининг истемол харажатлари	C	
2.	Бизнесга инвестиция харажатлари ёки ялпи хусусий ички инвестициялар	I	
3.	Товар ва хизматлар бўйича давлат хариди	G	
4.	Соф экспорт	Xп	
	Жами: ЯММ = C + I + G + Xп	Y	
	ЯММни барча даромадлар бўйича ўлчаш		
1.	Иstemol қилинган капитал ҳажми	A	
2.	Бизнесга эгри солиқлар	T	
3.	Ёлланма ишчиларнинг иш хақлари	W	
4.	Ижара хақи	к1	

5.	Фоиз ставкаси	к	
6.	Якка қўйилмалардан даромадлар	P	
7.	Корпорациялар фойдасига солиқлар	T_к	
8.	Дивидентлар	P₁	
9.	Тақсимланмайдиган фойдалар	P₂	
	Жами: ЯММ = A+T+W+k₁+k+P+Tk+P₁+P₂	Y	

2.4. Миллий ҳисобчилик тизимидағи бошқа кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат.

Мамлакат миллий ҳисобчилик тизимида ЯММ кўрсаткичидан ташқари бир нечта бир-бири билан алоқада бўлган кўрсаткичлар мавжуд. Миллий ҳисобчилик тизими тўғрисидаги тушунчаларимизни кенгайтириш учун бу кўрсаткичларни Ташкил топиш манбаларини билишимиз керак. Бу кўрсаткичларга **биз ЯИМ, СММ, МД, ихтиёрдаги даромад ва солиқлар тўлангандан кейинги даромадларни** киритишмиз мумкин.

ЯИМ ҳам ЯММ каби моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар натижасида Ташкил топади.

ЯИМ - бу бирор-бир мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва Ташкилотларда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий ийғиндисидан иборатdir. ЯИМнинг ЯММдан фарқи ушбу мамлакат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳориждан оладиган фойда ва даромадлари ўртасидаги фарқлардан иборатdir. Яъни,

Шу мамлакат юридик ва ЯММ = ЯИМ + жисмоний шахсларнинг хориждан оладиган фой-	Хорижий инвесторлар ва - ишчиларни шу мамлакатда да ва даромадлари.
	- олган фойда ва даромад-
	лари.

ЯММ ни ҳисоблашда айрим камчиликларга йўл қўйилади. Чунки, унда ҳисобод йилида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотлар миқдоридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати ҳисобга олинмайди. Ёки бошқача қилиб айтганда амартизация қиймати ҳисобга олинмайди. Шунинг учун ҳам миллий

ҳисобчилик тизимида СММ кўрсаткичи ҳисобланади. СММ нинг ЯММ дан фарқи йўқорида айтганимиздек амартизация ажратмалари миқдорига тенгdir.

Ялпи миллий маҳсулот 4862

Истеъмол қилинган капиталга ажратма - 505

Соф миллий маҳсулот 4357.

Кейинги кўрсаткич МД - бу миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир. Ресурсларни етказиб берувчиларнинг, яъни ер, ишчи кучи, капитал шунингдек бошқарув фанларини етказиб берувчиларнинг ҳисботот йилида оладиган даромадлари миқдори қанчани Ташкил қилишини аниқлайлик. СММ таркибидан фақат бизнесга эгри солиқларгина жорий йилдаги иқтисодий ресурслар таркиби киритилмайди. Шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, давлат ўзи оладиган бизнесга эгри солиқлар урнига ишлаб чиқаришга хеч нарса кўймайди, яъни давлатни иқтисодий ресурслар таъминотчиси сифатида баҳоламаймиз. Демак, жорий йилда яратилган ЯММ таркибидан иш хақи, рента тўловлари, фоиз ва олинган фойдаларнинг умумий миқдорини аниқлашда биз СММ таркибидан бизнесга эгри солиқлар миқдорини олиб ташлашимиз лозим. Шундай қилиб олинган кўрсаткич миллий даромад (МД) ҳисобланади. Ресурслар таъминловчилар нуқтайи назаридан у жорий ишлаб чиқаришда қатнашиш натижасида олган даромадларини ўлчашни билдиради. Компаниялар нуқтаи назаридан эса МД ишлаб чиқариш омиллари ёки ресурсларни баҳосини ўлчашни билдиради. МД жорий ишлаб чиқаришга кетган иқтисодий ресурсларнинг бозор баҳосини билдиради.

СММ - 4357

Бизнесга эгри солиқлар - 393

3964

МД СММ дан бизнесга эгри солиқларни олиб ташлагандан кейин қолган қисмидан иборат экан.

Шахсий даромад (якка қўйилмалардан даромад) ва МД бир-биридан шуниси билан фарқ қиласиди, яъни ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми - ижтимоий сугўрталарга взнослар, корпорация фойдасига солиқ ва корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси амалда уй хўжалигига тушмайди. Аксинча, яъни уй хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган даромадларнинг бир қисми, масалан, трансферт тўловлари - меҳнат натижаларини билдирамайди. Трансферт тўловларига - сугўрта Ташкилотлари томонидан тўланадиган, яъни қарилїқда ва баҳтсиз ходисаларга шунингдек ижтимоий дастурларга асосланган ҳолда ишсизларга тўланадиган нафақалар, ногиронларга тўланадиган ҳар хил тўловлар, ишсизларга ва пенсионерларга тўланадиган нафақалар, истеъмолчилар ва давлат томонидан тўланадиган процент тўловлари ва бошқа тўловлар киради.

МД дан хусусий даромадлар таркибига ўтишда аҳоли томонидан ҳақиқатда ишланган аммо олинмаган даромадларни олиб ташлаймиз шунингдек аҳоли тамонидан олган аммо жорий меҳнат фаолияти натижаларини билдирамайдиган даромадларини қўшамиз.

Миллий даромад	- 3964
Ижтимоий сугўрталарга взнослар	- 445
Корпорация фойдасига солиқ	- 145
Корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси	- 79
Трансфоркт тўловлари	- 768

Хусусий даромадлар (якка қўйилмалар даромадлари)	4063
--	------

Шахсий ихтиёрдаги даромад деб индивидуал солиқларни тўлагандан кейинги даромадларга айтилади. Индивидуал солиқлар - даромад солиғи, хусусий мол-мулкларга ва мерос қолган мулкларга солиқлардан иборат.

Хусусий даромад (солиқларни тўлашдан олдинги даромад)	- 4063
Индивидуал солиқлар	- 590

Миллий ҳисобчилик тизимида ўлчаниладиган мақроиқтисодий күрсаткичларнинг ўзора нисбатлари.

Күрсаткичлар	Шартлы белгилар	Миқдор
1. Ялпи миллий маҳсулот. “Минус”, амартизация	ЯММ	
2. Соф миллий маҳсулот “Минус” бизнесдаги әгри солиқлар	СИМ	
3. Миллий даромад “Минус”- ижтимоий суғурта түловлари - даромад (фойда) солиғи - тақсимланмайдыган даромад(фойда) “Плюс” + трансферт түловлари	МД	
4. Шахсий даромад “Минус”- индивидуал солиқлар	МД	
6. Солиқ тұланғандан кейинги даромад, яни ихтиёрдаги даромад.	ИД	

2.5. Номинал ва реал ЯММ.

Иқтисодиётда мавжуд бўлган инфляция ва дефляция күрсаткичлари ЯММ ни ҳисоблашни қийинлаштиради. Чунки, ЯММ пул, вақтинчалик ва миқдор күрсаткичларидан иборатдир. ЯММ ни ҳисоблашда бошланғич маълумот бўлиб компанияларнинг умумий сотиш ҳажми күрсаткичи ҳисобланади. Аммо бу күрсаткичлар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдор ва баҳо даражаларининг ўзгаришини ифодалайди. Бу шуни билдирадики ЯММ миқдорига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг физик ҳажми ва баҳо даражаси таъсир кўрсатади.

ЯММ ни ҳисоблашда биз компаниялар молиявий ҳужжатлардан статистик маълумотларни оламиз ва ЯММ ни ҳисоблаймиз. Бу ҳақиқатда

номинал ЯММ кўрсаткичидан иборат бўлади. Чунки, биз бирор-бир йилда яратилган номинал ЯММ нинг ўсиши бир томондан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришини, иккинчи томондан баҳонинг ўзгаришини билдиради деб айта олмаймиз. Масалан, биз ЯММ нинг 4% га ўсиши инфляциянинг ноллик даражасида ишлаб чиқариш ҳажмини 4% оширган ёки ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармаган ҳолда 4% инфляцияни оширган деб тўғридан-тўғри айта олмаймиз. Муаммо шундан иборатки пул (вакт, миқдор) кўрсаткичларини шундай тўзатишимиз керакки, у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар физик ҳажмининг ўзгаришини аниқ ифодаласин.

Бу муаммо ечими иқтисодчилар томонидан топилган. Яъни, баҳоларнинг ўсиб боришида ЯММ физик ҳажми кўрсаткичи камайтирилади ва аксинча баҳолар камайиб борища кўпайтирилади. Бу туғирлашлар ЯММ ни ҳар хил йилларда солиштириш имконини беради. Яъни жорий баҳоларда (баҳоларнинг ўзгаришини ҳисобга олмаган ҳолда) ҳисобланган ЯММ номинал ЯММ ни билдиради. Демак, бунга тескари равишда инфляция даражасини (яъни, баҳоларнинг ўсиши) ёки дефляция (яъни, баҳоларнинг камайиши) даражаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган ЯММ реал ЯММ дан иборатдир. Реал ЯММ = (Номинал ЯММ/ Баҳо индекси)х100%.

қисқача хуносалар.

1. ЯММ мамлакат аҳолисининг умумий даромадлари ва товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнларида сарф қилинадиган умумий харажатлар йигиндисидан иборат экан.
2. Номинал ЯММ товар ва хизматларнинг жорий баҳоларда ҳисоблашни, реал ЯММ эса доимий баҳоларда ҳисобланганлигини кўрсатар экан. Шундай қилиб реал ЯММ товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан ошар экан, номинал ЯММ эса товар ва хизматлар баҳо даражасининг ўсиши натижасида ҳам ошиши мумкин экан.
3. ЯММ тўрт гуруҳ харажатлар йигиндиси орқали ҳисобланар экан: истеъмол, инвестиция, давлат хариди ва соғ экспорт.

4. Миллий ҳисобчилик тизими ning бошқа кўрсаткичларини ҳам ҳисоблаш мамлакат макроиктисодиётини тўғри таҳлил қилган ҳолда ривожлантириш босқичларини белгилашда асосий омиллар бўлиб ҳисобланар экан.

Таянч иборалар.

Ялпи, соф, ички инвестиция, ЯММ ни даромадлар ва харажатлар бўйича ҳисоблаш, хусусий ва давлат трасперт тўловлари, қўшимча қиймат солиғи, рента, ялпи миллий маҳсулот, шахсий даромад, икки ёқлама ҳисоб, қўшимча қиймат, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, истеъмол харажатлари, номинал ЯММ, реал ЯММ, амартизация, пировард маҳсулот, қиймат индекси, соф экспорт, тақсимланадиган даромад, давлат хариди, фоиз, ёлланма ишчиларни рағбатлантириш, ЯММ инфляцияси ва дефляцияси.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. ЯММ ни ҳисоблашнинг асосий шартлари нималардан иборат. Нима учун икки ёқлама ҳисобга олишдан қочиш зарур?
2. ЯММ харажатлар ва даромадлар бўйича ҳисоблашнинг зарурияти нимада? Уларнинг фарқлари нимада?
3. Миллий ҳисобчилик тизимидағи бошқа макроиктисодий кўрсаткичларга қайсилари киради ва улар қандай ҳисобланади?
4. ЯММ инфлятори ва дефляторини тушинтириб беринг.
5. Мамлакат макроиктисодиётини таҳлил қилаоласизми?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 326 бет.
3. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
4. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” -М.:1995г.
5. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоинстроеие. 1998

6. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
7. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”-М.: “Дело”.1996
8. Йўлдошев З., Қосимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Уқитувчи. 1994
9. В.Н.Костыюк. “Макроэкономика” - М.:1998
10. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика” - М.:1996
11. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
12. Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
13. М.А. Ҳақимова. “Макроиктисодиёт” - Т.: “Меҳнат”. 1997


3-Боб: Макроиктисодий бекарорлик.

- 3.1. Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари.
- 3.2. Меҳнат бозори, ишсизлик тушунчаси, унинг турлари, ўлчаниши ва тўла бандлик.
- 3.3. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. Оукэн қонуни.
- 3.4. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисоблаш усуллари.
- 3.5. Инфляция ва ишсизлик. Филлипс эгри чизиги.

3.1. Иқтисодий даврлар ва иқтисодий тебранишларнинг сабаблари

Иқтисодий цикл бу иқтисодиётнинг бир неча йиллар давомида ўсиши ва камайишини кўрсатувчи жараён бўлиб ҳисобланади. Айрим иқтисодий цикллар бошқаларидан ўзининг ўтиш даврининг давомийлиги ва фаолликлари билан фарқ қиласди. Шунга қарамасдан уларнинг барчаси бир хил даврларни босиб ўтади.

3.1-расм.



Вақт.

Иқтисодий цикларнинг иқтисодчилар тўртта ривожланиш давларини кўрсатадилар. Биринчи даври иқтисодий ривожланишнинг энг юқори даражасига эришган. Бу даврда иқтисодиётда тўлиқ иш билан бандлик ва ишлаб чиқариш тўлиқ қувватда ишлаётганлигини кўзатамиз. Шунингдек, бу даврда маҳсулотлар баҳо даражаси ўсиш жараёнида бўлади. Кейинги босқич ишлаб чиқаришнинг камайиш даврини кўрсатади. Бандлик даражаси камаяди, аммо баҳонинг ўсиш даражаси пасаймайди. қачонки, ишлаб чиқаришдаги камайиш даври фаол ва ўзок давом этсагина баҳонинг ўсиш даражаси камайиши мумкин. Камайишнинг қути нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлик энг қути даражага етганлигини кўрсатади. Ва охирида жонланиш даврида ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси аста-секин ривожланиб ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандлик даражасига боради. Ўз навбатида маҳсулотларнинг баҳоси ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва тўлиқ бандликка эришгунча ўсиб боради.

Иқтисодий цикларнинг бир хил бўлишига қарамай уларнинг айримлари давомийлиги ва фаоллиги билан бошқалардан фарқ қилиб туради. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар бу жараёнга Иқтисодий тебранишлар даври деб изоҳ беришади. Иқтисодчилар бу тебраниш давларини турлича баҳолаб келишади. Масалан, айримлари бу тебранишларнинг асосий сабабчиси деб техник янгиланишларни кўрсатади. Уларнинг асосий ғояси бўйича ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини қўллаш турли йиллар давомида Иқтисодиётдаги

тебранишлар сабабчиси ҳисобланади. Бошқа бир гурух олимлар Иқтисодий цикларни сиёсий ва тасодифий вазиятларга боғлашади. Монитар сиёсатга боғлайдиган олимлар ҳам мавжуд. Яъни, давлат қанчалик қўп пул босиб чиқарса шунчалик унинг қадри камайиб боради, ва аксинча пул миқдори қанчалик кам бўлса ишлаб чиқаришнинг камайишини ва ишсизлар сонининг ортишини тезлаштиради. Иқтисодий цикларни баҳолашларга турли хил ёндашувлар бўлишига қарамай кўпгина Иқтисодчилар ишлаб чиқариш ва бандлилик даражаларини умумий харажатлар миқдори қўрсатади деган фикрларни қўллаб-қувватлайдилар. Чунки, бозорга мўлжаллаб ишлаб чиқаришни ташкил иқтисодиётда корхоналар ўзларининг товар ва хизматларига талаб бўлсагина уларни ишлаб чиқаради. Бошқача айтганда ишлаб чиқариш харажатлари кўп бўлмаса корхоналарда товар ва хизматларни катта миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас. Ишлаб чиқариш бандлилик ва даромадлар даражасининг пастлиги ҳам мана шундан. Умумий харажатлар миқдори қанчалик қўп бўлса ишлаб чиқаришнинг ўсиши катта фойда олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, бандлилик даромадлар даражаси ортиб боради.

3.2. Мехнат бозори, ишсизлик тушунчаси, унинг турлари, ўлчаниши ва тўла бандлик.

Мамлакат Иқтисодиётида ЯММ ёки ЯММ ни яратишда катнашадиган Иқтисодий ресурсларнинг энг асосийларидан бири бўлиб меҳнат ресурслари ҳисобланади. Инсон ресурслари аввалом бор ёлланма ходимлар меҳнати ва инсонларнинг тадбиркорлик қобилияtlаридан иборатдир. Меҳнат ёки инсон ресурсларининг социал-Иқтисодий муаммоларини демографик, статистика, этнография, меҳнат иқтисоди, ижтимоий-маданий комплексни прогнозлаштириш фанлари қатори макроиқтисодиёт фани ҳам ўрганади.

Макроиқтисодиёт инсон ресурсларининг ижтимоий-Иқтисодий йўналишларини тадқиқ этиш орқали уни самарали бошқаришни мақсад қилиб олади. Чунки, меҳнат ресурслари ва унинг фаол қисми бўлган ишчи кучи-ишлаб чиқариш кучларининг энг асосий қисмидир. Ишчи кучи ёки Иқтисодий

фаол аҳоли деганда аҳолининг меҳнатга лаёкатли ёшдаги таркибиға кирувчи ишлаётган ва ишсизларнинг умумий сони тушинилади.

Меҳнат ресурсларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари билан бевосита боғлиқdir. Шунинг учун ҳам мамлакатда меҳнат бозорини, меҳнатни бошқариш институтларини ва унинг Иқтисодий-Хуқуқий механизмларини яратиш энг асосий вазифалардан биридир.


Демак, меҳнат бозори ва унинг нормал фаолият кўрсатиши қўйидаги омилларга боғлиқ экан:

- аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар;
- иш билан бандлилиқдаги ҳудуд ва тармок ўзгаришларига;
- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш механизмига;
- ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркибиға;
- ишлаб чиқариш қучларини ҳудудий жойлашувига;
- меҳнат ресурсларини бошқариш усулига ва бошқалар.

Ҳозирги шароитда меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни амал қиласди. Чунки, ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат маҳсуллари қатори, товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Яъни, ишбилармонлар ишчи кучидан шундай миқдорларда фойдаланадиларки бунда меҳнатнинг юқори маҳсали реал иш хақи билан teng бўлиши ёки иш хақи ҳажмини пулдаги ифодаси меҳнатнинг юқори маҳсали қийматга teng бўлиши керак. Агарда реал иш хақи ҳажми ошса ишбилармон ишчи кучига бўлган талабни қисқартиради, агар реал иш хақи ҳажми камайса ишчи кучига бўлган талаб ортади.

қўйидаги расмдан кўриниб турибдикি реал иш хақини қисқартириш натижасида меҳнатга бўлган талаб ошмокда ва аксинча реал иш хақи ошса, меҳнатга бўлган талаб камаяди.

Мехнатга бўлган талаб эгри чизиги.



Бу ерда: L - талаб қилинадиган меҳнатнинг миқдори;

W/k - реал иш хақи миқдори.

LD - меҳнатга бўлган талаб эгри чизиги:

Меҳнатнинг таклиф функциясида индивид ўз хизматини иш хақининг пулдаги ифодасидан келиб чиқиб эмас, балки иш хақининг ўлчовларидан келиб чиқиб таклиф қиласди. Буни биз қўйидаги расмдан ҳам кўришимиз мумкин.


Бу ерда: LS - меҳнат таклифининг эгри чизиги:

W/P - реал иш хақи.

LS - таклиф қилинаётган меҳнатнинг миқдори.

3.3-расм.


Мәҳнатга бўлган таклиф эгри чизиги.



Реал иш хақи миқдори катта бўлса, унга мос равишда мәҳнатнинг таклифи ҳам юқоридир, агар кичик бўлса пастроқ бўлади.

Талаб ва таклиф эгри чизигини умумлаштириб қуидаги графикда ифодалаймиз.

3.4-расм.





Графикдан кўриниб турибдики, (W/P) Е га тенг бўлган иш хақи доирасида меҳнат бозорида мувозанат вужудга келади. Бунинг маъноси шуки, агар иш хақининг шу доирасида ким иш излаётган бўлса, у иш билан таъминланади, иккинчи томондан, ҳамон иш билармонлар ўзларига керак бўлган ишчи кучи миқдорини топиш имкониятига эга бўладилар. Е ҳарфи билан белгиланган нуқта тўла иш билан бандлилик ҳолатини билдиради.

Реал иш хақининг бошқача қийматида меҳнат бозорида мувозанатни урнатиб бўлмайди:

1. Агар иш хақи мувозанат нуқтадан юқори бўлса, (W*/P)* нуқтада меҳнатнинг таклифи A^*B^* - катталиқдаги талабдан ошиб кетади, яъни, $2^{**} > L2^*$;
2. Агар иш хақи мувозанат нуқтадан паст бўлса, (W^{**}/P)** нуқтада меҳнатга бўлган талаб “A”, “B” - катталиқдаги таклифдан ошиб кетади.
 $L1^{**} > L2^{**}$,

Биринчи ҳолатда ишсизлик вужудга келади, иккинчи ҳолатда эса иш жойлари бўшаб қолади.

Амалиётда аҳолининг “тўла иш билан бандлиги” деган тушунча бор. Лекин бундай натижага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, чунки 100% аҳолининг ишламоқчи бўлган қисмини деярли иш билан банд қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам маълум миқдорда аҳолининг ишсиз бўлиши Иқтисодий жиҳатдан нормал хол ва асослидир.

Ишсизлар - бу ишчи қучларининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган лекин ишлашни хохловчи ва иш қидираётганлардан иборат.

Ишсизларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

Фрикцион ишсизлик - буларга иш қидираётган ёки яқин вақтлар ичида иш билан таъминланишни кутаётган ишчи кучлари киради. Ишсизликнинг бу тури асосан мавсумий ишлар, ишлаб чиқаришлардаги эски моделнинг янгиси билан алмаштирилиши, иш ёки турар жойларини ўзгартиришлар, ўкув юртларини тугатиш ва шунингдек бошқа сабаблардан келиб чиқади. У доима мавжуд бўлиб, маълум бир даражада керакли деб ҳисобланади.

Структурали ишсизлик - буларга асосан ишсизларнинг малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гурухлари киради. Фрикцион ишсизлик билан структурали ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса ишчи кучи дархол ва тезроқ иш жойларини топа олмайдилар. Структурали ишсизлик истеъмол бозори маълум маҳсулотлар билан тулдирилганда ва у маҳсулотга эҳтиёж колмагандан пайдо бўлади.

Даврий ишсизлик - бу асосан ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайишидан пайдо бўлади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи таклифнинг камайиши, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайишини, ва оқибатда аҳолини иш билан бандлигининг қискариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

Тўла иш билан бандлик - барча ишчи кучининг 100% иш билан таъминланганлигини билдирамайди. Аксинча, фрикцион ва структуравий ишсизлик иложсиз хол бўлганлигини ҳисобга олсак, биз мутлоқ тўла иш билан бандлиликка эришиб бўлмаслигини тушунамиз.

Агарда даврий ишсизлик бўлмаса у ҳолда тўла иш билан бандлиликка эришилади. Тўла иш билан бандлик даврдаги ишсизлик ишсизликнинг табиий даражаси дейилади. Бунга иш қидиувчилар сони буш иш жойлари сонига мувофиқ келсагина эришиш мумкин.

Ишсизлик табиий даражасининг икки ҳолатини, яъни, биринчидан, у Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдалана-ётганлигини кўрсата олмайди, чунки амалиётда ишсизлик даражаси “ишсизликнинг табиий

даражаси”дан кўпроқ бўлади, иккинчидан, ишсизликнинг табиий даражаси доимий эмас, чунки у қонун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгаришини билишимиз лозим.

Умумий ҳолда ишчи кучи - иш билан банд ва фаол иш қидириб юрган ишсизларга бўлинади. *Ишсизлик даражаси* деб - ишсизларни ишчи кучига нисбатига (% ҳисобида) айтилади ва уни қуидаги формула билан аниқлаш мумкин. $\text{Ишсизлик даражаси} = (\text{Ишсизлар} / \text{Ишчи кучи}) \times 100$.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида Иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини Иқтисодиётнинг *ишлаб чиқариши потенциали* деб аталади.

Маҳсулотларнинг потенциал ва ҳақиқий ишлаб чиқарилиши ўртасидаги фарқ ЯММ ҳажмининг ўзилиши ёки оркада колиши деб аталади. У потенциал ишлаб чиқаришга нисбатан фоизда акс эттирилади.

ЯММ ўзулиши = ((Маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқариш-Маҳсулотни ҳақиқий ишлаб чиқариш) / Маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқариши) $\times 100$.

3.3. Ишсизликнинг Иқтисодий оқибатлари.Оукэн қонуни.

Ишсизликнинг кўпайиши натижасида мумкин бўлган ЯММ ҳажмини Иқтисодиёт ололмайди. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишсизликни табиий даражасида сақлаш ва уни тартибга солиш Иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯММ ўзилиши шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам потенциал ҳажмдаги ЯММ * ҳақиқатдаги ЯММ дан катта бўлади. Яъни, **ЯММ * > ЯММ ёки У * > У**.


Потенциал ЯММ * ҳисоблашда мамлакатда ишсизлик мутлоқ йўқ деб эмас, балки ишсизлик мавжуд, бироқ у табиий даражада деб ҳисобланади.

Ишсизлик даражаси ва ЯММ ўзилиши ўртасидаги миқдорий нисбатни инглиз Иқтисодчиси Артур Оукэн математик ҳолда исботлаб берган. Шунинг учун бу қонун ОУКЭН қонуни дейилади. қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ҳақиқатдаги ишсизлик, ишсизликнинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, миллий иқтисодиёт ЯММ ни икки ярим фоизга кам олади. Ушбу

нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишларни аниқлаш имконини беради.

Бунинг графикдаги ифодаси қўйидагича бўлади.

3.5-расм.



ЯММ узилиши $= -2,5$ (ишсизликнинг табиий даражаси-ишсизликнинг ҳақиқий даражаси).

Демак мос равища уларнинг нисбати $1 : 2,5$ ёки $2 : 5$ га тенг. Йўқотилган ЯММ нинг эса абсолют қийматини ҳисоблаш мумкин. Мисол учун 1992 йили ишлаб чиқариш пасайган даврда ишсизлик 9,5 фоизга тенг бўлган деб олайлик. Ишсизликнинг табиий даражаси эса 6 фоизга тенг бўлиши керак ёки 3,5 фоиз ишсизлик унинг табиий даражасидан кўп: 3,5 фоизни ОУКЕН коэффициентига ($2,5$) кўпайтириб 1992 йилда ЯММ нинг потенциал ЯММ* дан 8,75 фоизга кам олганлигини аниқлаймиз. ЯММ нинг пастрок даражаси ўз навбатида, ишлаб чиқаришда катнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва Иқтисодиётни келгуси тараққиёти инвестициялаш имкониятларини қисқаришини билдиради.

3.4. Инфляциянинг моҳияти, турлари ва ҳисобланиш усуллари.

Инфляция бу ялпи товар ва хизматлар баҳосининг қўпайиши ва у билан боғлиқ пул бирлиги харид қувватининг тушиб кетишидан иборат. Инфляция макроиктисодий бекарорликни акс эттириб барча мамлакатлар учун уни тартибга солиш йирик Иқтисодий муаммо бўлиб ҳисобланади. Айникса ишлаб чиқариш тизимини бир Иқтисодий тизимдан иккинчи бир Иқтисодий тизимга

утаётган мамлакатларда бу анча хавфидир. Чунки бу давр нархларни эркинлашуви ва шунга мувофиқ уларнинг умумий даражасини кескин ошиб кетиши билан боғлиқдир. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки инфляция даврида барча товарларнинг баҳолари ҳам ошавермайди. Баъзи товарларнинг баҳолари барқарор бўлиб турса, баъзилариники эса тушиши мумкин. Демак, кенгроқ маънода инфляция - бу барча товар ва хизматлар ўсиб боришини ва шу билан бирга баъзи товарларни баҳолари пасайишини, баъзиларининг секинлик билан ўсишини ва бошқа бирларини кескин ўсиб боришини билдиради.

Инфляция иқтисодиёт ривожланишининг ҳақиқий аҳволини бўзиб кўрсатиб, бошқарув жараёнини нихоятда қийинлаштиради. Инфляция баҳо индекси - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади. Баҳо индекси эса хақиқатдаги баҳонинг базис баҳога нисбати билан аниқланади.

$$P = P_x/P_0 \times 100 \text{ ёки } P = (118\% / 100\%) \times 100 = 118 \text{ ёки } 18\%$$

Хисобот йилида инфляциянинг ўсиш суръати қуидагича аниқланади.

Инфляция ўсиш суръати = $(I - I_0) / I_0 \times 100\%$.

Бунда, I - жорий йилнинг нархлар индекси,

I_0 -утган йилнинг нархлар индекси.

Мисол учун 1997 йили товарлар баҳоси 150% teng бўлган, 1998 йили эса 180% ga teng булди дейлик. 1998 йилнинг инфляция суръати қуидагича бўлган:

$$Ic = (180 - 150) / 150 \times 100 = 6,7$$

Инфляцияни миқдоран ўлчаш учун макроиктисодиётда “70-қиймат қоидаси” назариясидан ҳам фойдаланилади. Бу усул нархларни барқарор ўсиш шароитида инфляция даражаси неча йилда икки бараварга ошишини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун 70 ни йиллик инфляция даражасига бўлиш кифоя:

Инфляция суръати икки бараварга кўпайиши учун зарур бўлган йил = 70 / нархларнинг йиллик ўсиш даражаси (%)

Мисол учун, йиллик инфляция даражаси 9,5% ga teng бўлса, тахминан етти йилу уч ойдан кейин баҳо икки марта га кўпаяди, яъни, $(70 : 9,5 = 7,3)$.

Реал ЯММ ва жамғармани неча йилдан сўнг икки марта ошишини ҳисоблаш зарур бўлган холларда “70-қиймат қоидасидан” фойдаланилади.

Умуман мамлакат Иқтисодиётида инфляциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Инфляциянинг икки хил қўриниши мавжуд:

- 1) Талаб инфляцияси;
- 2) Жами таклифнинг камайишидан келиб чиқадиган инфляция, яъни, таклиф инфляцияси.

Талаб инфляцияси - бу иқтисодиётда талабни кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондирилиши мумкин бўлмай қолган шароитларда келиб чиқади. Яъни, Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари жами ўсиб бораётган талабни кондиролмайди. Ортиқча талаб эса реал товарлар баҳосининг кўпайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади. Ёки оддий сўзлар билан айтганда “хаддан зиёд пуллар, хаддан зиёд кам товарларни овлайди ”. Талаб инфляциясини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар бўлиб аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ва иш хақининг ошиб бориши ҳисобланади. Демак, инфляция талаб, таклиф, иш билан бандлик, баҳо, ишлаб чиқариш суръатлари каби кўпгина омилларга боғлиқ экан.

Агар мамлакатда жами талаб ошса ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишсизлик камаяди, баҳо даражаси эса деярли ўзгармайди ёки кам микдорда ўзгаради. Баҳо ўзгармаслигининг сабаби шуки катта ҳажмдаги меҳнат ва хом ашё ресурларини шу ўзгармас баҳода ишга тушириш мумкин бўлади. Чунки ишсиз юрган киши иш хақини оширишни талаб кilmайди, унинг учун ишга ёлланишнинг ўзи кифоядир.

Бундан ташқари, баҳо ишчи кучини тўла иш билан бандлигига эришишдан олдин ҳам кўпайиши мумкин. Яъни, баъзи саноат корхоналари олдинрок ресурс ва резервларни тугаллайди ва натижада улар талабнинг ўсишига мос ишлаб чиқаришга, таклифга эриша олмайди. Талаб таклифдан кўпайиб кетади, натижада баҳо яна оша бошлайди.

Ишлаб чиқаришда умумий ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши фирмаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар баҳосини оширишга олиб келади. Натижада, касаба уюшмалар иш хақини янада оширишларини талаб қиласди. Бу эса ўз навбатида баҳоларнинг яна ошишини билдиради.

Таклиф инфляцияси - бу мамлакат Иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши натижасида товар ва хизматлар баҳоларининг ошишидан пайдо бўлади. Бундай холларда ортиқча талаб бўлмаса ҳам товарларнинг баҳолари кўпайиб боради. Хатто иш билан бандлик ва ЯММ ишлаб чиқариш камайган йиллари товарларнинг баҳоси кўпаяди. Жами таклиф қисқаришининг асосий сабаби бўлиб маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг ўсиши ҳисобланади. Яъни, номинал иш хақи, хом ашё ва ёкилги нархларини ошиши натижасида ишлаб чиқариш таннархининг ошиши тушинилади.

Таклиф инфляциясининг келиб чиқишига, шунингдек, таклиф механизмининг бўзилиши ҳам таъсир қиласди. Таклиф механизми эса тасодифий ҳолда асосий ишлаб чиқариш омиллари баҳосининг кескин кўпайишидан келиб чиқади.

Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми қисқариши билан бир вақтда, унинг номинал ҳажмининг ортиб бориши каби вазият содир бўлади. Даромадларни ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган ўсиши, аҳоли кулидаги пулнинг таклиф қилинаётган товар ва хизматлардан ошикчалигига олиб келади. Яъни, пул бирлигининг харид қувватини пасайтиради, бир микдордаги пулга жорий йилда утган йилга нисбатан аҳоли камроқ маҳсулотлар сотиб олади, яъни унинг реал даромадлари камаяди. Мисол учун, жорий йилда аҳолининг номинал даромадлари 30% га кўпайган, нархлар даражаси 50% га ошган бўлса, унда аҳолининг реал даромадлари 20% га камайган бўлади. Чунки, нархларнинг ўсиши аҳоли пул даромадларининг ўсишидан илгарилааб кетган (30% - 50% - 20%).


3.5. Инфляция ва ишсизлик. Филлипс эгри чизиги.

Иш хақи меҳнат бозорида мувозанатни урнатувчи восита ҳисобланади ва унинг даражасини ўзгариши ишсизликка бевосита таъсир кўрсатади. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги ўзаро боғлиқлик инглиз иқтисодчиси А.В.Филлипс томонидан аниқланган. Графикда Филлипс эгри чизиги деб акс эттирилган. Мадомики, иш хақи нархлар ўзгаришининг суръатлари ўртасида бир хил нисбат мавжуд экан, у ҳолда Филлипс эгри чизиги ўз моҳиятига кура инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради, яъни инфляциянинг ўсиши суръатида ишсизликнинг паст даражаси кўзатилади ва аксинча. Яъни ишлаб чиқаришни қисқариши ва ишсизликни кўпайиши нархларни ошиши билан кўзатилади. Бу ходиса стагфиляция деб аталиб, кам инфляцияни, ҳам ишсизликни ўсиши билан ифодаланади.

Давлатнинг меҳнат бозорига таъсир этиш чоралари Филлипс модели билан чекланиб колмасдан, ўзига яна солик, пул-кредит сиёсатининг кенг таъсир этиш чораларини ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга соловчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни ҳам кушади.

3.6-расм.

Филлипс эгри чизиги



Қисқача холосалар.

1. Иқтисодий тебранишларнинг асосан тўртта боскичларини ва тебранишларга иқтисодчи олимлар томонидан турли хил ёндошувларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ экан.
2. Ишсизлик даражаси деб ишсизларнинг ишчи қучига нисбатига айтилади. Ишчи кучи ҳам бошқа товар маҳсулотлари каби бозорда сотилади ва сотиб олинади. Ишсизлар сонининг ўсиши реал ЯММ ҳажмининг камайишини кўрсатади. Шунингдек тўла иш билан бандлик 100% иш билан таъминланганлик даражасини кўрсатмайди.
3. Ишсизлар сонининг ошиши, яъни ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан юқори бўлиши потенциал ҳажмдаги ЯММ билан ҳақиқий ҳажмдаги ЯММ ўртасидаги ўзилишга олиб келар экан. Бу узилишни ўз навбатида инглиз иқтисодчиси Артур Оукэн ҳисоблаб чиқсан.
4. Инфляция товар ва хизматлар баҳосининг кўпайиши натижасида пул харид қувватининг тушиб кетишидан келиб чиқар экан. Иқтисодиётда инфляциянинг бир нечта турлари аниqlangan. Шунинг учун ҳам барча мамлакатларда инфляцияни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Таянч иборалар.

Иқтисодий цикл, мавсўмий тебраниш, асрли тренд, фрикцион ишсизлик, даврий ишсизлик, структурали ишсизлик, тўлиқ бандлик, табиий ишсизлик даражаси, ЯММ нинг потенциал ҳажми, ЯММ нинг ҳақиқий ҳажми, ишсизлик миқдори, ишчи кучи, Оукэн қонуни, инфляция, дефляция, 70 миқдор қонуни, талаб инфляцияси, таклиф инфляцияси, кўтилган инфляция, кўтилмаган инфляция, гиперинфляция, реал даромад ва бошқалар.

Назарот ва мулоҳаза саволлари.

1. Нима учун иқтисодий тебранишлар тақрорланиб туради?
2. Ишсизликнинг қандай турлари мавжуд ва уларга кимларни киритиш мумкин. Ишсизлик даражаси қандай аниqlanadi?
3. Оукэн қонуни моҳиятини тушинтириб беринг.

4. Истеъмол нархлар индекси нимани кўрсатади. Истеъмол товарлар қарзинасини қандай

тушинасиз. инфляция даражаси қандай ўлчанади ва сизнингча инфляцияни камайтириш учун нима қилиш керак?

5. Ишсизлик билан инфляция ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик мавжуд. Филлипс эгри

чиизиги нимани кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 326 бет.
3. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
4. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
5. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург.: Судоинстроеие. 1998
6. В.М.Гальпириин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
7. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”.- М.: Из-во “Дело”. 1996
8. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”.-Т.: Укитувчи. 1994
9. В.Н.Костюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
10. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
11. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета.: 1994
- 12.П.Хейнс.”Экономический обозрения”. Перевод с англ. М.: Изд. Новости при участии. 1991
13. Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
14. Р. Лэйард.“Макроэкономика” Курс лекций для российских читателей. М.: 1994

4-Боб: Истеъмол ва инвестиция функциялари.

- 4.1. Даромад ва истеъмол ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.
- 4.2. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари.
- 4.3. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ва чегаравий мойиллик.
- 4.4. Инвестициялар ва уларга талаб.

4.1. Даромад ва истеъмол ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

Хозирги кунда мамлакатнинг ҳалқаро бозорларда эркин товар айирбошлари ҳам ҳалқаро баҳоларда, жаҳон андозаларига мослашиб бормокда. Бу хол иқтисодиёт таъминотининг макрокуламдаги истеъмол функциясини ўрганишни такозо этади. Чунки, истеъмол функцияси моҳиятини билиш истеъмол бозорини бошқаришда асос бўлади.

Истеъмол бозорида харидорлар фақат фукаролардан иборат бўлмайди. Харидорлар таркибига аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи корхона ва Ташкилотлар ҳам киради. Истеъмол бозорида ҳар хил хизматлар сотилади. Истеъмол бозорининг ҳажми унда сотиладиган товарларнинг ялпи сўммаси билан белгиланади. Истеъмол товарлари катъий давлат нархлари, назорат қилинадиган нархлар ва эркин нархларда сотилади.

Жамғарма - бу мамлакат ёки фирмалар ихтиёридаги турли мажбурий тўловлар чегириб ташлангандан қолган даромаднинг бир қисми. Жамғарма истеъмол мақсадида ишлатилмайдиган даромаддир. Жамғарма функцияси даромадлар билан жамғарма харажатларининг ўзвий боғлиқлигини кўрсатади.

Уй хўжаликлари шахсий даромадлар миқдоридан турли хил солиқларни тўлагандан сўнг ўз ихтиёридаги даромад қолади. Буни биз миллий даромаднинг бир қисми ҳам деб атамиз. Бу даромадлар уй хўжаликлари томонидан истеъмол ва жамғариш учун ишлатилади.

(ИД = С + S);

Демак, жамғарма бу уй хўжалиги ихтиёридаги даромаднинг истеъмол қилинмаган қисмидан иборат.

Агарда миллий Иқтисодиёт Ташқи дунё билан хеч қандай алоқага эга эмас ($X = O$) ва давлатнинг Иқтисодиётига аралашуви нулга тенг ($C=O$) деб фараз қилинса, унда соф миллий маҳсулот кўрсаткичи (СММ) орқали ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажми ихтиёридаги даромадга (ИД) тенг бўлади. Яъни:

$$СММ = ИД = С + S;$$

Бу ерда макроиктисодий қонуният қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$C + I = C+S \text{ ёки } I = S$$

$C + I$ = ялпи харажатларга тенг.

Ушбу жамғариш ва инвестициялардан кўриниб турибдики, уй хўжаликларининг жамғаришга бўлган истаклари тадбиркорликнинг қанча миқдорда инвестициялаш хошишларига мос тушса, унда ишлаб чиқариш ҳажми ($C+S$) ва ялпи харажатлар ($C+I$) тенглигига ёки ишлаб чиқарishнинг мувозанат даражасига эришиш мумкин.

Агарда дейлик, Иқтисодиётда экспорт-импорт алоқалари солиқ солиш ва трансперт тўловлари кўринишида давлат аралашуви мавжуд бўлган бўлса, бундай ҳолатда жамғариш тушунчаси мураккаблашиб қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S = Sp + Sd + Sx$$

Sp - хусусий жамғармалар

Sd - давлат жамғармалари

Sx - бошқа мамлакатлар жамғармалари

Бунда хусусий жамғармалар тенг бўлади: даромадлар (Y), трансперт тўловлари (T_k), давлат заёmlари бўйича фоизлар йифиндиси (N) минус солиқлар (T) ва истеъмол (C);

$$Sp = (Y + T_k + N - T) - C;$$

Давлат жамғармалари тенг; $Sd = (T - T_k - N) - G;$

Агар давлат жамғармалари нулга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашган, жамғаришнинг манфий миқдори бюджет такчиллигини (ВТ) билдиради: $BT = -Sg$.

Бошқа мамлакатларнинг жамғармалари тенг: Ташқи дунёning бизнинг импортиз ҳисобига олган даромадлари минус уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган харажатларига тенг: яъни;

$$Sx = M - X \text{ ёки } Sx = -NX$$

Агар мамлакат экспортига нисбатан қўпроқ импорт қиласа, унда даромадларнинг бир қисми ҳорижда қолади ва кейинчалик у ҳорижий шериклар томонидан бизнинг мамлакатимизда қучмас мулк ва молиявий актив сотиб олишда фойдаланилади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йифиндиси инвестицияларга тенг бўлади:

$$Sp+Sd+Sx = (Y + Tk + N - T) - C + (T - Tk - X1) - G + (- Nx);$$

ёки $Sp+Sd+Sx = Y - C - G - NX = IS = I$.

4.2. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари.

Ихтиёрдаги шахсий даромад истеъмол ва жамғариш учун ишлатилади. Яъни, қанча кўп истеъмол қилинса, шунча кам жамғарилади ва аксинча. Истеъмол ва жамғариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар хил даромадга эга бўлган шахсларда бир хил эмас: кам даромадга эга бўлганлар одатда қўпроқ истеъмол қилиб, камроқ жамғаради, лекин даромадлари ошиб бориши билан бу нисбат жамғариш томонга усади.


Даромад, истеъмол ва жамғариш кўрсаткичлари.

Йиллар	Даромад y	Истеъмол s	Жамғариш S
1	370	375	-5
2	390	390	0
3	410	405	5
4	430	420	20
5	450	435	15

6	470	450	20
7	490	465	25

4.1-расм.

Истеъмол графиги.



Истеъмол графиги икки тўғри чизик кўринишида берилган. Биринчисида у шундай шартли ҳолатни изоҳлайдиган, яъни ҳар қандай йилда истеъмол ихтиёридаги даромадга тенг бўлади. Иккинчиси хақиқатда истеъмол графиги бўлиб, ҳақиқий истеъмол ва даромад тенг бўлган нуқтада (390) биссектриса билан кесишади. Бундан қутий нуқтада ҳақиқий истеъмол даромаддан ошик. Бу вазият инсонларни қарз ҳисобига ҳаёт кечиришини билдиради. Юқори нуқтадаги ҳақиқий истеъмол даромаддан кам ҳамда улар ўртасидаги фарқ жамғаришни Ташкил этади.

Жамғариш графиги даромад билан жамғариш ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Вертикал укдаги ҳар бир нуқта жамғарма миқдорини билдиради ва даромад билан унга мувофиқ келадиган истеъмол ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. ($S = Y - C$) Бошлангич даромад даражасида жамғариш

нулга (0) тенг ҳолда улар даромадининг ўсиб бориши билан ошиб боради. Жамғариш графиги ҳам истеъмол графикага ухшаб алгеброик ифодага эга.

$$S = -a + b;$$


бунда; a - даромад даражаси унинг бошлангич нуқтасидан паст

бўлганда қарз ҳажми;

b - огиш бурчаги бўлиб жамғаришни ўзгаришини (вертикал ўзгариш) даромаднинг ўзгаришига (горизантал ўзгариш) бўлган нисбати сифатида аниқланади; $5 / 20 = 0.25$

4.2-расм.

Жамғариш графиги.



Тенгламага даромад тўғрисида берилганларни қуийб, унга мувофиқ келадиган жамғариш миқдорини аниқлаш мумкин;

$$S = -97,5 + 0,25 \times 370 = -5$$

4.3. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ва чегаравий мойиллик.

Макроиқтисодий таҳлил қилиш ва тартибга солишда истеъмол ва жамғарма функцияларини янада тўларок билиш учун истеъмол ва жамғармага ўртача мойиллик ва чегараланган жамғарма ва истеъмолга мойиллик тушунчаларини билишимиз лозим.

Ўртача миқдор ёки истеъмолга ўртача мойиллик деганда ўз ихтиёридаги даромаддан истеъмол харажатларининг улуши тушинилади. Яъни,

$$APC = (C / Y) \times 100 \% \text{ ёки } APC = \text{Истеъмол (C)} / \text{Даромад (Y)};$$

Ихтиёрдаги даромаддан жамғариш улушкини жамғаришга ўртача мойиллик деб аталади; яъни,

$$APS = (S / Y) \times 100 \% \text{ ёки } APS = \text{Жамғарма (S)} / \text{Даромад (Y)};$$

Мисол учун даромад даражаси 410, 430 ва 530 миллион сўмларга ва истеъмол даражалари 405, 420 ва 495 миллион сўмларга тенг бўлса, истеъмолга ўртача мойилликни ҳисоблаймиз, яъни;

$$APC = (405 / 410) \times 100 \% = 98,78 \text{ ёки } 0,98;$$

$$APC = (420 / 430) \times 100 \% = 97,67 \text{ ёки } 0,97;$$

$$APC = (495 / 530) \times 100 \% = 93,39 \text{ ёки } 0,93 \text{ га тенг экан.}$$

Демак, бу мисоллардан кўриниб турибдики даромадлар миқдори кўпайиб бориши билан истеъмол камайиб боради ва аксинча жамғарма кўпайиб боради. Солиқлар тўлангандан кейин қолган даромаднинг бир қисми истеъмол қилинади, иккинчи қисми эса жамғарилади, ёки буни математик ҳолда ифодаласак;

$$APC = APS = 1.$$

Уй хўжалиги солиқларни тўлагандан кейин қолган барча даромадларни ҳар доим ҳам истеъмол килавермайди. Даромадлар маълум даражада кўпайиб ва камайиб туради.

Истеъмол қилинадиган даромаднинг усган (ёки камайган) қисми (салмоғи) чегараланган истеъмолга мойиллик дейилади ва қуидагича аниқланади;

$$MPC = \text{Истеъмолдаги ўзгариш(+, -)} / \text{Даромаддаги ўзгариш (+, -)} = C / Y ; \text{ Яъни;} \quad$$

$$C = 420 - 495 = 15; \quad Y = 530 - 430 = 100;$$

$$Y = 430 - 410 = 20; \quad C = 495 - 420 = 75;$$

$$MPC1 = 15 / 20 = 0,75; \quad MPC2 = 75 / 100 = 0,75;$$

Бу шуни билдирадики, даромадни 100 % га (ёки бир бирликка) ўзгаришида истеъмол 75 % (ёки 0,75) ўзгаради.

Даромадни усган (ёки камайган) қисми (салмоғи) агарда жамғармага куйилса, бундай даромад чегараланган жамғармага мойиллик дейилади ва қуидагича аниқланади;

MPS = Жамғарманинг ўзгариши (+, -) / Даромаднинг ўзгариши (+, -) = S / Y ; Яъни,

$$MPS1 = 5 / 20 = 0,25; \quad MPS2 = 25 / 100 = 0,25;$$

Шундай қилиб чегараланган истеъмолга мойиллик 0,75 ни Ташкил этган бўлса, чегараланган жамғармага мойиллик эса қолган 0,25 ни Ташкил этади. Чегараланган истеъмолга мойиллик ва чегараланган жамғармага мойиллик биргалиқда солиқларни тўлагандан кейинги даромадга тенгдир. Хулоса қилиб айтганда даромаднинг усган қисми истеъмолга ёки жамғармага кетади. Агар даромаднинг усган қисми истеъмол қилинмаса у жамғармага қўйилган бўлади.

4.4. Инвестиция ва уларга талаб.

ЯММни харажатлар бўйича аниқлашнинг иккинчи қисми бўлган инвестицияларга тўхталиб утамиз.

Инвестициялар ёки капитал қўйилмалар - бу хали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капитал. Ўзининг молиявий шаклига кура, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, Иқтисодий хусуситяга кура, у янги корхоналар кўриш, узок муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб-ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Демак, инвестициялар бу янги корхоналар курилишига, машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга, яъни капитал барпо этишга кетган харажатлардир.

Соф харажатларнинг инвестицияга бўлган харажатининг миқдори иккита омилга, яъни, соф фойданинг қўтилаётган меъёри ва фоиз ставкаси ёки

тадбиркор реал капитални сотиб олишга зарур бўлган пулга эга бўлиши учун тўлаши лозим бўлган баҳога teng.

Агарда кўтилаётган фойда меъёри фоиз ставкасидан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали ва аксинча, фоиз ставкаси кўтилаётган фойда миқдоридан юқори бўлса, инвестициялаш фойдали бўлмай қолади.

Мисол учун, заводга 100000 сўмлик янги станок сотиб олинди. Уни ишлатиш муддати бир йилга teng дейлик. Янги станокни қўллашдан завод 110000 сўмлик кўтилаётган соф даромад олади десак завод станок харажатини (100000 сўм) қоплаган ва 10000 сўм даромад олган бўлади. Соф фойда нормаси қўйидагича аниқланади:

$$\Phi_H = 10000/100000 \times 100 = 10\%$$

Инвестиция харажатлари фойда келтиришини аниқлашда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкаси ҳисобга олинади. Реал фоиз ставка нархлар даражасини ўзгаришини акс эттириб, номинал ставкадан инфляция даражасини айирмаси қўринишида аниқланади. Масалан, номинал фоиз ставкаси 16% ga teng бўлса, инфляция даражаси йилига 12% ni Ташкил этса, унда реал фоиз ставкаси 4% (16% - 12%) Ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, инвестициялаш карорини қабул қилишда номинал фоиз ставкаси эмас, балки реал фоиз ставкасида, номинал фоиз ставкаси жорий баҳоларда, реал фоиз ставкаси доимий ёки инфляция ҳисобга олингандан кейин аниқлаштирилган баҳоларда ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, реал фоиз ставкаси - бу номинл фоиз ставкасидан инфляция чегириб ташлаб топилган фоиз ставкасидир.

Юқоридаги мисолимизда баҳо ўзгармас деб олинди. Агар инфляция бўлса реал фоиз ставкаси ва кўтилаётган соф фойда нормаси қандай аниқланади. Мисол учун 100000 сўмлик инвестиция 10% ҳақиқий кўтилаётган соф фойда келтиради, дейлик. Номинал фоиз ставкаси 15% Ташкил килсин. Реал фоиз ставкаси=номинал фоиз ставкаси - инфляция фоизи = 15%-10%=5%

Энди реал фоиз ставкасини (15%) кўтилаётган соф фойда нормаси (10%) билан таққосласак инвестиция оилшга карор қилиш мумкинлигини аниқлаймиз,

яньни ($10\%-5\% = 5\%$). Демак, 5% соф кўтилаётган фойда нормасига эришиш мумкин экан.

Мисол учун биз қуидаги жадвал маълумотномаларидан фойдаланиб кўтилаётган фойда нормаси билан (%) инвестиция ҳажми ўртасидаги ўзвий боғлиқликни кўриб чиқамиз. Яъни, ялпи кўтилаётган фойда нормаси ва ялпи инвестицияни аниқлаймиз.

Кўтилаётган фойда ва инвестиция (ракамлари шартли)

Кўтилаётган соф фойда нормаси %	Инвестиция миқдори (йилига млрд. сўм ҳисобида).
---------------------------------	---

16	0
14	5
12	10
10	15
8	20
6	25
4	30
2	35
0	40

Жадвалдан кўриниб турибдики, кўтилаётган фойда нормаси 16% га тенг ва ундан кўп бўлган миқдордаги инвестиция лойиҳаларини инвестиция билан таъминлаб бўлмас экан. Кўтилаётган фойда нормаси 14% ва 16% бўлганда 5 млрд. сўмлик инвестиция мавжуд. Бунинг маъноси шуки, қўшимча 5 млрд. сўмлик инвестиция 12-14 % оралиғидаги кўтилаётган соф фойда нормасини келтиради.

Яна қўшимча 5 млрд. сўм эса 10-12% оралиғидаги кўтилаётган соф фойда нормасини билдиради. Буни биз графикда ҳам тасвирлашимиз мумкин.

Графикдан кўриниб турибдики, агар инвестициялар миқдори 10 млрд. сўмга тенг бўлса, фойда нормаси 12% ва ундан кўп, 14% гача бўлади.


Юқорида айтилганидек, инвестиция олишга карор қилиш учун энг асосий шарт шуки, күтилаётган соф фойда нормаси фоиз ставкасидан юқори бўлиши зарур, акс ҳолда инвестиция харажатлари қопланмайди.


Демак, реал фоиз ставкаси, яъни пул капиталини қарз олиш баҳоси қанчалик юқори бўлса, инвестициялашни хохловчилар шунча кам бўлади ва аксинча реал фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, фойда келтирадиган инвестиция лойиҳалари шунча кўп бўлади.

Фоиз ставкасининг миқдори пул-кредит сиёсатининг муҳим қуроли ҳисобланади: давлат уни ўзгартириш орқали мамлакатдаги пул таклифини тартибга солиб туради.

Фоиз ставкасини кўтарилиши пулнинг қимматлашуви ва унга бўлган талабнинг қисқараётганлигини билдиради. Демак, инвестиция харажатлари ҳам қисқариб боради. Ўз навбатида инвестиция харажатларининг қисқариши, келажакда миллий ишлаб чиқариш ҳажмини пасайишини билдиради.

4.3-расм.





қисқача хулосалар.

1. Аҳолининг оладиган даромадлари ва истеъмоли ўртасидаги боғлиқлик шуни кўрсатаяпдики, яъни аҳолининг даромадлари миқдори ошиб бориши билан жамғармалар миқдори ҳам ошиб борар экан. Бундан ташқари истеъмол бозорида харидор бўлиб фақат фукора эмас балки уларга хизмат кўрсатадиган корхона ва Ташкилотлар ҳам ҳисобланар экан.
2. Истеъмол ва жамғариш чизиги истеъмолчилар жамғармасида булаётган ўзгаришларга, нарх ва солиқ, истеъмолчи қарзи даражаси, шунингдек уй хўжаликларининг тақсимланадиган даромадларидағи ўзгаришларга боғлиқ.
3. Истеъмол ва жамғармага ўртача ва чегарвий мойиллик аҳоли оладиган даромадларининг қанча қисми истеъмолга ва қанча қисми жамғармага кетётганинги тушиниш имкониятини билдирадар экан.
4. Инвестиция ёки капитал қўйилмалар хали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган маблағ ҳисобланар экан. Демак, инвестиция янги корхоналар курушга, машина ва асбоб-ускуналар сотиб олишга кетган харажатлардан иборат. Инвестицияга қилинган харажатлар соф фойданинг кўтилаётган меъёри ва фоиз ставкасига боғлиқ экан.

Таянч иборалар.

Истеъмол функцияси, жамғарма функцияси, жамғарма ва истеъмолга ўртача ва чегарвий мойиллик, жамғарма ва истеъмол графиклари, қарз ҳисобига ҳаёт кечириш, хусусий жамғармалар, давлат жамғармалари, бошқа мамлакатлар жамғармалари, ихтиёрдаги даромад, истеъмолдаги ўзгариш, жамғармадаги ўзгариш, соф инвестиция, ички инвестиция, ялпи инвестиция, капитал қўйилмалар, соф харажатлар, фойда меъёри, фоиз ставкаси, номинал фоиз ставкаси, реал фоиз ставкаси ва бошқалар.

Назорат ва мuloҳаза саволлари.

1. Даромад, истеъмол ва жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушинтириб беринг. қандай ҳолатда истеъмол даромадга тенг бўлади ва қандай ҳолатда жамғариш бўлади?
2. Истеъмол ва жамғарма графикларини изоҳланг. Яъни, қандай вазиятда жамғариш бўлади ва қандай вазиятда қарз ҳисобига ҳаёт кечирилади?
3. Истеъмол ва жамғармага ўртача ва чегаравий мойиллик тушинчасини изоҳланг. Истеъмолга жунатиладиган йиллик даромаднинг фойдаланиладиган қисмининг фоиздаги кўрсаткичи нимадан иборат бўлади?
4. кайси маблағларни биз инвестиция таркибиغا киритамиз. Инвестиция билан уларга қилинган харажатлар ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд. Режали инвестиция ва режалаштирилмаган инвестиция ўртасида қандай фарқ мавжуд?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург.: Судоистроение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”.Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костюк. “Макроэкономика”.М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Ҳақимова. “Макроиктисодиёт”. Т.: “Меҳнат”. 1997

5-Боб; AD - AS модели.

- 5.1. AD - AS модели тушунчаси.
- 5.2. AD эгри чизиги ва унга таъсир этувчи омиллар.
- 5.3. AS эгри чизиги ва унга таъсир этувчи омиллар.
- 5.4. AD - AS моделларида нархлар ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг мквозанатли даражаси.

5.1. AD - AS модели тушунчаси.

Бир хил турдаги товарларга бўлган талаб ва таклиф модели товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларнинг нархлари ўртасидаги фарқларни тушиниш имконини беради Улар нима учун айрим товарларнинг барқарор нархлари бир-биридан фарқ қилишини яъни, пахтанинг нархи олтиннинг нархидан кам ёки бир баррер нефтнинг нархи бир баррер духининг нархидан кам ёхуд пахтанинг йиллик харажатлари бошқа маҳсулотлар харажатларидан кўплиги тўғрисида тушунча хосил қилиш имконини беради. Шунингдек ишлаб чиқарилган бирор бир маҳсулотни барқарор нархлари ва ҳажми турли йилларда ҳар хил бўлишини тушиниш имконини беради.

Аммо бир хил турдаги товарларга бўлган талаб ва таклиф модели бир нечта зарурий Иқтисодий муаммоларга жавоб бермайди. Яъни, нима учун умуман нархлар ошади ва камаяди, нима учун нархлар даражаси айрим даврларда ўзгаришсиз қолади ва бошқа даврларда зудлик билан усади. Нима учун айрим вақтларда миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми камаяди ёки кўпаяди ва шунингдек бошқа муаммоларга жавоб бермайди.

Бу саволларга жавоб бериш учун биз мамлакатдаги барча бозорларни йигиб умумий ҳолда ўрганишимиз керак. Аниқ айтганда биз минглаб алохida нархларни бирлаштириб йигилган баҳолар бирлигига ёки баҳолар даражасига олиб келишимиз лозим.

Турли хилдаги товар ва хизматлар нархларини умумий баҳо даражасини бирлаштириш шунингдек, турли товар ва хизматларни миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига бирлаштириш агрегатлаш (ёки йириклаштириш) деб аталади.

Бирлаштирилган баҳолар (баҳолар даражаси) ва турли хил товар ва хизматлар бирлашиши (миллий ишлаш чиқаришнинг реал ҳажми) йиғинди деб аталади. Кўрсаткичларни йириклаштиришнинг бу усулидан макриқтисодий тадқиқотларда тез-тез фойдаланиб турилади. Демак, турли хил товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф, яъни улар ҳажмининг ўзгариши миллий ишлаб чиқариш ҳолатини кўрсатар экан.


Миллий бозордаги талаб ва таклиф алоҳида харидорлар истаги кўринишида бўлмасдан балки барча харидорларнинг йигма талаби ва таклифи кўринишида акс этар экан.


Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, умумий талаб миллий Иқтисодиётдаги барча уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва шунингдек ҳорижий харидорларнинг товар ва хизматларига бўлган талабидан иборат экан.

Жами талаб ва таклиф ҳамда нархлар даражаси барча макроиктисодий моделлар тузилишининг асоси деб ҳисобланади.

5.1-чизма.

Жами талаб, таклиф ва нархлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.






5.2. AD эгри чизиги ва унга таъсир этувчи омиллар.

Биз олдинги утган мавзуу ва саволларда курдикки нархлар даражаси ва жами талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлиб, нархлар қанчалик паст бўлса харидорлар кўпроқ товар ва хизматларни сотиб олишни истаб қолишади.

Нархлар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизик жами талаб эгри чизиги деб аталади. Буни чизма кўринишида қуйидагича тасвирлаш мумкин:

5.2-чизма.



Шунга эътибор берингки, талаб эгри чизиги доимо пастга ва унга сурилади. Нима учун ?

Бундай сурилишнинг сабаби ҳар хил. Яъни алохида олинган товарларда талаб эгри чизигининг сурилишига асосан даромад самараси ва ўрин босар

товарлар сабаб булар эди. Айрим товарларнинг баҳоси пасайганда, истеъмолчиларнинг пул даромадлари кўпроқ маҳсулотлар сотиб олиш имконини беради (даромад самараси). Шунингдек, баҳо пасайганда истеъмолчи ушбу товарни кўпроқ сотиб олади, чунки у бошқа товарларга нисбатан арzonрок бўлади (урнини босадиган товарлар).

Бундай изоҳлар жами талаб тўғрисида гапирганда тўғри келмайди. Чизмадан кўриниб турибдики агар биз талаб эгри чизиги бўйича пастга қараб силжисак, барча товарларнинг баҳоси пасаяди. Шунингдек алоҳида товарларга индивиднинг эгри талаби истеъмолчининг даромадига боғлиқ бўлса, бу ерда эса умумий даромадлар миқдорига боғлиқдир. Агарда жами талаб эгри чизигини даромад ва ўринини алмаштирадиган товарлар самараси билан тушинтириб бўлмас экан у ҳолда нима учун у пастга силжийди ?

Аввалом бор жами талаб эгри чизигининг бундай ҳолати учта омил билан боғлиқдир. Яъни:

1. Фоиз ставкаси самараси.
2. Моддий қийматликлар самараси ёки реал касса қолдиқлари ёхуд бойлик самараси.
3. Импорт харидлар самараси.

Фоиз ставкаси самараси.

Фоиз ставкаси самараси шуни билдирадики яъни, жами талаб эгри чизигининг силжиши нархлар даражаси ўзгаришининг фоиз ставкасига, демак истеъмол харажатлари ва инвестицияларга бўлган таъсирига боғлиқ. Аниқ айтганимизда, агар баҳо даражаси ошса фоиз ставкаси ҳам ошади, усан фоиз ставкалари ўз навбатида истеъмол харажатлари ва инвестицияларни камайишига олиб келади.

Демак, товарларнинг баҳо даражалари ошса истеъмолчиларга харид қилиш учун катта миқдорда Накд пуллар керак бўлади. Ишбилармонлар учун ҳам иш хақи ва бошқа харажатларни тўлашга катта миқдорда пуллар керак

бўлади. қисқача айтганда товарлар баҳоси даражалари юқори бўлса пулга бўлган талабни оширади.

Пул бирлиги ҳажмининг ўзгармаган ҳолатида талабнинг ошиши пулдан фойдаланишни чигаллаштиради. Бу фоиз ставкасини кўрсатади. Фоиз ставкаларининг юқори шароитида ишбилармонлар ва аҳоли харажатлари миқдорини камайтиради. Яъни, тезда фоиз ставкаларини ошишига мослашади.

Бундан шундай хulosага келишимиз мумкинки нархларнинг ўсиши пулга бўлган талабни қўпайтириб, фоиз ставкасининг ошишига олиб келади ва шу туфайли миллий маҳсулотнинг реал ҳажмига бўлган талабни қисқартирад экан.

Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари.

Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари шуни билдирадики, нархлар даржасининг ошиши, жамғарилган пул активлари (омонатлар, облигациялар) реал харид қобилиятини тушириб юборади. Бундай шароитда аҳоли янада камбагаллашиб боради ва ўз-ўзидан харажатлар миқдорини қисқартиради. Масалан, бирор-бир шахс ўзининг активида 10 млн. сўм бўлса, ундан хеч иккиланмасдан бирорта автомашина сотиб олиши мумкин. Агарда инфляция ушбу шахс активининг тўлаш қобилиятини 6 млн. сўмга тушуриб юборса у машини сотиб олмаслиги мумкин.

Импорт харидлар самараси.

Импорт харидлар самараси шуни билдирадики бирор-бир мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари Ташқи нархларга нисбатан ошиб борса, у маҳсулотга бўлган талаб камаяди ва ўз навбатида импорт маҳсулотларга бўлган талаб ошади. Ва аксинча ички нархларнинг камайиши импортнинг камайишига ва экспортнинг ошишига олиб келади ёки миллий маҳсулотга бўлган талабни оширади.

Юқорида кўриб ўтилган омиллар жами талабнинг нарх омиллари деб аталади, чунки миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзгариши фақат нархларгагини боғлиқдир. У эгилувчан нарх модели деб аталади. Бундан ташқари жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омиллари ҳам мавжуд. Демак жами талаб уй хўжалиги, корхоналар, хукумат ва ҳорижий шериклар

талабларидан Ташкил топар экан. Унда уларнинг харажатлардаги ўзгаришлар жами талабнинг миқдорида ўз аксини топади ва унинг эгри чизифини чапга ёки унга силжитади. Жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омилларига биз қуидагиларни киритамиз.;

1. Истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар;

а) истеъмолчилар кўлларидаги моддий қийматликлар ўсганда;

б) истеъмолчилар келажакда ўз даромадларини кўпайишини кутиши

натижасида кўпроқ харид қилишни афзал қўришса;

в) истеъмолчилар қарзлари миқдори камайса ва уларга ҳозирги кунда кўпроқ харид қилиш имконини берса;

г) истеъмолчилар даромадларидан олинадиган солиқлар ставкаси камайса.

2. Инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар.

а) фоиз ставкалари - пул массасининг кўпайиши билан у ошиб боради ва шунга мувофиқ инвестиция харажатлари қисқаради;

б) инвестициялардан кутилаётган фойда нормаси ошса;

в) корхоналардан олинадиган солиқлар миқдори камайса;

г) технология - янги техникаларни ишлаб чиқаришга жалб қилишса;

д) резервдаги қувватлар ўзгариши натижасида.

3. Давлат харажатларининг ўзгариши, яъни давлат янги-янги харажатлар миқдорини оширганда. Масалан, ҳарбий харажатлар ва янги касалхона ва бошқа муассасалар кўришга корор килганда.

4. Соф экспорт харажатлари.

5. Бошқа мамлакатлар миллий даромадларининг ўсиб бориши.

6. Валюта курсларидаги ўзгаришлар.


5.3. AS эгри чизифи ва унга таъсир этувчи омиллар.

Жами таклиф деганда муайян нархлар шароитида реал ишлаб чиқариш мумкин бўлган тавор ва хизматларни реал ҳажмига тушинилади. Нархларнинг юқори даражаси ишлаб чиқарувчиларга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга имконият яратади ва аксинча паст нархлар маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартиради. Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажми билан нархлар

даражаси ўртасида тўғри алоқа мавжуд. Демак нархларнинг ўсиб бориши билан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўсиб боради. Пасайиши билан тушиб боради.

5.3-чизма.

Жами таклиф эгри чизиги.



Графикдан кўриниб турибидики жами таклиф эгри чизиги уч кисмдан иборат. Яъни, горизантал ёки кейнсиан кесма, кўтарилиб борувчи ёки Оралиқ кесма ва вертикаль ёки классик кесма. Бундан биз кўриб турибмизки жами таклиф эгри чизиги миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайиши шароитида маҳсулот бирлигига кетган харажатлар микдорини ўзгаришини кўрсатади. Бизга маълумки маҳсулот бирлиги харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини уларга кетган харажатларга бўлиш орқали топилади.

Жами таклиф эгри чизигидаги бу кесмалар қандай Иқтисодий вазиятларни акс эттиради.

1. Кейнсиан кесмада миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми тушинилади. Чунки у тўлиқ бандлик шароитидаги миллий ишлаб чиқариш ҳажмидан камдир. Демак горизантал кесмада Иқтисодиёт чукур инқирозга учраган

шароитда ва катта миқдордаги ресурслардан фойдаланмаган шароитини кўрсатади. Ушбу фойдаланилмаётган ресурсларни нархлар даражасига таъсир кўрсатмаган ҳолда ишга тушириш мумкин. Бу кесмада миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бошласа, ишлаб чиқаришдаги хеч қандай вазият нархлар ошишига таъсир кўрсатмайди. Чунки уч-тўрт ой ишдан буш юрган ишчилар ўз иш жойларига кайтиши натижасида маошларини оширишни талаб қилишмайди. Шунингдек ишлаб чиқарувчилар ўзига зарур бўлган ресурсларни барқарор нархларда сотиб олишлари мумкин, ишлаб чиқариш харажатлари кўпаймайди. Демак маҳсулотлар нархининг ошишига асос йўқ. Ушбу кесмада миллий ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарганда нархлар даражаси ўзгармас экан.

2. Вертикал ёки классик кесма эгри чизик бўйича унгга силжиши натижасида ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмида иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитига ёки ишсизликнинг табиий даражаси шароитига эришган вазиятни кўрамиз. Иқтисодиёт эгри чизиқнинг бу нуқтасида ўзининг ишлаб чиқариш имкониятлари даражасида бўлади. Бу шуни билдирадики нархларнинг ҳар қандай ошиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келмайди. Чунки Иқтисодиёт тўлиқ қувватда фаолият кўрсатаяпди. Тўлиқ бандлик шароитида айrim фирмалар бошқа фирмаларга нисбатан ресурсларга юқорирок нархларни таклиф қилиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қиласади. Аммо бундай ҳолатда айrim фирмалар ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши мумкин, бошқалари эса йўқотади. Натижада бу нархлар ошишидан маҳсулотлар нархи ошиши мумкин, аммо ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўзгармай қолади.

Жами таклиф эгри чизифининг вертикал қисмида иккита камчилик мавжуд;

- а) бу кесма классик иқтисодий фанлар нуқтаи назаридан қаралган ва тўлиқ бандлик меъёр деб қабул қилинган.
- б) “тўлиқ бандлик” ва “тўлиқ бандлик шароитидаги миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми” -бу ўзгарувчан тушунчадир. Чунки ишчи куни ва ишчи кучлари айrim вақтларда меъёрдан ошиб кетиши ҳам мумкин.

3. Оралиқ кесма - ишлаб чиқариш реал ҳажминиг ўсиши нархлар даражасининг ўсишига мос равишда ўсиб боради. Нима учун? Чунки Иқтисодиётнинг Иқтисодий пасайиш ҳолатидан түлиқ бандликка ўтиш шароити нотекс ва турли вазиятларда руй беради. Масалан, айрим тармокларда ресурсларнинг этишмаслигига дуч келинса бошқа тармокларда аксинча. Шунингдек улар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун эски асосий воситалардан ва малакасиз мутахассислардан фойдаланишга тұғри келади. Бу эса маҳсулотлар бирлигига кетадиган харажатларни ошишига ва натижада нархлар даражасининг ўсишига олиб келади. Жами таклиф әгри чизигидаги бу учта кесма айрим Иқтисодчилар үртасыда тортишувларга сабаб бўлмокда.

Кейнсианчилик мактаби вакиллари жами таклиф әгри чизигини gox горизантал gox кўтарилиб борувчи деб ҳисоблайдилар ва шу сабабли жами таклифдаги ҳар қандай ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликка таъсир этади дейдилар.

Классик ёки ноклассик мактаб вакиллари әгри чизик бутунлай вертикал кўринишда бўлади деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича жами таклифни ўзгариши Иқтисодиёт учун унчалик сезиларли эмас. Чунки бу ўзгариш фақат нарх даражасига таъсир этиб ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик ўзгаришига олиб келмайди.

Шунингдек ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши ёки камайиши нархга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳисобига ҳам руй бериши мумкин. Бу омиллар жами таклиф әгри чизигини gox унг томонга gox чап томонга суриши мумкин. Нархга боғлиқ бўлмаган омилларнинг хусусияти шундаки улар маҳсулот бирлигига кетган харажатларга бевосита таъсир қиласи. Ва шу орқали жами таклиф әгри чизигининг сурилишига сабаб бўлади.

Бу омиллар қўйидагилардан иборат;

1. Ресурсларга бўлган талабнинг ўзгариши;
- а) ички бозордаги ресурслар миқдорининг камайиши;
- ер ресурслари;
- мехнат ресурслари;


- капитал ресурслари;
 - тадбиркорлик қобилиятлари;
 - б) импорт ресурслар нархларидағи ўзгаришлар;
 - в) бозордаги хукмронлик ва манополия;
2. Унумдорликдаги ўзгаришлар;
3. Хуқуқий миърдаги ўзгаришлар;
- а) солик ва субсидияларнинг ўзгариши;
- б) давлатнинг тартибга солишдаги ўзгаришлар;


5.4. AD ва AS моделида нархлар ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг мувозанатли даражалари.

Нархларнинг мувозанатли даражаси деб шундай нарх даражасига тушиниладики унда жами талаб ва таклиф бир-бирига мос келиши ёки тенг бўлиши керак. Авволом бор жами талаб эгри чизиги ва жами таклиф эгри чизигининг Оралиқ кесмада мос келишини кўриб чиқамиз. Нархларнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли даражалари мос равишда P_e ва Q_e лар билан белгиланган. Нима учун P_e нархларнинг мувозанатли даражаси ва Q_e миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини билдиришини кўрсатишимиш учун нархлар даражаси P_e билан эмас балки P_1 билан кўрсатилган. Жами таклиф эгри чизиги кўрсатаяпдикি нархлар даражаси P_1 бўлган вазиятда корхоналар миллий ишлаб чиқариш ҳажмини Q_1 миқдоридан оширмайди.

5.4-чизма.

Жами таклиф эгри чизигидаги Оралиқ кесмадаги мувозанат.






Истеъмолчилар бундай ҳажмдаги маҳсулотларни P_1 даражада сотиб олишга тайёр туради. Истеъмолчилар ўртасидаги рақобат нархлар даражасини P_e гача суради. Чизмадаги стрелканинг кўрсатишича нархлар даражасини P_1 дан P_e гача кўтарилиши ишлаб чиқариш ҳажмини Q_1 дан Q_e гача оширишга ва истеъмолчиларнинг истеъмолини Q_2 дан Q_e гача камайтиришга олиб келади.


Кейинги графикда жами таклиф эгри чизиги кейнсиан кесма орқали ўтади. Бундай вазиятда нархлар даражаси хеч қандай аҳамиятга эга эмас. Буни тушуниш учун аввалом бор биз миллий ишлаб чиқаришни мувозанатли ҳажмини Q_e ва мувозанатли нархлар даражасини P_e билан белгилаймиз.

Жами таклифнинг кейинги ўсиши эгри чизиқни янада йўқорирок сурилишига олиб келади. Жами талаб эгри чизиги жами таклиф эгри чизигининг вертикал кесмасида кесишади. Бу ерда мувозанат нарх P_2 даражасида, ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми Q_3 нуқтасида урнатилади. Жами таклифнинг бу кесмасида талабнинг ҳар қандай ўзгариши фақат нархлар даражасининг ўзгаришга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса тўлиқ бандлик шароитида ўзгармай қолади.

5.5-чизма.

Жами таклиф эгри чизигининг кейнсиан кесмадаги мувозанати.






Оралиқ ва вертикал кесмаларда нархлар ўсиб бориши билан кўзатилган жами талабнинг қўпайиши талаб инфляцияси мавжудлигини кўрсатади.

Жами таклифнинг ўзгариши мувозанат нархлар даражасига ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига қандай таъсир кўрсатишни кўриб чиқамиз.

Биринчидан Ташқи ҳамкорлар импорт маҳсулотларига бўлган нархни оширади деб фараз қиласлик. Импорт маҳсулотлари нархининг ошиши мамлакатда ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотлар ва импорт қилинаётган ресурслар нархини ошириб юборади. Шундай қилиб миллий ишлаб чиқаришнинг барча бугинларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бирлиги харажатларини ошириб юборади. Шунинг учун ҳам жами таклиф эгри чизиги AS₁ дан AS₂ га қараб силжийди. Бундай вазиятда нархлар даражасининг ошиши инфляцияга олиб келади.

Агарда жами таклиф эгри чизиги Q₁ дан Q₂ га қараб силжиса нархлар даражаси P₁ дан P₂ га қараб усади, бандлик камаяди ва инфляция келиб чиқади. Буни биз стагфляция деб атаемиз.

Жами таклиф ўзгаришининг таъсири.



Бошқа бир вазиятда масалан нархларга боғлиқ бўлмаган омиллардан бирортаси ўзгариб жами таклифнинг ўзгаришига олиб келсин. Яъни, ернинг баҳоси пасайса, корхоналардан олинадиган солиқлар камайса ва бунинг оқибатида маҳсулот бирлигига кетган сарф-харажатлар қисқарса унда жами таклиф эгри чизиги Е3 нуқтада кесиб ўтади. Бунда нархлар мувозанат даражаси Р1 дан Р3 га қараб силжийди, ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Q1 дан Q3 га ошади. Яъни, Иқтисодий ўсиш ҳолати мавжуд бўлади.

Қисқача холосалар.

1. Узоқ ва қисқа муддатли даврларининг бир-биридан асосий фарқи шундаки, узоқ муддатли даврларда нархлар эластик, қисқа муддатли даврларда нархлар ноэластик бўлади. AD-AS модели Иқтисодий тебранишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун асос яратади.
2. AD модели нархлар даражаси қанчалик паст бўлса тавор ва хизматларга бўлган жами талаб миқдорининг шунчалик кўп бўлишини кўрсатади.
3. Узоқ муддатли даврларда AS модели вертикал жойлашади: ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат харажатлари, капитал ва мавжуд технологиялар орқали арикланди. Шунинг учун AD даги ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражасига эмас балки нархлар даражасигагина таъсир кўрсатади.
4. қисқа муддатли даврларда AS модели горизантал жойлашади. Чунки, иш хақи ва нархлар кайд қилинган бўлади. Шунинг учун AD ги ўзгаришлар ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражасига таъсир кўрсатади.
5. AD ва AS моделлари томонидан булаётган таъсирлар Иқтисодий тебранишларга сабаб бўлади.

Таянч иборалар.

Агрегатлаш, AD ва AS моделлари, фоиз ставкаси самараси, бойлик ва касса қолдиги самараси, импорт харид самараси, AD ва AS эгри чизиқлари, AD ва AS га таъсир этувчи баҳоли ва баҳосиз омиллар ва уларни ариклаш, макроиктисодий мувозанат тушунчаси, AD ва AS ни ўзгаришини реал ЯММ ва баҳога таъсири, AS ни Оралиқ кесими, AS ни классик кесими, AS ни Кейнс кесими, рецессион ва дефляцион Оралиқ, инфляцияли Оралиқ, даромад тенглиги, хусусий талаб, жами талаб ва таклиф ва бошқалар.

Назарот ва мулоҳаза саволлари.

1. Қисқа муддатлардаги ноэластик ва узоқ муддатлардаги эластик нархларга мисол келтиринг.
2. Нима учун AD эгри чизиги пастга йуналтирилган?

3. Қисқа муддатли ва узок муддатли даврларда пул таклифини ошишини таҳлил қилинг.
4. AD ва AS моделларидаги нархга боғлиқ бўлмаган омилларни санаб утинг.
5. Нима учун марказий молия Ташкилотлари таклиф томонидан кўрсатилаётган фалажларга нисбатан талаб томонидан кўрсатилаётган фалажларни осонрок хал қиласди?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997г.
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург. 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиктисодиёт”. Т.: “Мехнат”. 1997

6-Боб: Кейнс макроиктисодий мувозанат назарияси.

- 6.1. Классик Иқтисодчиларнинг Иқтисодий мувозанат назарияси.
- 6.2. Кейнснинг Иқтисодий мувозанат назарияси.
- 6.3. Классик Иқтисодчилар ва Кейнсчиларнинг Иқтисодий мувозанат назарияларида жами талаб ва унингн ўзгариши.
- 6.4. Кейнснинг бандлик назарияси.

6.1. Классик иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанат назарияси.

Маълумки бу саволга жавоб турли йилларда турлича бўлган, яъни вақт ўтиши билан ўзгариб тўрган. “Буюк депрессия” даврида кўпгина етук Иқтисодчилар, яъни ҳозирги кунда классиклар деб аталадиган иқтисодчилар бозор иқтисодиёти иқтисодиётдаги ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имконини беради деб ҳисоблашган. Аммо улар иқтисодиётда айрим вақтларда, яъни уруш, сиёсий тунтариш, табиий офат ва шунингдек бошқа ҳолатларда ўзгаришлар бўлиб турушини тан олишса ҳам шу билан бирга бозор тизимининг ўзига хос хусусиятлари бу иқтисодий қийинчиликларни ўз-ўзидан хал қилишади деб тушунтиришади.

Классиклар назарияси асосида иккита асосий тушунча мавжуд. Биринчидан, тўлиқ бандлик шароитида маҳсулотларни сотиб олиш учун харажатлар миқдорининг етишмаслиги мумкин эмас. Иккинчидан, агарда умумий харажатлар миқдори етишмай қолган шароитда ҳам баҳо ва иш хақи қаби дастаклар ишга тушади ва натижада харажатлар миқдорининг камайиши ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми, бандлик ва реал даромадлар миқдорининг камайишига олиб келмайди деб ҳисоблашади.

Классиклар назариясини тан олмаслик асосан Сей қонунидан бошланган. Сей қонуни бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи ишлаб

чиқарилган маҳсулотлар қийматига тенг равища даромад яратади деган оддий гоядан иборатdir. Демак бу дегани маҳсулотларни сотиб олиш учун ҳар қандай маҳсулотлар ҳажмини ишлаб чиқариш ўз-ўзидан даромад яратади. Яъни, таклиф ўзининг хусусий талабини пайдо қиласди. Сей қонунининг моҳиятини маҳсулотлар айирбошлиш савдосида ҳам қўриш мумкин. Пойафзалчи пойафзал ишлаб чиқаради ёки ўзига зарур бўлган бошқа маҳсулотларга бўлган талабини қондириш учун пойафзал таклиф қилишади. Пойафзалчи томонидан пойафзалнинг таклиф қилиниши унинг талабидан иборатdir. Худди шундай бутун иқтисодиёт бўйича маҳсулотлар алмасиши амалга оширилади.

Аммо Сей қонунининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш мос равища пул даромадлари сўммасини олиш имконини берса ҳам истеъмолчилар ушбу даромадларнинг ҳаммасини тўлиқ харажат килмаслиги умум қабул қилинган тушунчадир. Яъни, даромадларнинг қандайдир бир қисмини жамғаришади ва бу жамғарилган қисми юқоридаги баҳсада ўз жавобини топмайди. Жамғариш даромадлар таркибидан маълум миқдордаги маблағларни ўзида мужассамлаштиради. Демак, истеъмол харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорини сотиб олишга етмайди. Агарда уй хўжаликлари ўз даромадларининг бир қисмини жамғаришса, у ҳолда таклиф ўзининг талабини пайдо килмайди. Жамғариш истеъмолнинг етишмаслигига олиб келади. Натижада сотилмай қолган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади.

Аммо классик иқтисодичилар хақиқатда жамғариш талабнинг етишмаслигига олиб келмайди, чунки ҳар бир жамғарилган сўм тадбиркорлар томонидан инвестициялашади деб таъкидлашади. Агарда тадбиркорлар уй хўжаликларининг жамғармалари миқдорида инвестиция қилишса Сей қонуни амал қиласди ва ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражаси доимий бўлиб қолади. Иқтисодиётнинг тўлиқ бандлик шароитидаги даромадлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаши учун харажатлар даражасига эришиши ва сақлаб колиши тадбиркорлар томонидан уй хўжаликлари жамғармалари миқдорида инвестициялашига боғлиқдир.

Классик иқтисодчилар таъкидлашадики, капитализмнинг ўзига хос пул бозори мавжуд ва бу бозор жамғарма ва инвестициянинг тенглигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тўлиқ бандлик мавжуд дейишади. Бу шуни билдирадики, пул бозорида (фоиз ставкалари) жамғарма тариқасида даромадлар ва харажатлар миқдоридан чиққан маблағлар ўз-ўзидан инвестицион маҳсулотларга сарф қилинган маблағлар миқдорида қайтадан келиши устидан назорат олиб боради. Фоиз ставкалари ёрдамида жамғарма ва инвестицияларни бошқаришни тушунтириш оддий ва ҳаммага тушинарлидир. Классик Иқтисодчиларнинг таъкидлашича бошқа вазиятларда уй хўжаликлари жамғариш урнига истеъмол қилишни афзал кўришади. Товар ва хизматлар истеъмоли инсоният талабини қондиради, фойдаланилмаган маблағлар йўқ. Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, истеъмолчилар уларнинг тежамкорлигини рағбатлантириш тариқасида фоиз ставкалари тўласагина жамғариши мумкин. Фоиз ставкалари қанчалик юқори бўлса шунчалик кўп маблағлар жамғарилади. Жамғармалардан фойдаланиш учун кимлар тўлов ишларини олиб боришади. Албатта корхоналар хўжайинлари, инвесторлар, яъни, ўзининг ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва янгилаш учун пул капиталини изловчилар ҳисобланишади. Биз биламизки фоиз ставкалари ишбилармонларнинг ишлаб чиқариш харажатларига бевосита таъсир кўрсатади. Демак, улар ўз вақтида фоиз ставкаларининг пастроқ бўлишига интилишади. қисқача айтганда фоиз ставкаларининг ўзгариши Сей қонунини кўпроқ миқдорда жамғармалар мавжуд бўлган иқтисодиётда ҳам фаолият кўрсатишни таъминлайди. Фоиз ставкаси жамғарма ва инвестицияни боғлаб турар экан бутун иқтисодиёт шундай бўлиши керак деб таъкидлашади.

Классик иқтисодчилар ўзлариниг гояларини яна бир тушунча билан исботлашга ҳарақат қилишади. Яъни, тадбиркорлар томонидан таклиф қилинган маҳсулотлар ҳажмининг даражаси нафақат умумий харажатлар миқдорига, балки маҳсулотлар баҳоси даражасига ҳам боғлиқдир. Бу шуни билдирадики, агарда фоиз ставкалари айрим сабабларга кура жамғармаларни инвестициялар тариқасида ишлаб чиқаришга қайтармаса, камайган ҳар қандай

харажатлар миқдори мос равища баҳонинг пасайиши билан қопланади. Бошқача айтганда 40 сўмга 10 сўмдан тўртта куйлак сотиб олишса, нархлар 5 сўмга камайганда 20 сўмга шунча куйлак сотиб олиш мумкин. Сотувчилар ўртасидаги рақобат баҳонинг эгилувчанлигига олиб келади. Бундан ташқари талабнинг камайиши ортиқча маҳсулотлардан кўтилиш учун нархларнинг пасайишига олиб келади. Сўм тўлов қобилиятларининг ошиши жамғармаси мавжуд бўлмаган шахсларга мавжуд пул маблағлари шароитида кўпроқ маҳсулотлар сотиб олишга ундейди. Шунинг учун жамғарма ишлаб чиқариш ва бандликнинг пасайишига эмас, балки нархларнинг пасайишига олиб келади.

Нархларнинг пасайиши ресурслар нархининг пасайишига олиб келади. Хусусан иш хақининг пасайишига ҳам олиб келади. Классик иқтисодчиларнинг фикрича иш хақи миқдори камаяди ва камайиши керак. Иш хақининг камайиши ишсизлар сонини оширади. Аммо ишбилармонлар ишсизларни олдингидек юқори иш хақи ставкаларига жалб килмасдан иш хақининг паст ставкаларига жалб қилишади. Мехнатга бўлган талаб тезда камаяди. Йўқори иш хақи ставкаларида ишлайдиган ишчилар паст иш хақи ставкаларида ишлашга мажбур бўлишади. Рақобатнинг мавжудлиги бу ишчиларга шунга рози бўлишга мажбур қиласи. Буш иш жойларига бўлган рақобат иш хақини шу даражагача пасайишига олиб келадики токи ишбилармонлар барча ишсизларни ишга жалб кила олишсин. Шунинг учун классик иқтисодчилар мажбурий ишсизлик мавжуд бўлмайди деб ҳисоблашади. Бундан ташқари классик Иқтисодчиларнинг фикрича давлатнинг иқтисодиётга аралашуви умуман мумкин эмас.

6.2. Кейнснинг Иқтисодий мувозанат назарияси.

Классик Иқтисодчиларнинг бандлик назариясига иқтисодиётда мавжуд бўладиган ишсизлик ва инфляция тўғри келмайди. Биз биламизки Иқтисодиётда тўлиқ бандлик шароитига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Иқтисодчилар классик назариянинг асосий жахатларини танқид кила бошлидилар.

1936 йили инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс капитализм иқтисодиётига янги иш билан бандлик назариясини яратди. У ўзининг “Пул, процент ва иш билан бандликнинг умумий назарияси” асосида унинг нотўғри жиҳатларини исботлашга ўринди.

Кейнс назариясининг энг каътий жиҳати шуки, у бозор иқтисодиётида иш билан тўла бандликни таъминлайдиган хеч қандай механизм йўқлигини исботлади. Макрокуламда Иқтисодиёт мувозанатга эришиши мумкин, лекин шунда ҳам маълум миқдорда ишсизлик ва инфляция сақланиб колинишини, тўла иш билан бандлик қонуний ҳолат эмас, балки тасодифдир, капитализм ўз-ўзидан тартибга тушиб ривожланиб кетавермаслигини исботлаб берди. Шунингдек иқтисодиётдаги тебранишлар фақат уруш, табиий офат ва шу каби вазиятларгагина боғлиқ эмас, балки у тинчлик йилларида ҳам ички омилларнинг салбий оқибатларидан келиб чиқишини асослаган. Ишсизлик ва инфляциянинг келиб чиқиши инвестиция ва жамғармаларга бевосита боғлиқ. Нархларнинг ошиши ва иш хақининг пасайиши бошқа салбий омиллар билан бирга иқтисодиётнинг бекарорлигига олиб келади. Кейнс назарияси Сей қонунини ҳам маълум даражада инкор этади. Сей қонуни бўйича тадбиркорлар фаолияти ва жамғариш режалари фоиз ставкасида мутоносиблашади. Кейнсчилар фикрича эса агар тадбиркорлар жамғармаларни кўпайтиришса фирмалар инвестицияларни кўпайтиришлари мумкин.

Чунки жамғарувчилар субъекти ва инвесторлар ҳар хил гуруҳдаги одамлардир. Корхоналар айникса корпорациялар катта миқдордаги инвестиция карорларини қабул қилишади. Катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришга эга бўлган Иқтисодиётда уй хўжаликлари кўп миқдорда жамғаришади. Шуни айтиб ўтиш керакки жамғариш ва инвестицияларни ҳар хил гуруҳлардаги одамлар қабул қилишади.

Жамғарувчилар ва инвесторлар субъектлари ҳар хил сабабларга кура бошқарилади. Кейнсчилар фикрича жамғарма ва инвестициялар битта омилга боғлиқ бўлмаган ҳолда турли сабаблар асосида амалга оширилади. Масалан, айримлари қиймати ўзининг иш хақи миқдоридан ортиқ бўлган маҳсулотларни

сотиб олиш учун, уй хўжаликлари эса автомобил ёки телевизор сотиб олиш учун жамғаришади. Жамғармалар бирор бир шахс ёки унинг оиласининг келажакдаги истеъмолини қондириш мақсадида; яъни уй хўжаликлари оила бошлигининг нафакага чиқишлари ёки болаларини коллежларда укишини таъминлаш мақсадида жамғаришади. Бундан ташқари жамғарма тасодифий вазиятларда фойдаланиш мақсадида жамғарилади. Кейнсчилар таъкидлашича жамғарма ва инвестицияларни аниқлашнинг энг асосий омили бўлиб миллий даромад ҳисобланади.

Нима учун тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишади. Инвестициялаш учун пул капиталига эга бўлишга тўланадиган тўловлар, яъни фоиз ставкаси инвестиция режасини тўзаётганда ҳисобга олинади. Аммо, фоиз ставкаси ягона омил бўлиб ҳисобланмайди. Инвестициялар миқдорини аниқлашда асосий омиллардан бири бўлиб фойда нормаси ҳисобланади.

Классиклар фикрича пул бозорида инвестициялашнинг асосий манбаи бўлиб жорий жамғарма ҳисобланади. Кейнсчилар фикрича эса пул бозорида бошқа иккита манба мавжуд. Биринчидан уй хўжаликларининг Нақд жамғармалари ва иккинчидан пул таклифини кўпайтирадиган кредит Ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Кейнсчилар назарияси бўйича аҳоли ўз маблағларини нафақат кунлик харидларни амалга ошириш учун, балки ўз бойликларини ошириш учун ҳам саклашади. Бу пул воситалари бир қисмининг камайиши ва уларни пул бозорида инвесторларга бериш жорий жамғармаларга нисбатан солиширгандан воситаларнинг ортиқчалигига олиб келиши мумкин. Шунга ўхшаш кредит берадиган муассасалардан ссудаларнинг берилиши пулнинг таклифини кўпайтиради. Банк ёки бошқа молиявий Ташкилотлардан кредитларнинг берилиши жорий жамғармалар кўпайшига асос бўлади. Натижада уй хўжаликлари кулидаги пул воситаларининг камайиши ва банклар томонидан ссудаларнинг берилиши инвестициялар миқдорини жорий жамғармалар миқдоридан ошишига олиб келиши мумкин. Бу шуни билдирадики Сей қонуни фаолият кўрсатмайди.

Классик назариячилар барча жорий жамғармалар пул бозорига чиқарилади деб нотұғри айтишади. Чунки, биrinчидан уй хұжаликлари жамғармаларнинг қандайдир бир қисмини пул бозорига юбормасдан кулида олиб колиши мүмкін, иккінчидан жорий жамғармалар банк фоизларини тұлаш учун ишлатилади.

Кейнсчилар ёндошуви шундан иборатки, жамғариш ва инвестициялар режаси бир-бирига мос келмайды ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқарыш, даромад, бандлық, нархлар даражасыда үзгаришлар бўлиб туради. Бундан ташқари Кейнсчилар фикрича нархлар даражаси ва иш хақи хакиқатда пасайишга йуналтирилган эгулувчанликдан иборат эмас. Хатто улар шундай бўлган тақдирда ҳам шубхалидир. Чунки нархлар ва иш хақининг пасайиши кенг тарқалган ишсизликни бироз юмшатиши мүмкін, холос.

6.3. Классик ва Кейнсианчилар Иқтисодий мувозанат назарияларида жами талаб ва унинг үзгариши.

Классик иқтисодчилар фикрича жами талаб эгри чизиги вертикал тұғри чизикдан иборат ва фақат ишлаб чиқарышнинг реал ҳажмини ифодалайди. Иккінчи томондан пастга эгилган жами талаб эгри чизиги барқарор бўлишга интилади ва фақат нархлар даражасини аниқлайди. Бу икки умум кўрсаткичларни қараб чиқамиз.

1. Вертикал жами таклиф. Вертикал жами таклиф эгри чизиги ишсизликнинг табиий даражасига ёки тўлиқ бандлық шароитдаги ишсизлик даражасига тұғри келади. Классиклар фикрича иқтисодиёт, Сей қонуни, барқарор фоиз ставкаси, эгулувчан нарх ва иш хақи каби омиллар таъсирида тўлиқ бандлық шароитида фаолият кўрсатади. Улар фикрича нархлар үзгариши билан бир вақтда ишлаб чиқарыш ҳажми үзгартмайди.

Олдинги мавзуларда кўриб утдикки нархларнинг паст даражасыда ишлаб чиқарыш фойдалилиги камаяди ва ишлаб чиқарувчиларни камроқ маҳсулотлар

таклиф қилишга мажбур қиласи да шунингдек камроқ ишчиларни жалб қилиши мумкин. Классиклар фикрича ишлаб чиқаришга киритилаётган омилларга харажатлар, нархлар пасайиши билан бир вақтда камаяди да натижада реал фойда да ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармай қолади.

2. Барқарор жами талаб. Классиклар ҳисобича жами талаб асосида пул ётади. Яъни, ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини сотиш биринчидан, уй жихозлари да ишбилармонлардаги мавжуд пул микдорларига, иккинчидан, ушбу пулларнинг нархлар даражаси билан аниқланадиган тўлов қобилиятига да реал қийматига боғлиқ. Вертикал чизиқ бўйича пастга тушсак нархлар даражаси камаяди. Бу шуни билдирадики ҳар бир сўмнинг тўлов қобилияти ошади да шунинг учун ушбу пулларга кўпроқ маҳсулотлар сотиб олиш мумкин.

Классиклар фикрича давлат молия Ташкилотлари пул таклифини доимий равища қўллаб туради. Ушбу таклиф эгри чизигида пул микдорини кўпайтириш инфляцияга олиб келади, пул микдорини камайтириш эса дефляцияга олиб келади. Шунинг учун нархлар барқарорлигини сақлаб туришда пул таклифи устидан назорат олиб бориш керак.

Кейнсианчилар фикрича маҳсулотлар нархи да иш хақи эгилувчан эмас, шунинг учун жами таклиф эгри чизиги горизонтал уқдан иборат. Бундан ташқари, жами таклиф талабдаги нарх омиллари бирортасининг ўзгаришига боғлиқ равища даврий ўзгариб туради.

1. Горизонтал жами таклиф эгри чизиги. Пасайишига қараб нарх даражаси да иш хақининг ноэластиклиги жами таклиф эгри чизигини горизонтал жойлаштиради. Бундай ҳолатда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши нахларнинг пасайишига олиб келмайди. Шунингдек тескариси реал ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ошишига олиб келмайди. Шунинг учун ҳам Кейнсиан кесма ишлаб чиқариш ҳажмининг ноль даражасидан тўлиқ бандликка эришиши ёки ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмига эришгунгача бўлган қисмидан иборат. Кейнсианчилар фикрига тўлиқ иш билан бандликга эришгандан кейин жами таклиф эгри чизиги вертикал йўналиш олади.

2. Нобарқарор жами талаб. Кейнсианчилар фикрича пул таклифида хеч қандай ўзгариш бўлмаса ҳам жами талаб нобарқарордир. Хусусан, жами талабдаги инвестиция каби омиллар ўзгаришга олиб келади. Масалан, жами талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликга таъсир қўрсатади. Нархлар даражаси эса ўзгармай қолади.

Классиклар фикрича пул таклифида катта ўзгариш бўлмаса жами талаб ўзгармайди, яъни барқарор ҳисобланади. Жами талаб камайган тақдирда ҳам нархлар ва иш хақининг эгилувчанлиги ишлаб чиқариш реал ҳажмининг барқарорлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам давлатнинг макроиқтисодий сиёсати ортиқчадир. Кейнсианчилар фикрича жами талабнинг ўзгарувчанлиги ва нархларнинг ноэгилувчанлиги ишсизлар даражасини оширишга олиб келади. Иқтисодиётда катта йўқотишлар килмаслик учун давлат жами талабни бошқариб туриш учун макроиқтисодий сиёсат юритиш лозим деб ҳисблайди. Кейнсианчилар фикрича жами талабни таҳлил қилишда нархларнинг ноэгилувчанлигидан ташқари ЯММ ни ҳисоблашда тўртта компонент, яъни, истеъмол, инвестиция давлат хариди ва соф экспортларни ҳам қараб чиқиш керак.

6.4. Кейнснинг бандлик назарияси.

Олдинги саволларда курдикки Кейнснинг иқтисодий назариясига биноан бозор иқтисодиётида иш билан бандликни тўла таъминлайдиган хеч қандай автоматик механизм йўқ. Демак, ишлаб чиқариш ва иш билан бандликни боғлиқлиги қандай аниқланишини билиш учун товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми, иш билан бандлик ва ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари каби қўрсаткичларни қараб чиқиш лозим экан.

Кейнс моделида мувозанат даражадаги ишлаб чиқаришни аниқлашда иккита бир-бири билан боғлиқ усуллардан фойдаланилган.

1. Умумий харажатлар ва ишлаб чиқаришни таққослаш усули, яъни, $(C+In)=CMM$;
2. Инъекция ва тортиб олиш усули.

Демак, ушбу усуллардан биринчисини, яъни, ялпи харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажми усулини қараб чиқамиз. Бу усул қисқача қилиб “ харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажми усули ” деб ҳам айтилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми деганда амалиётда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган СММ ҳажмига айтилади. Унда СММ ишлаб чиқаришнинг турли миқдордаги потенциали билан таққосланади. Бу ерда энг асосий кўрсаткич бўлиб, ишлаб чиқаришга сарф қилинган умумий харажатлар миқдорида ялпи даромадларни олиши ҳисобланади. Масалан, бирор бир тадбиркор юз минг сўмлик маҳсулотни таклиф этиб юз минг сўмлик даромад олсагина у ишлаб чиқаришни давом эттириши мумкин.

Ялпи харажатлар деганда ишлаб чиқаришга сарф қилинган умумий харажатлар миқдори тушунилади. Ёки бошқача айтганда ЯММ ни ҳисоблашдаги истеъмол ва инвестиция харажатларидан иборатdir. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки СММ ни ҳисоблаётганда, яъни, ялпи инвестициялар миқдори эмас, балки соф инвестициялар миқдори ҳисобга олинади, яъни СММ=ЯММ-А

Бундан ташқариш умумий ҳисобларда соф инвестицияларни жорий миқдори эмас, балки режа миқдори эътиборга олинади. Чунки ишлаб чиқариш ҳажми билан ялпи харажатлар ўртасидаги мувозанатнинг бўзилиши режадан ортиқча инвестицияларга бўлган талабни келтириб чиқаради.

СММ Кейнснинг иш билан бандлик назариясининг асосини Ташкил этади. Мувозанат ҳажмидаги СММ ни аниқланиши Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди.

Мувозанатли ишлаб чиқариш режаси бу ялпи харажатлар режаси харид қилинган товар ва моддий ресурслар тенглигини таъминловчи СММ ҳажмини ишлаб чиқаришдир. Мувозанатли ҳажмидаги СММ ни ишлаб чиқариш иш билан тўлиқ бандликни, ишлаб чиқариш харажатлари ва олинаётган даромадларнинг биргаликдаги мувозанатини бирлаштиради.

Инъекция ва тортиб олиш усули тўғридан-тўғри мос келмаса ҳам унинг маъноси шундан иборатки, яъни, мувозанатли даражадан ташқари ҳолатларда

СММ ва ялпи харажатлар мувозанатининг бузилишига қаратилади. Биз биламизки ҳар қандай ҳажмдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзига мос равишда солиқлар тўлангандан кейинги даромадлар миқдорини беради. Яна шу маълумки, уй хўжаликлари ушбу даромадларнинг бир қисмини жамғариши мумкин. Жамғариш ўз навбатида тортиб олишни билдиради. Жамғариш натижасида истеъмол ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан ёки СММ дан кам бўлади. Бундай ҳолатда истеъмол бозорда жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини сотиб олишга етмайди. Натижада эса ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга олиб келади. Маҳсулотларнинг бир қисми ишлаб чиқариш воситалари шаклини олади. Шунинг учун инвестицияни даромадлар ва харажатлар миқдоридаги харажатлар инъекцияси деб караш мумкин. Бошқача айтганимизда инвестиция жамғармага олинган воситаларни қоплаш имкониятини билдиради.

Агарда жамғармага олинган воситалар инвестиция инъекциясидан кўп бўлса, жами харажатлар СММ дан кам бўлади. Бошқача айтганда СММнинг ҳар қандай даражаси яъни жамғариш инвестициядан кўп бўлган вазиятда мувозанат нуқтадан юкори бўлади. Аксинча инвестиция инъекцияси жамғармага олинган воситалар миқдоридан кўп бўлса жами харажатлар СММ дан кўп бўлади. Инвестициялар жамғармалардан кўп бўлган ҳар қандай шароитда СММ ҳажми мувозанат нуқтадан паст бўлади. Жамғармага олинган воситалар миқдори инвестиция инъекцияси томонидан тўлиқ қопланса жами харажатлар умумий ишлаб чиқариш ҳажмига teng бўлади. Инъекция бу мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган истеъмол харажатларига қўшимча бўлиб ҳисобланади.

Қисқача хulosалар.

1. Классик иқтисодчилар бир нечта назарияларни олдинги суришади. Шулардан энг асосийси бўлиб тўлиқ бандлик шароитида маҳсулотларни сотиб олиш учун харажатлар миқдорининг етишмаслиги мумкин эмас. Шундай бўлган шароитда

ҳам баҳо ва иш хақи каби дастаклар ишга тушиб барча муаммоларни хал қилишади деб ҳисоблашади.

2. Классик иқтисодчилар назарияларини биринчилардан бўлиб инглиз Иқтисодчиси Жон Кейнс ўзининг “Пул, процент ва иш билан бандликнинг умумий назарияси” да уларнинг нотўгри жиҳатларини исботлаб берган.
3. Классиклар фикрича жами талаб эгри чизиги вертикал тўғри чизикдан иборат ва ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ифодалайди. Кейнсианчилар фикрича маҳсулотлар нархи ва иш хақи эгилувчан эмас, шунинг учун жами таклиф эгри чизиги горизантал ўқдан иборат.
4. Кейнс моделида мувозанат даражадаги ишлаб чиқаришни аниқлашда бирбири билан боғлиқ иккита усулдан, яъни умумий харажатлар ва ишлаб чиқаришни таққослаш ҳамда инъекция ва тартибга солиш усулларидан иборатдир.

Таянч иборалар.

Классиклар назарияси, Сей қонуни, тўлиқ бандлик, умумий харажатлар, баҳо, иш хақи, Кенс назарияси, пул бозори, жамғарма, истеъмол, фоиз ставкаси, инвестиция, кунлик харажатлар, вертикал жами таклиф, барқарор жами талаб, горизантал жами таклиф, нобарқарор жами талаб, умумий харажатлар, ишлаб чиқаришни таққослаш, инъекция ва тортиб олиш ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Классик Иқтисодчилардан кимларни биласиз ва уларнинг қандай назариялари билан танишсиз.
2. Сей қонунининг моҳиятини, унинг камчиликлари ва ютуқларини тушунтириб беринг.
3. Нима учун классиклар назарияси танқидга учраган. Кимлар бу назарияларнинг камчиликларини очиб берган?
4. Кейнснинг умумий харажатлар ва ишлаб чиқаришни таққослаш усулини моҳияти нимада?
5. Инъекция ва тортиб олиш усули деганда нимани тушинасиз?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоиз строение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костыюк. “Макроэкономика”.М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.М.А. Хакимова. “Макроиктисодиёт”. Т.: “Меҳнат”. 1997

7-Боб: Пул бозори.

- 7.1. Пул тушунчаси, унинг функциялари ва пул агрегатлари.
- 7.2. Пул таклифи ва талаби назарияси.
- 7.3. Пул бозори.
- 7.4. Пул-кредит тизими ва пул мультипликатори.

7.1. Пул тушунчаси, унинг функциялари ва пул агрегатлари.

Пул - бу бизнинг буюк ихтиrolаримиздан биридир. Пул инсонларни сехрлайди. Унга эга бўлиш учун қийналамиз ва меҳнат қиласиз. Пул-ундан кутилиш йўли билан фойдаланиш мумкин бўлган ягона товардир. Уларни сарф ёки инвестиция қилмасангиз сизни улар қийинтирмайди ҳам, қорнингизни тўйғазмайди ҳам, яхши дам олишингиз учун шароит ҳам яратмайди. Инсонлар пул учун ҳамма нарсага тайёр ва пул ҳам ўз навбатида инсонлар учун ҳамма нарсага тайёр туради.

Пул барча иқтисодий фанларнинг энг асосий бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Пул тизимининг тўғри фаолияти даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланишига ҳаётий куч беради. Яхши ишлаётган пул тизими ишлаб чиқариш қувватлари ва бандликдан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Аксинча ёмон ишлаётган пул тизими иқтисодиётдаги инқирозларга, яъни, ишсизлик, инфляция ва шунингдек бошқа салбий оқибатларга олиб келади.

Демак, пул маъхус хусусиятларга эга бўлган товар ҳисобланиб, барча турдаги товар ва хизматларни айирбошлиш воситаси ҳисобланар экан. Пул товарлар айирбошлишда умумий teng қийматлилик (эквивалент) ролини бажаради. Пуллар маҳсус хусусиятга ликвидлик (яъни, тез алмаштириш) хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам идеал восита ҳисобланади. Ҳар қандай буюмнинг ликвидлилиги уни сезиларсиз сарф харажатлар билан бошқа буюмга айирбошланиш қобилиятини билдиради. Айирбошлиш кенгайиши билан кредит пуллар деб аталувчи векселлар, банкнотлар, чеклар, сертификатлар, кредит

карточкалари ва бошқа шунга ўхшаш қийматликларга эга бўлган пуллар пайдо бўлади.

Пул ўз табиатига кўра уч хил хусусиятга эга, яъни, ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси, бойлик тимсоли, меҳнатнинг қиймат шаклидаги ўлчов воситаси.

Умуман пулнинг бешта вазифаси мавжуд:

1. Қиймат ўлчови.
2. Айирбошлаш воситаси.
3. Хазина тўплаш ва жамғариш воситаси.
4. Тўлов воситаси.
5. Жаҳон пули.

Пул ўз хизмати мазмуни ва миқёсига қараб турли тоифаларга бўлинади.

1. Хазина билетлари - бу пул оддий муомалада ишлатилади.
2. Банкнот - кредит пуллари - бундай пуллар қарз олиш ва бериш жараёнида ишлатилади.

Пул товар сифатида қийматга эга. Ҳозирги кунда пулнинг қийматидан фойдаланиб унинг турли кўринишларидан фойдаланилмоқда. Яъни, қоғоз пулларга товар ва пулли хизматлар эквивалент алмашинади. Бундан ташқари банк чекларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, кредит карточкаларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Пул муомаласидаги энг асосий масалалардан бири мамлакатда зарур бўладиган пул массасини аниқлаш ва муомалага чиқариш ҳисобланади. Бу эса макроиктисодиётнинг асосий муаммоси ҳисобланади ва давлат томонидан тартибга солиб турилади.

Пул массаси - муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (хазина ва банк билетлари) нинг жами миқдори. Ҳўжалик муомаласидаги пул воситаларининг умумий ҳажмига Нақд пулдан ташқари банкларнинг жорий ҳисобдаги пул воситалари ҳам киради.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида пул массасининг асосини ташкил этувчи ёки пул агентларини билиш энг зарур муаммолардан биридир. Чунки

пулнинг энг самарали миқдордаги массасини чиқариш пулнинг харид қилиш қобилияти барқарорлигини таъминлайди. Пулнинг харид қилиш қобилияти барқарорлиги товар ва хизматлар нархининг кескин ўзгариши олдини олади. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда пул муомаласи икки кўринишда юритилади.

1. Нақд пул муомаласи.
2. Нақд бўлмаган пул муомаласи.

Ривожланган мамлакатларда зарур бўлган пул миқдорини аниқлашда “Шартнома тўзиш учун пул ёки тор маънодаги пуллар” - M1 ва “кенг маънодаги пуллар” - M2;M3;M4 миқдори ҳисобланади.

M1 - ўз ичига танга пуллар, қоғоз пуллар жорий ҳисобдаги пуллар ва йўл чекларини олади.

M2 - ўз ичига M1 ва тезкор жамгарма ҳисобларини олади.

M3 - ўз ичига M2 ва ликвидли қимматбаҳо қоғозларни олади.

$$M3=M2+ЛКБ+СБО+СКВ;$$

ЛКБ-ликвид қимматбаҳо қоғозлар (облигациялар, сертификатлар, хазина мажбуриятлари ва бошқалар)

СБО - жамоат ва бюджет ташкилотлари ҳисобларидаги маблағлар;

СКВ - капитал маблағларни молиялаштирувчи маблағлар;

Энг умумлашган шаклдаги “кенг маънодаги пуллар” бўлиб M4 ҳисобланади.

$$M4=M3+НЛС;$$

НЛС - пул бўлмаган ликвид маблағлар (олтин, брилиант, кумуш, платина ва шу каби қимматбаҳо пул бўлмаган маблағлар).

Жами пулнинг таклифи деб маълум вақт бирлиги ичida иқтисодиётга хизмат килаётган пулларга айтилади. Пул эгаси пулни қандай шаклда сақлаш самарали бўлса худди шу кўринишдан фойдаланади. Энг муҳими пул таклифи давлат томонидан тартибга солинади.

7.2. Пул таклифи ва талаби назарияси.

Авваломбор биз пул таклифи асосида нималар ётишини билиб олишимиз лозим. Яъни, биринчидан пул таклифининг асосий қисми бўлиб қоғоз пуллар ва чек қўйилмалари ҳисобланади. қоғоз пуллар - республика марказий банкининг

муомалага қўйилган қарз мажбуриятларидир. Чек қўйилмалари эса тижорат ёки ҳалқ банкларнинг қарз мажбуриятларидан иборат.

Бундан ташқари қоғоз пуллар ва чек қўйилмалари ҳақиқий қийматга эга эмас. Ун сўмлик купёр бу бир булак қоғоз ёки чек қўйилмалари эса ҳисобхона китобидаги оддий ёзувдан иборатдир. Танга пуллар эса, биз биламизки, унинг ҳақиқий қиймати номинал қийматдан кам. Давлат сизнинг қўлингиздаги қоғоз пулларни қиймати юқорироқ бўлган, масалан, олтинга алмаштирумайди.

Иккинчидан, пул қиймати. Агарда қоғоз пуллар ва чек қўйилмалари қиймат беридаган ички хусусиятга эга бўлмаса ва улар олтин ёки бошқа металл қийматликларга алмашинмаса нима учун улар унда пул бўлиб ҳисобланади. Ўн сўмлик купёрга ёки юз сўмлик чекларга қиймат қандай берилади. Бу саволларга жавоб олиш учун биз қўйидаги учта жиҳатни қараб чиқамиз.

1. Яроқлилиги. Нақд ва чек қўйилмалари оддий сабабга кўра, яъни, уларни инсонлар пул сифатида қабул қиласди, амалиётда улар асосан пул вазифасининг асосий қисмини бажаришади ва муомала воситаси сифатида қабул қилинган. Масалан, сиз магазинда қоғоз пулларни кийим кечакга алмаштирасиз. Нима учун. Сотувчи бу қоғоз булагини қабул қилиб олади. Жавоб оддий, яъни сотувчи биладики уни бошқа бирорлар ҳам товарга алмаштиради.

2. Қонуний тўлов воситаси. қоғоз пулларга бизнинг ишончимиз қонунларга асосланган. Давлат нақд пулларни қонуний тўлов воситаси сифатида эълон килган.

3. Нисбий камлиги. Яъни, пул қиймати унинг фойдалилигига нисбатан камлиги билан аниқланади. Пулнинг фойдалилиги унинг ҳозир ва келажакда товар ва хизматларга эркин алмаштириш қобилиятидан келиб чиқади. Иқтисодиётда пулга бўлган талаб бажарилган ишларнинг сўмдаги қиймати плюс корхона ва индивидларнинг кейинчалик бирор бир ишни амалга ошириш учун зарур бўладиган пуллар миқдори орқали аниқланади.

Пулнинг реал қиймати ёки тўлов қобилияти - пул бирлигига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори орқали аниқланади. Товар ва

хизматларни сотиб оладиган пулнинг қиймати баҳо даражаси билан тескари алоқага эга. Нархлар қанча юқори бўлса пулнинг тўлов қобилияти шунчалик кам бўлади ва аксинча. Умумий пул таклифи нафақат жорий ҳисоблардаги маблағлардан (Д) балки аҳоли қўлидаги нақд пуллардан (С) ҳам ташкил топади. Шунинг учун пул таклифининг умумий модели пулларни банк депозитларидан нақд пулга мумкин бўлган оқиб ўтишини ҳисобга олиб тузилади. Нақд пуллар миқдорини омонатлар ҳажми билан боғлиқлигини депонентлаш коэффициентини СЧ ифодалайди. Бу коэффициентни ва банк мультипликаторини 1/чч қўллаб пулнинг умумий таклифини аниқлаш мумкин.

$$M = (C_k + 1)^* \times B / (C_k + k_k)$$

Бунда: М - пулнинг умумий таклифи.

$C_k/C/D$ тенг бўлган депонетлаш коэффициенти. У пул маблағларининг нақд пулга (С) ва омонатларга (Д) тақсимланишини аҳоли томонидан мақбуллигини билдиради.

k_k-k/D бўлган банк резервлари нормаси (резервларни омонатларга нисбатан).

$B - C+k$ га тенг бўлган пул базаси ёки қуввати кучайтирилган пуллар, яъни нақд пуллар плюс банк резервлари.

Юқоридаги C_k+1/C_k+k ифодани пул мультипликатори деб аталади ва одатда т билан белгиланади. Бу ҳолатда пулнинг умумий таклифи қўйидагича аниқланади:

$$M=m \times B$$

Пулга бўлган умумий талаб битимлар учун пулга талабдан ва молиявий активлар учун пулга талабдан иборат.

Битимлар учун пулга бўлган талаб бу аҳолига ва корхоналарга товар ва хизматларни харид қилиш учун зарур бўлган пул миқдоридир. У номинал ЯММни ўсиши билан ортиб боради.

Молиявий активлар томонидан пулга бўлган талаб пулнинг жамғариш воситаси сифатидаги функциясига асосланган, яъни одамлар ўзларининг

молиявий активларини акциялар, облигациялар, банкдаги омонатлари күринишида қўлларида тутиб туради.

Пулга бўлган талаб умумий талаб фоиз ставкаси миқдорига ёки пулнинг ишлатилиши баҳосига нисбатан тескари боғлиқликда бўлади. Фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, пулга бўлган талаб шунча паст бўлади ва аксинча, фоиз ставкасини пасайиши билан пулга бўлган талаб ошади.

7.3. Пул бозори.

Биз пулга бўлган талаб ва таклифни бирлаштириб пул бозорини ва фоиз ставкасининг тенглигини аниқлашга ҳаракат қиласиз. Тўғри чизик шаклида берилган пул таклифи умумий ҳолда берилган. Яъни, пул-кредит ва молия ташкилотлари иқтисодиётни маълум бир миқдордаги пул ҳажми билан таъминлаб туради. Ресурслар ва маҳсулотлар бозорига ўхшаб пулга талаб ва таклиф тўғри чизикларининг кесишиши мувозанат нуқтани билдиради. Бундай ҳолатда баҳо тенглиги бўлиб фоиз ставкасининг тенглиги ҳисобланади. Яъни, пулдан фойдаланганлик учун тўланган баҳодан иборатdir.

Уни содда кўринишида қўйидаги формула билан ифодалаш мумкин.

$$M \times V = P \times Y :$$

Бунда: M - муомалага чиқарилган пул;

V - пулнинг айланиш тезлиги;

P - ЯММ дефлятори;


Y - реал ЯММ.

Ушбу айниятни пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси деб айтилади. Унинг унг қисми ($M+Y$) бу реал пул заҳирасининг таклифини, чап қисми ($P+Y$) номинал ЯММ ифодалайди. Масалан, Иқтисодиётда 1000 бирлик пул муомалада бўлса, унда ҳар бир пул бирлиги йил давомида уч марта қўлдан-қўлга ўтса ёки бир йилда 3 та биримга (олди-сотди) хизмат қилса (V), унда пул заҳираси таклифи реал ҳисобда 3000 га тенг ($M+Y$). У мамлакатдаги битимларнинг умумий сонига, яъни номинал ЯММ ҳажмига ($P+Y$) мувофиқ келиши мумкин.

Пул бозорида тенгликга эришилмаса нима бўлиши мумкин. Пул бозорида қандай қилиб тенгликга эришиш мумкин?

7.1-чизма.

Пул бозорида тенгликга эришиш.



Таклиф қилинган ва талаб қилинган пуллар миқдори (млрд. сўм)

Кейинги графикда кўринганидек пул таклифи 200 млрд. сўмдан 150 млрд. сўмга камайган бўлсин. Талаб қилинаётган пуллар миқдори таклиф қилинган пуллар миқдоридан 50 млрд. сўмга олдинги мувозанатга нисбатан кўп. Бундай ҳолатда одамлар ўзларида мавжуд бўлган молиявий активларни сотиш орқали мослаштиришга ҳаракат қилишади. Облигацияларни сотиш орқали пулга эга бўлиш бошқа бирорлар учун пулни йўқотиш ҳисобланади.

Умуман 150 млрд. сўм Накд пул мавжуд. Облигацияларни сотиш орқали жамоа бўлиб, кўп Накд пулларга эга бўлиш бозорга облигациялар талабига нисбатан таклифни кўпайтиради ва уларнинг нархини туширади. Облигациялар нархининг пасайиши фоиз ставкаларини оширади. Масалан, минг сўмлик номинал қийматидаги облигацияни сотиш натижасида 50 сўмлик доимий фоизлар тўланса, йиллик ўртача фоиз ставкаси 5 фоизга тенгдир.

$$50 / 1000 = 5\%$$

Облигациялар таклифининг кўпайиши натижасида облигациялар нархи 667 сўмга тушиб қолди дейлик. Облигацияларни сотиб олувчилар учун облигациянинг 50 сўмлик доимий фоиз ставкаси 7,5 фоизга тенг бўлади.

$$50 \text{ сўм} / 667 \text{ сум} = 7,5\%$$

Графикдан кўриниб турибдики, 200 млрд. сўмлик пул таклифи давридаги 5 % ли фоиз ставкаси 150 млрд. сўмлик пул таклифи шароитида 7,5 % ошган. Фоиз ставкаларининг ошиши пулни сақлашдаги харажатларни оширади ва пул миқдорини камайтиради. Бошқача айтганда талаб қилинаётган пуллар 200 млрд. сўмдан 150 млрд. сўмга тушади. Шунга эътибор беришимиз керакки, 7,5 % ли фоиз ставкаси шароитида пулнинг талаби ва таклифи 150 млрд. сўмга тенглашади. Аксинча пул таклифи 200 млрд. сўмдан 250 млрд. сўмга кўпайтириш 50 млрд. сўмлик пулнинг ортиқчалигига олиб келади. Одамлар облигацияни кўпроқ сотиб олиш хисобига пулдан кутилишга ҳаракат қилишадилар. Айримлар томонидан пулнинг харажат қилиниши бошқа бирорларнинг пулга эга бўлишидан иборатдир. Шунинг учун жамоа тариқасида облигацияларни кўп миқдорда сотиб олиш уларга бўлган талабни оширади ва нархнинг ошишига олиб келади. Облигациялар нархининг ошиши фоиз ставкаларини пасайтиради. Масалан, йиллик нормаси 50 сўмлик фоиз ставкасига эга бўлган облигациялар энди 2000 сўм бўлсин.

$$50 \text{ сўм} / 2000 \text{ сум} = 2,5\%$$

Юқорида кўриб ўтилган мулоҳазаларни умумлаштириб шундай хulosага келамизки, биринчидан облигациялар нархи ва фоиз ставкалари тескари боғлиқга эга, иккинчидан пул бозоридаги номувозанат ҳолат облигациялар нархининг ўзгаришига ва у орқали фоиз ставкасининг ўзгаришига, учинчидан фоиз ставкаларининг ўзгариши инсонларнинг пулни сақлашга тайёрланишига таъсир қиласи, тўртинчидан, инсонларнинг пулни сақлашга тайёргарлигининг ўзгариши пул бозоридаги мувозанатни тиклайди ва бешинчидан мувозанатли фоиз ставкаси таклиф қилинаётган ва талаб қилинаётган пуллар миқдорини тенглаштиради.

Юқори даражали фоиз ставкаси инвестиция ва истеъмол харажатларини камайтиради ва аксинча фоиз ставкаларининг паст даражаси инвестиция ва истеъмол харажатларини оширади. Ушбу вазиятларнинг иккаласи ҳам ишлаб чиқариш, бандлик ва баҳо даражаларига таъсир этади.

7.4. Пул-кредит тизими ва пул мультипликатори.

Аксарият кўпчилик мамлакатларда давлат пул чиқаришга монопол Хуқуқига эга. Шунинг учун у бутун пул массаси миқдорини тартибга солиб туради. Уни амалга ошириш хуқуқи нисбатан мустақил муассаса Марказий банк ихтиёрида, пул таклифини кўпайтиришга ёки пул яратиш қобилиятига тижорат банклари ҳам эга. Улар кредитлар бера бориб, тўлов воситалари эмиссиясини ёки кредит мультипликациясини амалга оширади. Масалан, А банкнинг депозити 2000 га усган бўлса, резерв нормаси 20 % га тенг бўлганда (резерв нормаси - бу резервларнинг депозитларга нисбати) у 400 сўмни ўзида қолдириб қолган 1600 сўмни қарзга беради. Шундай қилиб А банк пул таклифини 1600 га кўпайтиради ва у энди $2000 + 1600 = 3600$ ни ташкил этади. Яъни, омонатчиларнинг депозитлардаги 2000 дан ташқари яна 1600 қарз олувчиларнинг қўлларида қолади. Агар 1600 сўм яна банкга тушса (масалан Б банкга) унда 20 % ни тенг бўлган резерв нормасида у 320 ни резервда қолдириб, 1280 ни кредитга беради. Ҳамда шу миқдорда пул таклифини оширади. Кредит беришнинг бу жараёни сўнги пул бирилигидан фойдаланишга қадар давом этади ва провард натижада жами пул таклифи қўйидагича аниқланади:

$$\text{Дастлабки омонат} = 2000$$

$$A \text{ банкнинг ссудаси} = (1-0,2) \times 2000 = 1600$$

$$B \text{ банкнинг ссудаси} = (1-0,2) \times (1-0,2) = 2000 = (1-0,2) \times 2000 = 1280 \text{ ва х.к.}$$

Жами пул таклифи тенг бўлади

$$(2000 + (1-0,2) \times 2000 + (1-0,2) \times 2000 + \dots) = X_1 + (1-0,2) + (1-0,2) \times 2000 + \dots = 1/1 - (1-0,2) \times 2000 = 1/0,2 \times 2000. (*\text{-квадратни билдиради}).$$

Бу ифодани қўйидаги формула кўринишида ёзиш мумкин:

$$M = (1 / kK) \times D;$$

Бунда - M- ҳажми пул таклифи.

кк - банк резервлар нормаси.

D - дастлабки омонат.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пул таклифи 1/кк коэффицентига боғлиқ бўлиб, уни банк мультипликатори ёки пул экспансияси мультипликатори деб аталади. У ушбу банк резервлар нормасида ортиқча резервларнинг бир пул бирлиги билан яратилиши мумкин бўлган янги кредит пулларининг энг кўп миқдорини билдиради.

Кредит - қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарз бериш маъносини беради. Капитализмда кредитнинг ссуда капитали ҳаракат шакли бўлиб банк ва тижорат кредити кўринишида амалга оширилади. қарзга маблағ берувчи томон кредитор, яъни, кредит берувчи, ссуда оловучи томон эса қарздор, яъни кредит олови хисобланади.

Банк кредитларининг асосий қоидалари бўлиб, қуидагилар хисобланади:

- муддатлилик;- аниқ мақсадга йуналтирилганлик;- фоиз; - тўлаш;- моддий таъминланганлик ва бошқалар;

Кредит узоқ ва қисқа муддатли бўлади. қисқа муддатли кредит корхона ва Ташкилотларнинг айланма фоизларини шакллантиришга хизмат қиласи. Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармокларига капитал маблағлар ажратиш манбаи бўлиб хисобланади.

Кредит пул тизимининг асосини банклар ташкил этади. Пул кредит сиёсатининг учта асосий воситасини ажратиб кўрсатилади. Марказий банк улар ёрдамида пул таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул кредит муомаласини тартибга солиб туради:

1. Ҳисоб ставкаси;
2. Мажбурий резервлар нормаси;
3. Очик бозордаги операциялар;

Ҳисоб ставкаси деб марказий банк томонидан банкларга бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бу ссудаларни тижорат банклари айрим

кўзда тўтилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкасининг пасайиши билан тижорат банкларида Марказий банкдан қўшимча резервларни олиш имкониятлари кенгаяди. Ўз навбатида бу тижорат банкларини резервлардан янги кредитлар бериш билан пул таклифини қўпайтиради. Яна шундай ҳоллар мавжудки, марказий банк ҳисоб ставкасини кўтара бориб, тижорат банклари томонидан қўшимча резервларни олиш йўлидаги тўсиқларни бироз кўтаргандай бўлади ва кредитлар бериш бўйича уларнинг фаолиятни пасайтиради. Яъни, шу йўл билан пул таклифини чеклайди.

Мажбурий резервлар - бу кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир. Улар мижозлар томонидан ўз омонатларини талаб қилиб олганда зарур бўлади. Марказий банк тижорат банкларини ушлаб туришга мажбур бўлган резервларнинг энг қуи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча резервлар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш йўли билан “пулларни барпо этиш” қобилияти паст бўлади.

Очик бозордаги операциялар - марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қимматбаҳо қоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотиш. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қимматбаҳо қоғозларни сотиб олар экан, шу билан тижорат банклари резервларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида қўпайтиради. Бу резервлардан кредит бериб тижорат банклари пул таклифини кенгайтиради. Облигацияларни сотиш салбий натижага олиб келади, яъни марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан резервларни ҳамда тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.

Банкларда яратиладиган янги пулнинг заҳира салмоғига нисбати *пул таклифининг мультиликатори* дейилади ва у қуйидагича аниқланади:

$$МДП = 1 / \text{захира салмоғи} ;$$

Банкларга қўйилган пулнинг асосий қисми нақд бўлмаган пул сифатида сақланади. Турли банкларда нақд пулнинг салмоғи 3% дан 15 % гача тўғри келади. Пул куйган корхоналарга (шахсларга) бериладиган нақд пул заҳира пуллар дейилади.

Масалан, заҳира пуллар салмоғи 10 % га teng бўлсин. У ҳолда банклардаги баланс ҳисоби қўйидагича аниқланади:

Банкларнинг 1 баланс ҳисоби.

Активлар	Пассивлар
захира - 1 млн.сўм	жамғарма - 10 млн.сўм
ссудалар - 9 млн.сўм	жами - 10 млн. сўм
жами -10 млн. сўм.	

Шундай қилиб, пулнинг миқдори 10 млн. сўмдан 19 млн.сўмгacha давом этади. 9 млн. сўм банкларда яратилган пулдир. Бу билан пулни банкларда яратиш тугалланмайди. Пулнинг бундай ҳаракати биринчи қўйилган пулнинг ҳаммаси заҳира сифатида ишлатилгунча давом этади. Демак мисолимизда заҳирадаги ҳар бир сўм 10 сўм пулни яратар экан. Бу ерда пул мультиликатори қўйидагича:

$$МДП = (1 / (1/10)) = 10 ;$$

Кредит берувчи корхоналарнинг фойдаси улар берган маблағларининг (%) фоизидан жамғармага қўйган корхона (шахс) ларнинг (%) фоизини айриб топилади. Банк фойдаси - маржа деб ҳам юритилади.

Кредит тизимига авваллари фақат банклар кирган бўлса, бозор Иқтисоди муносабатларининг ривожланиши билан яна бошқалари ҳам қўшилади.

Кредит тизимини уч гурухга бўлишимиз мумкин:

1. Марказий банк;
2. Тижорат банклари;
3. Махсус банклар ва молия кредит институтлари;

Қисқача хуросалар.

1. Ҳар қандай ишлаб чиқариш тизими фаолият кўрсатиши учун зарур бўладиган ижтимоий ва Иқтисодий муносабатлар пул ёки унинг воситалари ёрдамида амалга оширилади, ўлчанади, баҳоланади. Демак пул маҳсус хусусиятга эга бўлган товар ҳисобланиб, айирбошлишнинг ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Унинг маҳсус хусусияти ликвидлилигидир (яъни тез алмаштириш).
2. Маҳсулотлар бозоридаги каби пул бозорида ҳам пулга бўлган умумий талаб ва таклиф мувозанат нуқтада кесишади. Маҳсулотлар бозорида мувозанат нуқтани нархлар тенглиги, асосласа пул бозорида эса бундай тенгликни фоиз ставкаси билдиради. Умуман пуллар кенг маънодаги ва тор маънодаги пулларга бўлинади. Буларга пул агрегатларини киритиш мақсадга мувофиқдир.
3. Пул инсонларга ўзларининг кундалик эҳтиёжларини қондириш ва жамғариш учун зарур бўлади. Шунинг учун ҳам пулга бўлган умумий талаб битимлар учун пулга талаб ва молиявий активлар учун пулга талаблардан иборат бўлади. Шунингдек умумий пул таклифи нафақат жорий ҳисоблардаги маблағлардан, балки аҳоли кулидаги Нақд пуллардан ҳам Ташкил топади.
4. Пул-кредит тизимининг учта асосий воситасини ажратиб кўрсатиш ўринлидир. Буларга ҳисоб ставкаси, мажбурий резерв нормалари ва очик бозордаги операцияларни киритамиз. Пул мультипликатори, банк мультипликатори, кредит мультипликатори каби кўрсаткичларни ҳисоблаш пул-кредит тизимининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Кредит тизими учта гурухга бўлинади. Яъни, марказий банк, тижорат банклари, маҳсус банклар ва молия институтлари.

Таянч иборалар.

Пул тушунчаси, пул бозори, пулнинг хусусиятлари, пулнинг вазифалари, пулнинг қиймати, пулли хизматлар, пул муомаласи, кредит карточкалари, пул массаси, Нақд пул, Нақд бўлмаган пул, пул агрегатлари, тор маънодаги пуллар, кенг маънодаги пуллар, ликвидли қимматбаҳо қоғозлар, тезкор жамғарма, танга пуллар, қоғоз пуллар, пул бўлмаган ликвид маблағлар, пул талаби ва таклифи,

пулнинг яроклилиги, пулнинг нисбий камлиги, қонуний тўлов воситаси, депозитлар, пул мультиликатори, банк мультиликатори, кредит мультиликатори, омонатлар, депонентлаш коэффициенти, пулнинг айланиш тезлиги, пул заҳираси, пул экспанцияси мультиликатори, банк резервлари, фоиз ставкаси, мажбурий резерв нормаси, очик бозордаги операциялар, кредит, марказтй банк, тиҷоарт банклар, маҳсус банклар, молия институтлари, чек қўйилмалари ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Республикада пул муомаласи қандай тартибда олиб борилади? Пул массаси қандай аниқланади? Пул агрегатларини аниқлай оласизми?
2. Пул таклифи асосида нималар ётади? Пуллар ва чек қўйилмаларини деганда нимани тушунисиз? Банк мультиликатори ва пул мультиликатори қандай аниқланади ҳамда уларнинг бир-биридан фарқи нимада?
3. Пул бозоридаги мувозанат нуқтани нима билдиради? Пул бозорида тенгликга эришилмаси нима бўлиши мумкин? Пул бозорида қандай қилиб тенгликга эришилади?
4. Пул-кредит сиёсатини ким олиб боради ва унинг қандай воситалари мавжуд? қандай қилиб бир сўмни ун сўм қилиш мумкин? Пул таклифининг мультиликатори қандай аниқланади?
5. Кредит нима ва уни беришнинг қандай шартларини биласиз? Кредитни кимлар бера олиши мумкин ва кредит тизимини нечта гурухга бўлишимиз мумкин?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение. 1998

5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Уқитувчи. 1994
8. В.Н.Костыюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета.: 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. - С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хакимова. “Макроиктисодиёт”. - Т.: “Мехнат”. 1997

8-Боб: Бозор иқтисодиётида давлат

- 8.1. Давлатнинг Иқтисодий функциялари ва унинг бозор Иқтисодиёти ривожланишига аралашувининг зарурлиги.
- 8.2. Давлат томонидан юритиладиган макроиктисодий сиёсатларнинг кўринишлари.
- 8.3. Ресурслар ва даромадларни ижтимоий манфаатларни эътиборга олган ҳолда қайта тақсимлаш.
- 8.4. Давлатнинг Иқтисодиётга аралашуви ва унинг ўсиши.

8.1. Давлатнинг Иқтисодий функциялари ва унинг бозор Иқтисодиёти ривожланишига аралашувининг зарурлиги.

Давлатнинг Иқтисодий вазифалари кўп ва турли хилдир. Шунинг учун бизнинг таҳлилимизга асос сифатида давлатнинг қуидаги Иқтисодий фаолиятларини қараб чиқамиз.

Биринчидан, давлатнинг айрим Иқтисодий вазифалари бозор тизими ривожланишини енгиллаштириш ва қўллаб кувватлаш мақсадига эгадир. Бу соҳага давлатнинг қуидаги икки фаолиятини киритишимиз мумкин:

1.Бозор тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ҳуқуқий база ва ижтимоий муҳитни таъминлаш;

2. Рақобатни ҳимоя қилиш;

Иккинчи гурух вазифаларини бажаришда давлат бозор тизими фаолиятини кучайтиради ва турлайди. Бу ерда давлатнинг қўйидаги учта вазифаси асосий аҳамиятга эга.

1. Даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш;

2. Миллий маҳсулот таркибини ўзгартириш мақсадида ресурслар тақсимотини тартибга солиш;

3. Иқтисодиётни барқарорлаштириш, яъни Иқтисодий конъюктуранинг эгилувчанлиги натижасида пайдо бўладиган ишсизлик ва инфляция даражаларини назорат қилиш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш;

Давлат бозор иқтисодиётининг самарали фаолият кўрсатиши учун асос бўладиган айрим хизматларни ва ҳуқуқий базани таъминлаш вазифаларини олади. Ҳуқуқий базаларни таъминлаш асосан хусусий корхоналарга ҳақ-ҳуқуқлар бериш, хусусий мулкчиликни аниқлаш ва шартномаларни бажаришни назорат қилиш ва шунингдек бошқа соҳаларда намоён бўлади.

Бозор иқтисодиётида рақобат асосий тартибга солувчи механизм бўлиб ҳисобланади. Бу ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчиларни ўзига бўйсундирадиган ягона кучdir. Бозор тизимига бўйсунадиган ишлаб чиқарувчилар рақобат натижасида фойда олишни режалаштиради. Кимки бу қонунни бузса зарар кўради ва оқибатда батомом тутатилиши мумкин. Рақобат шароитида истеъмолчи - бу хўжайн, Бозор - уларнинг таъминотчиси (агенти), корхона эса - уларнинг хизматкори ҳисобланади.

Монополиянинг ўсиши бу вазиятни тезда ўзгартиради. Монополия рақобат билан алмашинар экан сотувчилар бозорга таъсир қилиши мумкин ёки ўзларининг манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда нархларни ошириш орқали мамлакатга зарар олиб келади.

Бозор тизими ривожланиши билан мамлакат аҳолиси оладиган даромадлар ва қиласидаган харажатлари ўртасида номутаносибликлар пайдо

бўлади. Бу каби муаммоларни хал қилишда давлат асосий аҳамиятга эгадир. Яъни, давлат жамиятдаги даромадлар номутаносиблигини камайтириш вазифасини бажаради. Бу вазифалар бир нечта сиёсий тадбирлар ва дастурларда ўз ечимини топган. **Биринчидан**, трансферт тўловлари орқали ёрдамга мухтоҷ, бокиманда, ногирон ва ишсизларни нафакалар билан таъминлайди. **Иккинчидан**, давлат бозорга аралашуви орқали даромадлар тақсимланишини ўзгартиради. Фермерларга кафолатланадиган баҳо ва минимал иш хақи тўғрисидаги қонунчилик давлатнинг айрим гуруҳ аҳолиларининг даромадларини тенглаштириш мақсадида баҳони тартибга солиб туришга мисол була олади. Бундан ташқари аҳолидан олинадиган даромад солиқларининг фоизлар бўйича табакаланиши ҳам кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган дастурлардан биридир.

Иқтисодчиларга бозор фаолияти бўзилишининг икки ҳолати маълум.

Биринчидан, керак бўлмаган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда қандай ресурслар бўлишидан катъий назар иқтисодий жиҳатдан фойдалилигини аниқлашда ажратиб кўрсата олмайди. Биринчи ҳолатда ресурсларни тусланиши билан ёки қўшимча самара, иккинчидан эса давлат ёки ижтимоий манфаатга боғлиқ.

Олдинги мавзуларда курдикки рақобатли бозор тизимининг қулийликларидан бири бўлиб ресурсларни самарали тақсимлашлардан иборат экан. Ёки бошқача айтганда, ҳар бир турдаги товар ва хизматларларни ишлаб чиқаришда ресурслар ”тўғри” ёки мақбул тақсимланади. Шу билан бирга рақобатли бозордаги ресурсларнинг самарали тақсимланишида яширинча равишда камчиликлар ҳам мавжуд. Яъни, ҳар хил турдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда қўшимча самара еки товланиш бўлмайди деб ҳисобланади. Товланиш товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ёки исътемол қилиш билан боғлиқ бўлган имконият ва харажатлар учинчи бир томонга яъни бевосита сотувчи ёки сотиб олувчи бўлмаган томонга ўтади. Товланиш шунингдек қўшимча самара деб ҳам юритилади. Чунки, у бозор олди

- сотдисида катнашаётган индивид ёки гурухлар ҳисобига тўғри келадиган имконият ва харажатларни билдиради.

Товланиш харажатлари товарларни ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилишда учинчи бир томондан кутилмаган харажатлар пайдо бўлиши товланиш харажатларини билдиради. Бу харажатларнинг кўпгина қисми атроф мухитнинг ифлосланиши билан боғлиқ. Давлат харажатларининг товланиши натижасида ресурсларнинг номутаносиб тақсимланишини олдини олиш учун қонунлар ва ўзига хос солиқлар қабул қиласи.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ривожланишига аралашувидан асосий мақсади, иқтисодиётга янги демократик усуллар билан раҳбарлик қилиш, барча ҳорижий мамлакатлар билан самарали иқтисодий интеграцияга ўтиш, ИТТ ютуқларидан самарали фойдаланиш асосида ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришидир.

8.2. Давлат томонидан юритиладиган макроиқтисодий сиёсатларнинг кўринишлари

Бозор Иқтисодиёти шароитида давлат мамлакат Иқтисодиётига бевосита аралашади. Давлатнинг мамлакат Иқтисодиётига аралашуви макроиқтисодий сиёсат орқали амалга оширилади. Бу сиёсатларга биз асосан қўйидагиларни киритамиз:

- 1. Бюджет;**
- 2. Пул-кредит;**
- 3. Дотация; Субвенция; Субсидия;**
- 4. Халқ хўжалиги баланси;**
- 5. Солиқ механизми;**
- 6. Чегаралангандар баҳолар ва бошқалар.**

Давлат бюджет харажатларини (давлат харажатлари ва трансферт тўловлари) кўпайтирилиши ёки қисқартирилиши орқали мамлакат Иқтисодиётига аралашади. Давлат томонидан тартибга солишнинг бевосита усуллари ёки бюджет сиёсатига товар ва хизматларнинг давлат хариди, ЯММ

ни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ижтимоий дастурларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш давлат бюджетининг даромадлар ва харжатлар қисмидаги мутаносибликни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларга молиявий ёрдам шаклларини кўрсатиш, нархлар устидан назорат урнатиш, экспорт ва импорт қилинадиган товарларга квоталар урнатиш ва шунингдек мамлакат аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилаётган чора-тадбирлар мажмуасидан иборат. Аввалом бор у мамлакатда пул массасини тартибга солишга каратилган ва унинг асосий вазифаси бўлиб нархлар ва реал миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига мос келадиган пул эммисиясидан иборат. Бу сиёsatнинг асосий воситаси бўлиб, Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ҳисоб ставкасини тартибга солиш, тижорат банкларининг мажбурий равища Марказий Банкда сақлайдиган резерв нормасини ўзгартириш, қимматбаҳо қоғозлар бўйича очик бозордаги операцияларни йўлга қуиши ва шунингдек бошқа тадбирлардан иборат.

Давлат томонидан хўжаликларга кўрсатиладиган молиявий ёрдамлар дотация, субвенция ва субсидия шаклларида олиб борилади.

Дотация - бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlардан қайтариб олмаслик шарти билан хўжаликларнинг заарларини қоплаш, шунингдек маҳаллий бюджетлар мутаносиблигини таъминлаш учун ажратилган пул маблағларидир.

Субвенция - катъий мақсадлар учун бериладиган дотация тури бўлиб, ундан фойдаланиш шарти бузилганда уларни қайтариб олиш мумкин.

Субсидиялар - бу пул еки натура кўринишидаги ёрдам тури бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlардан кўрсатилади. Субсидиялар бевосита ва билвосита бўлиш мумкин. Тўғри субсидиялар капитал қўйилмалар, илмий тадқиқотлар, кадрларни қайта тайёрлашларга ажратилган маблағлар. Эгри субсидиялар солик имтиёзлари, имтиёзли шартларда кредитлар бериш, пасайтирилган божхона божлари ва ҳакозолар.

Бундан ташқари давлат аҳолини давлат трансферлари кўринишида ҳимоя қиласиди.

Баланс - бу икки кисмдан иборат бўлган Иқтисодий ҳисоб-китобдир. Биринчи бўлимда, ресурсларни Ташкил этиш манбалари, иккинчисида улардан фойдаланиш йўллари кўрсатилади. Икки бўлимнинг бир - бирига тенглиги ресурслар ва улар истеъмоли мутаносиблигини билдиради. Баланслар - моддий баланслар, меҳнат баланслари, молиявий балансларга бўлинади. Баланслар яна ҳисобот ва режа балансларига бўлинади.

Баланслар ёрдамида ҳалқ хўжалиги тармоклари, турли хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятлари ҳамда моддий ва молиявий бўлимлар ҳаракати ўртасидаги боғлиқлик таъминланади. Балансларнинг энг асосийларидан бири ҳалқ хўжалиги баланси ҳисобланади. Бу баланс жадваллар тизими бўлиб, унда миллий иқтисодни ривожланиш кўрсаткичлари, ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг ҳажми ва ўсиш суръатлари, жамғариш ва истеъмол фонdlари, ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш, аҳолининг пул даромадлари ва уларни маҳсулотлар билан таъминлаш ва бошқалар ўртасидаги асосий нисбатлар ўрин олади.

Бозор Иқтисодиёти шароитида кўп қиррали соликлар тизимидан фойдаланилади. Аҳоли давлат бюджетига ҳар ойда олган даромадларига қараб даромад солиги тўлайди, корхоналар эса олган фойдасига қараб фойдадан солик тўлайдилар. Шу каби жуда кўп мавжуд солик турларидан окилона ва илмий асосда фойдаланиш орқали давлат солик тизими сиёсатини, солик ставкалари миқдорларини ва имтиёзлари турларини аниқлайди. Ва шу билан бутун мақроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади. Яъни, соликларни ўзгартириш орқали инвестициялар ва жамғармалар рафбатлантирилади.

Давлат бозор тизимининг фаолият кўрсатишида баҳо механизмидан, хусусан чегараланган баҳолардан кенг фойдаланилади. Жумладан чегараланган баҳолар аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида айрим турдаги озик - овкат маҳсулотларига белгиланганди. Чегаралангандан баҳо унинг ҳақиқий қийматларидан бир неча бароварига кам бўлиши мумкин. Давлат чегаралангандан баҳони белгилашда унинг бозор баҳосидан юқори ва кам белгилаши мумкин.

кайд этилган нархлар давлат томонидан тартибга солишининг бевосита усуллари тизимида алохида ўрин тўтади. Бозор тизимида нархлар талаб ва таклифни тартибга соловчи асосий восита ҳисоблансада, бироқ дунёнинг барча мамлакатларида давлат нархларни шакллантириш жараёнига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

8.3. Ресурслар ва даромадларни ижтимоий манфаатларни эътиборга олган ҳолда қайта тақсимлаш

Товар ва хизматларнинг индивидуал истеъмолдаги хусусиятларини қараб чиқадиган бўлсақ, аввалом бор бу товарлар маълум бир миқдорда бўлади. Яъни индивидуал сотиб оловчилар учун қулайдир. Бундан ташқари бу товарларни сотиб оловчилар товар қийматига мос равишда нархларни тўласагина унга эга бўлиши мумкин, аксинча бўлган шароитда эса ушбу товардан олиши мумкин бўлган имкониятга эга бўлмайди.

Айрим турдаги товар ва хизматлар мавжуд, яъни давлат ёки ижтимоий манфаат деб аталадиган товарларни бозор тизими умуман ишлаб чиқаришни мўлжалламаган, чунки уларнинг хусусиятлари индивидуал истеъмолчиларга мўлжалланган товарларнинг хусусиятлари тескаридир. Бундан ташқари ижтимоий манфаатлар бўлинмайди ва уларни индивидуал истеъмолчиларга сотиш мумкин эмас. Масалан, бундай товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга давлат ҳимояси сув тошқинларини тартибга солиш, ҳашоротларга қарши кураш ва бошқалар. Жамият ушбу хизматлардан манфаат олиш учун уларни давлат ишлаб чиқариши керак.

Бундан ташқари шундай хизмат турлари мавжудки, уларга қандайдир миқдорда нарх белгилаш мумкин. Масалан, куча ва автомагистраллар, милиция ва ёнгинга қарши кураш, кутубхона ва музей, профилактик медицина хизматлари ва бошқалар.

Демак, бозор тизимидағи баҳо ижтимоий манфаатларни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга бўлган ресурсларни ажратмас экан, у ҳолда уларни ишлаб чиқариш механизми қандай олиб борилади.

Ушбу товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришга зарур бўладиган ресурслар тақсимоти асосан Давлат орқали гуруҳ ёки жамоа карорларида қабул қилинади. Янада аниқрок айтадиган бўлсак демократик давлатларда сиёсий усул яъни овоз бериш орқали аниқланади. Ижтимоий манфаатлар истеъмолини ҳажми давлат сиёсатини билдиради. Сиёсий ареналарда қабул қилинган бу гуруҳ карорлари уй хўжаликлари ва корхоналарининг бешта фундаментал саволларга берган жавобларига қўшимча бўлиб хизмат қиласи.

Ижтимоий манфаатларининг ишлаб чиқариш учун шахсан индивидуал истеъмолдаги қандай ресурслар қайта тақсимланади. Тўлиқ бандлик шароитида фаолият кўрсатаётган иқтисодиётида давлат олдида ижтимоий манфаатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун индивидуал истеъмолдаги товарларнинг ишлаб чиқаришдан ресурсларни ажратиш муаммоси туради. Оддий усул бўлиб, хусусий тармокдан товарларни ажратиб олиш учун хусусий талабни қисқартирилади. Бунга асосан уй хўжаликлари ва корхоналардан солиқларни олиш орқали эришилади. Уй хўжаликлари ва корхоналар кам даромад олиш натижасида ўзларининг инвеститцион ва истеъмол харажатларини камайтиришади. Қисқача айтганда, солиқлар хусусий истеъмолдаги товар ва хизматларга бўлган талабни қисқартиради, бу ўз навбатида ресурсларга хусусий талабни қисқаришига олиб келади.

Давлат бу солиқларни тақсимлашда ижтимоий манфаатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни эътиборга олади ва шу соҳага маълум бир қисмини йуналтиради.

8.4. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва унинг ўсиши.

Бозор Иқтисодиёти шароитида давлатнинг Иқтисодиётга аралашуви янада ошади. Хусусан, давлат Иқтисодиётга кредит тизими орқали фаол таъсир кўрсата бошлайди. Бунда ссудага бериладиган пул миқдорини ўзгартириш учун фоиз воситасидан фойдаланади. Маълумки, кредит муносабатларида Марказий банклар марказий резерв тизими вазифасини утайди ва улар давлат таъсирида бўлади. Давлат, кредитга бўлган талаб ва таклифни марказий резерв тизими орқали ўзгартиради. Ушбу жараённи уч хил йўл билан амалга оширади.

Биринчидан Давлат марказий резерв тизими орқали банклар маблағининг қарзга бериладиган ва резервда турадиган кисмлари улушини ўзгартиради. Резерв оширилса, кредитга бериладиган маблағ қисқаради ва аксинча, резерв камайтирилса, мазкур маблағ кўпаяди. Натижада қарзга бериладиган пул миқдори ўзгаради, яъни пул кўпайса унинг таклифи ошади, бинобарин фоиз (%) камаяди, аксинча, у қисқарганда, таклиф камаяди, демак фоиз (%) ошади. Фоизнинг камайиши кредитни арzonлаштиради, унга интилишни кучайтиради, олинган қарз эса инвестиция қилиниб, иқтисодий ўсишни таъминлайди. Фоизнинг ошиши кредитни қимматлаштириб, унга бўлган қизиқишни камайтиради, бинобарин инвестиция қисқаради ва натижада Иқтисодий ўсиш камаяди.

Иккинчидан, марказий резерв тизими ўзи бошқа банклардан оладиган фоизларни ўзгартиради. У бошқа банкларга паст фоиз ҳисобидан қарз бериб, уларга молиявий ёрдам кўрсатади. Имтиёзли қарз олиш банкларга қувват берганидан улар кредитлаш ишида фаол катнашиб иқтисодий ўсишга таъсир эта оладилар.

Учинчидан, давлат марказий резерв тизими орқали хазина векселларини (мажбуриятларини) таркатади, ўз заёмларни сотади ёки қимматбаҳо қофозларни сотиб олади. Давлат вексилларни банкларга ёки бошқа молия ташкилотларига сотиш орқали уларнинг маблағини ўз ихтиёрига олиб, қарзга бериладиган пул миқдорини қисқартиради. Векселларни харид этиш орқали эса давлат уларнинг қарз пули миқдорини оширади. Натижада қарзга таклиф этилган пул миқдори ўзгариб фоизга таъсир этади, бинобарин, қарзга олиниб ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган пул миқдори кўпайиб ёки камайиб туриши иқтисодиётга таъсир этмасдан колмайди.

Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифни ўзгартириш борасидаги сиёсати монетар сиёсат деб юритилади. Ушбу сиёсатни уtkазиш орқали давлат иқтисодиётни тартибга солиб туради.

Бундан ташқари давлат антиинфляцион тадбирлар билан ҳам иқтисодиётга аралашади. Яъни, инфляцияни юмшатиш учун иш хақи ва нархларни тутиб туриш “музлатиш” йўлидан фойдаланади.

Иқтисодиётни тартиблаш воситаларидан яна бири бўлиб давлат томонидан иқтисодиёт келажагини олдиндан тахминлаш (прогнозлаш) ва уни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши ҳамда ҳаётга тадбик этиш ҳисобланади. Давлат бюортмасига асосан узок ва қисқа муддатларга мўлжалланган прогнозлар тузилади. Прогнозларда ресурслар, технология, ички бозор ҳажми ва таркиби, экспорт ва импорт, давлат харажатлари, ишлаб чиқариш таркибидаги ўзгаришлар, математик моделлар асосида ҳисоб-китоб қилинади ва иқтисодиётни кайси йўналишда ривожланиши аниқланади.

Қисқача хуросалар.

1. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг Иқтисодиётга аралашувидан энг асосий кўзлаган мақсади мамлакат иқтисодиётини ҳалқаро Иқтисодий ва сиёсий рақобатлардан ҳимоя қилиш, эркин бозор Иқтисодиёти учун Хукуқий база ва ижтимоий муҳитни яратиш, даромадлар ва бойликларни, шунингдек ресурслар тақсимотини қайта тақсимлаш ва макроиқтисодий муаммоларни хал қилишдан иборат.
2. Давлатнинг мамлакат иқтисодиётига аралашуви асосан макроиқтисодий сиёsatлар асосида олиб борилади. Яъни, бюджет, пул-кредит, солиқ, молиявий ёрдамлар, нархларни барқарорлаштириш ва ҳалқ хўжалиги баланслари ёрдамида олиб борилади.
3. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тақсимлайди ва қайта тақсимлайди. Аммо шундай турдаги товар ва хизматлар борки уни ишлаб чиқариш бозор тизимиға батомом тескаридир. Шунинг учун ҳам давлат бундай турдаги товар ва хизматлари ишлаб чиқариш вазифасини ўз зиммасига олади. Бундай товар ва хизматларни биз ижтимоий манфаатларни кўзлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таркибига киритамиз.

4.Бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш давлатнинг иқтисодиётга аралашувини оширади. Хусусан, давлат иқтисодиётга кредит тизими орқали фаол таъсир қўрсата бошлайди. Давлат кредитга бўлган талаб ва таклифни марказий резерв тизими орқали бошқаради. Давлатнинг бу сиёсатини монитар сиёсат деб юритилади.

Таянч иборалар.

Давлатнинг иқтисодий вазифалари, бозор тизими ва унинг самарали фаолияти, хуқуқий база, ижтимоий муҳит, иқтисодий қонунлар, рақобат, соғ ва гирром рақобат, даромад, бойлик, фойда, харажат ва уларни тақсимлаш, миллий маҳсулот, ресурс тақсимоти, барқарорлаштириш, конъюктура, инфраструктура, эгилувчанлик, ишсизлик, инфляция, трансферт тўловлари, рақобатли бозор, товланиш харажатлари, бюджет, солиқ, пул-кредит, дотация, субвенция, субсидий, баланс, солиқ механизми, нарх, таннарх, баҳо механизми, ижтимоий манфаат, кредит тизими, фоиз, имтиёз, қарз, хазина вексиллари ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

- 1.Бозор иқтисодиётида нима учун давлат иқтисодиётга аралashiши зарур? Давлатнинг қандай вазифаларини биласиз? Даромад ва бойлик самараси нимани билдиради?
2. Қандай вазиятларда бозор фаолияти бўзилади? Давлатнинг харажатлари нималардан ташкил топади? Республика ҳукуматининг бозор иқтисодиётига аралашувидан мақсад нима?
3. Макроиқтисодий сиёсатни қандай тушунасиз? Давлатнинг макроиқтисодий сиёсатларини санаб уting?
4. Нима учун ресурслар ва даромадларни ижтимоий манфаатларни эътиборга олиб қайта тақсимлаш зарур? Бозор тизимининг ижтимоий манфаат деб аталувчи маҳсулотларни этиштиришга муносабати қандай?

5. Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви нима учун зарур ва қандай кўринишларга эга?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” -М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М. Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиқтисодиёт асослари”. Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костьюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиқтисодиёт”. - Т.: “Меҳнат”. 1997

9-Боб; Фискал сиёсат.

- 9.1. Дискрецион фискал сиёсат.
- 9.2. Нодискрецион фискал сиёсат.
- 9.3. Муаммо, танқид ва мураккаблашиш.
- 9.4. Очик Иқтисодиётда фискал сиёсат.

9.1. Дискрецион фискал сиёсат.

Давлатнинг фискал ҳаракатлари Иқтисодиётни мувофиқлаштиришда катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун реал миллий ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликни ўзгартириш, инфляция ва Иқтисодий ўсишни назорат қилиш

мақсадида давлат харажатлари ва солиқлар орқали бошқариладиган дискрецион фискал сиёсатни кўриб чиқамиз. Бунинг учун аввалом бор қуйидаги мулоҳазаларни кўриб чиқамиз;

1. Инвестция ва соф экспортнинг соддлаштирилган моделидан фойдаланиш давом этсин;
2. Давлат хариди дастлаб хусусий харажатлар миқдорига хеч қандай таъсир кўрсатмасин;
3. Давлатнинг соф солиқ даромадлари индивидуал солиқларни йиғишдан ташкил топсин;
4. Давлат соф миллий маҳсулот миқдоридан каътий назар йиғилган солиқлар суммасини олсин;
5. Нархлар даражаси доимий бўлсин;
6. Фискал сиёсат макроиқтисодиётда талаб омилларигагина таъсир қилсин, жами таклифга эса умуман таъсир килмасин.

Бу мулоҳазалар бизга давлат харажатлари ва солиқларининг Иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатиш тўғрисида тушунча хосил қилиш имконини беради. Масалан, давлат СММ миқдори қандай бўлишидан каътий назар 20 млрд сўмлик товар ва хизматларни сотиб олишга карор килди дейлик. Хусусий харажатларнинг ошиши каби давлат харажатларининг ошиши ҳам жами харажатлар графигини биссектирисага нисбатан силжишига ва СММ мувозанат миқдорининг ўсишига олиб келади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозимки давлат харажатлари мультиплікатор самараси билан тасдиқланган. Давлат харажатининг 20 млрд сўмга ошиши СММни 80 млрд сўмга ошишига олиб келади. Яъни, мультиплікатор 4 га teng.

Бундан ташқари давлат харажатларининг 20 млрд сўмга ошиши солиқ тушумлари ҳисобидан молиялаштирилмайди. Чунки солиқларнинг ошиши СММ миқдорининг камайишига олиб келади. Бошқача айтганимизда давлат харажатлари бюджет камомади билан қопланиши керак.

Агарда давлат харажатлар миқдорини камайтиrsa жами харажатлар графиги пастга қараб силжийди. Яъни, ҳар қандай шароитда СММ миқдорини

камайтиради. Масалан, давлат харажатлари 20 млрд сўмдан 10 млрд сўмга қисқарса СММ миқдори 40 млрд сўмга камаяди. Мультиликатор самараси 4 га тенг бўлади.

Давлат 20 млрд сўм миқдорида солиқ жорий килсин. Яъни, давлат СММнинг ҳар қандай миқдорида 20 млрд сўмлик солиқ тушимиға эга бўлсин. Бу ўз навбатида солиқларни тўлагандан кейинги даромадлар миқдорига таъсир қиласи. Чунки бу таъсир истеъмол ва жамғариш миқдорининг камайишига олиб келади. Хусусий истеъмол ва хусусий жамғармалар мультиликатори солиқларни тўлагандан кейинги даромадлар миқдори камайишининг қанча қисми истеъмолга ва қанча қисми жамғармага тўғри келишини аниқлаб беради. Яъни, MPC ва MPS лар бўйича ҳисоблаганимизда ҳар қандай миқдордаги СММ дан 20 млрд сўмлик солиқларнинг олиниши истеъмол харажатларини 15 млрд сўмга, жамғармани эса 5 млрд сўмга камайтиради. Бу камайишлар СММ миқдорини 60 млрд сўмга камайишига олиб келади.

Демак солиқларнинг олиниши СММ миқдорига нисбатан солиқларни тўлагандан кейинги даромадлар миқдорининг камайишига олиб келар экан. Бу камайиш ўз навбатида СММ нинг ҳар қандай миқдорида истеъмол ва жамғармалар миқдорининг камайишига олиб келади. Жамғарма ва истеъмоллар камайиши миқдорлари MPC ва MPS лар билан аниқланар экан.

Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорининг бир хил миқдорда ўсиши СММ миқдорининг ўсишига олиб келади. Бизнинг миослимизда G ва Т ларнинг 20 млрд сўмга ошиши СММ миқдорининг 20 млрд сўмга ошишига олиб келган. Бу бизга баланслашган бюджет мультиликаторини тушиниш имонини беради. Давлат харажатларининг ўзгариши солиқ миқдорининг ўзгаришига нисбатан жами харажатлар миқдорига кўпроқ таъсир кўрсатади. Давлат харажатлари жами харажатлар миқдорига бевосита, солиқлар миқдори эса билвосита таъсир кўрсатади.

$$\text{Жами харажатлар} = C + I + X_p + G ;$$



$$\begin{array}{ccccccc}
 T = +20 & \rightarrow & S = -5 & \rightarrow & CMM = -60 & \rightarrow & CMM = +80 \\
 & & & & & & G = \\
 +20 & & & & & & \\
 \hline & & C = 15 & & & &
 \end{array}$$

Бундан қўриниб турибдики баланслашган бюджет мультиликатори бирга teng. Солиқлар миқдоринг 20 млрд сўмга ошиши солиқлар тўлагандан кейинги даромадлар миқдорини 20 млрд сўмга қисқартиради ва истеъмол харажатларини 15 млрд сўм камайишига олиб келади. Ўз навбатида истеъмол харажатларининг 15 млрд сўмга камайиши CMM ни 60 млрд сўмга камайишига олиб келади. Аммо, давлат харажатларининг 20 млрд сўмга ошиши CMM ни 80 млрд сўмга оширади. Демак мос равишда давлат харажатлари ва солиқлар 20 млрд сўмга ошиши CMM ни 20 млрд сўмга ($80-60=20$) оширади.

Фискал сиёсатнинг фундаментал мақсади ишсизлик ёки инфляцияни тутатишидир. Иқтисодиётнинг пасайиш даврида рағбатлантирувчи фискал сиёсат тўғрисида гап кетади. Яъни, у биринчидан давлат харажатларини оширади, иккинчидан солиқларни камайтиради, учинчидан биринчи ва иккинчи йўналишлари бирга кушиб олиб боради. Бошқача айтганимизда баланслашган бюджет бўлса иқтисодиёт инқирозга учраган пайтда фискал сиёсат давлат бюджети камомати йўналишига ҳаракат қиласади.

Тескариси иқтисодиётда керагидан ортиқча талаб инфляциясига жой бўлса бундай шароитга босик фискал сиёсат тўғри келади. Яъни, биринчидан давлат харажатларини камайтириш, иккинчидан солиқларни ошириш ва учинчидан иккаласини бир-бирига кушиб олиб бориш. Агарда Иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат урнатиш муаммоси тўрган бўлса фискал сиёсат давлат бюджетининг ижобий қолдигига йуналтирилган бўлади.

Лекин, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки CMM қиймати нафақат давлат харажатлари ва солиқлар ўртасидаги фарқка боғлиқ, балки бюджетнинг абсолют миқдорига ҳам боғлиқдир.

Давлат бюджетида камомад бўлган шароитда унинг иқтисодиётни рағбатлантириши камомадни рағбатлантиришига боғлиқ. Мамлакат бюджет камомадини икки хил йўл билан молиялаштириш мумкин. Яъни, ахолидан қарз

олиш ҳисобига (фоизли қоғозларни сотиш ҳисобига) ёки кредиторлари томонидан янги пулларни печат қилиши орқали.

Агарда давлат пул бозорига чикса ва у ерга ўзининг қарзларини олиб чикса, у молиявий воситалар учун хусусий тадбиркорлар билан рақобатга киришади. Молиявий воситаларга бўлган бу қўшимча талаб фоиз ставкалари мувозанат нуқтасини оширади. Чунки, олдинги мавзулардан маълумки инвестиция харажатлари фоиз ставкалари билан тескари пропорционалликка эга. Демак, давлат томонидан қарзлар олиш фоиз ставкалари даражасининг ошишига олиб келади. Агарда давлат бюджети камомади янги пулларни чиқариш орқали молиялаштирилса хусусий инвестициялар таъсиридан кўтилиши мумкин. Давлат харажатлари инвестиция ва истеъмолга кучли таъсир килмаган ҳолда ўсиши мумкин. Демак, давлат бюджети камомадини молиялаштиришда янги пулларни чиқариш давлат қарзларини кенгайтиришга нисбатан яхширок усул бўлиб ҳисобланар экан.

9.2. Нодескрецион фискал сиёсат.

Давлат харажатлари ва солиқлар миқдорининг ўзгариши айrim ҳолатларда автоматик равишда амалга оширилади. Буни биз биринчи саволга киритмаган эдик. Чунки СММ нинг ҳар қандай даражасида бир миқдордаги солиқлар олинишини кўриб чиқсан эдик.

Барча турдаги солиқлар ҳам СММ ўсишига мос равишда соф солиқлар тушумини кўпайтиради (соф солиқ умумий солиқлар тушумидан давлат трасферт тўловларини айирмасига teng). СММ миқдорининг ўсиб бориши билан индивидуал даромад солиқлари, корхоналар даромад ва фойда солиқлари, ҚҚС, акцизлар миқдори ошиб боради. Ва аксинча СММ миқдори камайса солиқ тушумлари камаяди. Бу ерда трансферт тўловлари қарама-қарши хусусиятга эга. Чунки Иқтисодий ўсиш шароитида ишсизларга тўланадиган нафакалар, фермерларга бериладиган субсидиялар камаяди ва Иқтисодиёт инқирозга учраётганда эса кўпаяди.


Куйидаги чизма бизга солиқ тизими қандай қилиб барқарорликни оширишини тушуниш имконини беради.

Ушбу графикда давлат харажатлари СММ маҳсулот миқдори қандай бўлишидан каттъий назар давлат томонидан бир хил қилиб белгиланган. Солик тушумлари эса СММ миқдори билан мос равища ўсиб боради.

СММ миқдори ва солик тушумлари ўртасидаги бу тўғри боғлиқлик икки ҳолатда катта аҳамиятга эгадир.

9.1-чизма.

Соф миллий маҳсулот (СММ, млрд сўм)



Биринчидан солиқлар Иқтисодиётнинг потенциал сотиб олиш қобилиятини йўқотиш ҳисобланса, иккинчидан барқарорлик нуқтаи назаридан Иқтисодиёт инфляцияга қараб кетаётган бўлса бундай солик тушумлари миқдорини ошириш лозим. Аксинча, ўсиш даражаси камайган вазиятларда солик тушумларини камайтириш керак.

Урнатилган барқарорликни янада кенгроқ аниқладиган бўлсак Иқтисодиётда Иқтисодий камайиш бўлган шароитда давлат бюджетининг ижобий қолдигини камайтиришга ва инфляция шароитида эса ижобий қолдиқни ошириш (ёки унинг камомадини камайтириш) борасида олиб бориладиган ҳар қандай чора тадбирлардан иборатdir. Юқоридаги чора тадбирлардан кўриниб турибдики солик тизими шахсан ушбу вазифаларни бажаради. СММ миқдори ошганда солик тушумлари қўпаяди. Аксинча, СММ

миқдори камайганда эса солиқ тушумлари ҳам камаяди. Жадвалдан фойдаланган ҳолда шуни айтишимиз мүмкинки, СММ миқдорининг кам миқдори (СММ 3) автоматик равишда рағбатлантирувчи бюджет камомадини пайдо бўлишга чорлайди, инфляция билан боғлиқ бўлган шароитдаги СММ миқдори эса автоматик равишда босик бюджет ортиқчалигининг пайдо бўлишига чорлайди.

Фараз қилайлик, мамлакат тўлиқ бандлик шароитида яъни, балансланган бюджет шароитида фаолият кўрсатади. Йил давомида истеъмол, инвестиция ва соғ экспорт харажатларида қисқариш мавжуд бўлсин ва у СММ камайишига олиб келсин. Давлат ушбу вазиятдан чиқиш тўғрисида бирорта ҳам чора кулламаган бўлсин ва G ва T графикда кўрсатилган вазиятда колсин. Иқтисодиётнинг СММ3 га қараб ҳаракатида солиқ тушумлари камаяди ва давлат харажатларининг ўзгармаган шароитида камомад келиб чиқади. Бу даврий камомад давлатнинг фискал сиёсалари натижасини билдирамайди. Асосий тушунча шундан иборатки бу ерда давлатнинг фискал сиёсати тўғрисида хеч нарсани таъкидлаб бўлмайди.

Иқтисодчилар бу муаммони бюджетга тўлиқ бандлик тушунчасини киритиш орқали хал қилишди.

Соддалаштириб айтсак тўлиқ бандлик шароитида бандлик агарда мамлакат Иқтисодиёти тўлиқ бандлик шароитида фаолият кўрсатганда бюджет ортиқчалиги ёки камомади қандай бўлган булар эди. Тўлиқ бандлик шароитидаги бюджет билан кейинги уттиз йилдаги ҳақиқий бюджет миқдорини солиштириш натижасида иқтисодчилар иккита хусусиятини аниқлашди. Биринчидан ҳақиқий бюджет одатда камомад билан чиқсан бўлса, тўлиқ бандлик шароитидаги бюджет бюджет ортиқчалигига ёки баланслашган бюджетга томон интилган. Иккинчидан, ҳақиқий бюджет камомади ва бюджет тўлиқ бандлик шароитида камоматининг кўплигига эътибор беринг. Мамлакат Иқтисодиёти тўлиқ бандликка эришишга яқинлашганда ёки потенциал ишлаб чиқариш даражасига яқинлашганда ҳақиқий комомадларнинг кўпгина қисми давлат харажатлари ҳисобига тўғри келган. Бу структурали камомад

билдираяптиki, солиқ тушумлари давлат харажатлари миқдоридан Иқтисодиёт түлиқ бандликга эришган шароитда ҳам кам бўлган.

Давлатнинг фискал сиёсатида тўланадиган солиқлар миқдори катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ишлаб чиқариш корхоналари тўлайдиган солиқлар таркибини қараб чиқамиз.

Корхоналар учун қандай манбалардан солиқларни тўлашни билиш лозим. Солиқлар уларнинг тўланадиган манбаларга кура қўйидаги гуруҳларга бўлинади.

- 1) Харажатлари - маҳсулот таннархига киритиладиган солиқлар: ер солиги, автомобил йўллардан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ, траспорт солиги, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ;
- 2) Харажатлари - маҳсулотларни сотишдан тушадиган тушумлар таркибига киридиладиган солиқлар; ккС, акцизлар, экспорт таърифлари;
3. Харажатлари молиявий натижаларга қўшиладаган солиқлар: - фойда солиги, мол-мулк, реклама, атроф-муҳитни тоза сақлаш, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларин сақлаб туриш солиқлари ва бошқалар.
- 4) Харажатлари корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан қопланадиган солиқлар: ҳисоблаш техникаси ва автомобилларни сотиш учун тўланадиган солиқлар, савдо қилиш учун бериладиган лицензиялар йигими, биржа амалга оширган ишлар учун йигимлар, дам олиш ва курорт зоналарида ишлаб чиқариш объектларини кўриш учун тўланадиган солиқлар ва бошқалар.

9.3. Муаммо, танқид ва мураккаблашиш.

Қоғоздаги фискал сиёсат билан амалдаги фискал сиёсат ўртасида катта фарқ бор. Шунинг учун фискал сиёсатни амалга оширишда тускинлик қиласидиган айrim муаммоларга тўхталиб утмокчимиз.

Фискал сиёсатни амалга ошириш айrim вақт муаммоларини хал қилишни талаб қиласиди.

- 1) Вақтинчалик босиб ўтилган йўлни аниқлаш - бу асосан иқтисодиётда ишлаб чиқариш пасайишига кетиш олдидаги ёки инфляция олдидаги қисқа вақт

ҳисобланади. Бу вақтда иқтисодиётнинг келажакдаги ривожланиши тўғрисида аниқ бир фикр айтиш қийин. Иқтисодий прогнозлаштириш Иқтисодий ривожланиши тўғрисида маълум бир йўл-йурик кўрсатса ҳам, иқтисодиёт тўрт ёки олти ойлик камайишни ёки инфляцияни босиб утган бўлади.

- 2) Маъмурий сусткашлик.** Одатда Ҳукумат томонидан иқтисодиётни тургунликдан олиб чиқиш учун қабул қилинадиган фискал сиёсат анча вақт уtkазib қабул қилинади. Бу вақтда эса Иқтисодий вазият ўзгаради ва қабул қилинган чора-тадбирлар умуман керак бўлмай қолади.
- 3) Вазифавий кечиқиши. Шунингдек ҳукуматнинг қабул килган тадбирлари ишлаб чиқишга жорий килгунча анча вақт утиб кетади.

Мамлакат фискал сиёсати сиёсий аренада Ташкил топади ва бу Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун фойдаланишда қийинчиликларга олиб келади.

1. Бошқа мақсадлар. Харажатлар ва солиқ тизими иқтисодий барқарорликка эришишда ягона давлат сиёсати бўлиб ҳисобланмайди. Шунингдек давлат умумий истеъмол ва даромадларни қайта тақсимлаш ва бошқа жараёнларни товар ва хизматлар билан таъминлаш муаммоларини хал қилиш каби вазифаларни ҳам бажариши керак.
2. Рағбатлантирувчи чора-тадбирларга қизиқиши. Бюджет камомади сиёсий жиҳатдан маълум бир миқдорда қўллаб-қувватланса, бюджет ортиқчалиги эса катта муаммо ҳисобланади. Сиёсий жиҳатдан солиқларни камайтириш ва харажатларни ошириш кенг тарқалган тадбир ҳисобланади. Солиқларни ошириш ахоли нароziлигига олиб келса, харажатларни камайтириш сиёсий жиҳатдан анча хавфлидир.
3. Сиёсий сабабларга кўра бир-бири билан боғланган давра. Айrim иқтисодчилар ҳисоблашадики қўпгина сиёсий кучларнинг асосий мақсади мамлакат Иқтисодиётини кўтариш эмас, балки ҳукуматга сайланиш, яъни мансаб эгаллашдан иборатдир. Шунинг учун кўпгина иқтисодчилар сиёсий сабабларга кўра бир-бири билан боғланган ишchan давра тушунчасини киритишган. Яъни, уларнинг фикрича сиёсатчилар ўзларининг сайловчиларини

максимум қўллаб қувватлаш мақсадида иш олиб боришади. Бундай вазиятда фискал сиёсат иқтисодиётни издан чиқаришини билса ҳам хийла-найранглар ишлатишга ҳаракат қилишади. Демак, бундан келиб чиқсан ҳолда шундай хуносага келишимиз ҳам мумкинки фискал сиёсат иқтисодий тебранишлар сабабчиси ҳам бўлиши мумкин экан.

Ўрин алмашиш самараси. Ўрин алмашиш самараси моҳияти шундан иборатки, рағбатлантирувчи (камомадли) фискал сиёсат фоиз ставкалари ўсиши ва инвестицион харажатлар камайишига мойиллик яратади. Масалан, Иқтисодиёт камайиш жараёнида ва давлат фискал сиёсат тариқасида давлат харажатлари миқдорини оширади. Давлат пул бозорига камомадни молиялаштириш мақсадида чиқади. Чунки, харажатлар фоиз ставкаси билан тескари боғлиқликка эга. Демак, айрим инвестициялар қабул қилинмайди. Агарда инвестициялар давлат харажатларининг усган қисми миқдорида камайса фискал сиёсат самарасиз бўлган булар эди.

9.4. Очик иқтисодиётда фискал сиёсат.

Хозирги шароитгача бизнинг мулоҳазаларимиз ёпик Иқтисодиёт шароитида олиб бориладиган фискал сиёсат тўғрисида чекланган эди. Агарда мамлакат жаҳон иқтисодиётининг бир қисмини Ташкил қилса, яъни, очик Иқтисодиёт шароитида фаолият қўрсатаётган бўлса қўшимча қийинчиликлар келиб чиқади.

Олдинги мулоҳазаларимиздан маълумки, чет мамлакатларда руй берайтган ходисалар ва улар томонидан қабул қилинаётган сиёсий тадбирлар мамлакат экспортига ва Иқтисодиётига таъсир қиласи. Буни биз бугунги таҳлилимида ифода килар эканмиз, яъни ялпи талабнинг ҳалқаро зарбасига дучор бўлишимиз мумкин, чунки у бизнинг (СММ) ни қисқартириш ва фискал сиёсатимиз тадбирларини кадрсизлантириши мумкин. Масалан, тахмин қилайлик бизни республикамида ишлаб чиқаришни пасайишини кутаяпмиз ва давлат харажатлари ва солиқларини миқдорини шу даражагача қисқартиридикки, яъни ялпи талабни ўсишини таъминлашга етарлидир. Энди фараз қилайлик, бизни асосий савдо ҳамкоримиз бўлган давлатлар иқтисодиёти

кўтилмаганда ва тезлик билан ўсиб бошлайди. Таъминланганлик даражасининг ошиши ва даромадларининг ўсиши бу мамлакатларда бизни республикамиздан товарларни сотиб олишнинг ўсишига олиб келади. Бизнинг соф экспортимиз усади. Ялпи талаб нихоятда тез усади ва биз талаб инфляцияси муаммоси олдида турибмиз. Агар биз олдиндан билган бўлсак, яъни бизни соф экспортимиз шунчалик ўсишини биз рағбатлантирадиган қулай фискал сиёsat юритган булар эдик.

Соф экспорт самараси, фискал сиёsat самарадорлигини ҳалқаро савдо орқали барбод қилишга ҳаракат қиласди. Биз ўрин алмашиш самарасини карашни тугатдик ва рағбатлантирувчи фискал сиёsat орқали фоиз ставкаларини ошиши мумкинлиги хақида хulosага келдик, яъни инвестицияни қискаришига олиб келади шундай экан фискал сиёsatни бекорга чиқаради. Энди биз ишонишимиз керакки, фоиз ставкаларини ўсиши бизни соф экспортга қандай таъсир қиласди. Кейин фараз қилайлик, биз рағбатлантирувчи фискал сиёsat олиб бораяпмиз, яъни иқтисодиётга юқори ставкали фоиз олиб келади. Бундай фоиз ставкалари четдан молиявий капиталларни жалб қиласди. Четдан келган молиявий инвесторлар четдан қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишдан олдин, ўзининг ҳисобида уша мамлакатнинг валютасига (мос, республикамизнинг сўми) эга бўлиши керак.

Биз биламизки, товарга талабни ошиши ҳозирги шароитда сўм баҳосининг ошишига олиб келади. Шундай қилиб, сўмни нархи бошқа валютага тенглаштирилган нархда ошади, бошқача айтганда сўм қимматлашяпти.

Соф экспортни фискал сиёsatга таъсири олдинги саволларда кўриб утганимиздек вақт омили, Иқтисодий муаммо, инфляция ва ўрин алмашишлар билан мос равишда амалга ошади ва ялпи талабни нихоятда қийинлаштиради.

Кейинги жадвалда фискал сиёsatга соф экспортнинг таъсири икки йўналиш бўйича берилган. Ушбу жадвалда соф экспортга таъсир икки йўналишда ҳам руй беради. Яъни, ички фоиз ставкасини камайтириш, босик фискал сиёsat, соф экспорт миқдорини ўсишига имконият яратади.

Фискал сиёсат ва уни соф экспортга таъсири

1) Рағбатлантирувчи фискал сиёсат.	2) Босик фискал сиёсат.
<p>Муаммо: инқироз, секин ўсиш.</p> <p>Рағбатлантирувчи фискал сиёсат.</p> <p>Энг катта ички фоиз ставкаси.</p> <p>Сўмга ташқи талабни ошиши.</p> <p>Сўмни қимматлашуви.</p> <p>Соф экспортни камайиши, (рағбатлантирувчи фискал сиёсатни қисман қарама-қаршилигидан ялпи талаб камаяди).</p>	<p>Муаммо: инфляция.</p> <p>Босик фискал сиёсат.</p> <p>Энг кичик ички фоиз ставкаси.</p> <p>Сўмга ташқи талабни камайиши.</p> <p>Сўмни арzonлашуви.</p> <p>Соф экспортни кўпайиши (босик фискал сиёсатни қарама-қаршилигидан қисман ялпи талаб ўсади).</p>

Қисқача хуносалар.

- Давлатнинг фискал сиёсатлари иқтисодиётни мувофиқлаштиришда хал килувчи сиёсатлардан бири ҳисобланади. Фискал сиёсатлар дискрецион ва нодескрецион сиёсатларга бўлинар экан. Бу сиёсатларни олиб бориш ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишсизлик ва инфляцияни камайтириш, Иқтисодий ўсишга эришиш йўлларини излаб топишда асосий омил бўлиб ҳисобланади.
- Фискал сиёсат асосан давлат харажатлари миқдорини ошириш орқали СММ миқдорини кўпайтириш ва солиқлар ҳажмини ошириш орқали эса СММ миқдорини камайтириш, шунингдек ушбу усусларни баровар олиб бориш натижасида СММ миқдорини оширишга эришиш йўлларини кўрсатади. Бу ерда асосан мультиплікатор самарасига асосланилади.
- Фискал сиёсатлар босик ва рағбатлантирувчи фискал сиёсатларга бўлинар экан. Рағбатлантирувчи фискал сиёсат иқтисодиётнинг пасайиш даврида олиб борилса, босик фискал сиёсат иқтисодиётда керагидан ортиқча талаб инфляциясига жой бўлган шароитда олиб борилади.
- Умуман олганда қофоздаги фискал сиёсат билан амалдаги фискал сиёсат ўртасида катта фарқ мавжуд. Шунинг учун фискал сиёсатни олиб боришда

тускинлик қиласынан мұаммолар, яғни вактингчалик босиб үтилған йүлни аниқлаш, маъмурый сұсткашлық, вазифавий кечикиш, үзға мақсадларни құзлаш, рағбатлантирувчи чора-тадбирлар, айрим сабабларга кура бир-бири билан боғланған давра ва бошқа жиҳатларига тұхталиб үтилади.

5. Очик иқтисодиётда олиб бориладын фискал сиёсат ёпик иқтисодиётдеги фискал сиёсатдан тубдан фарқ килар экан.

Таянч иборалар.

Фискал сиёсат, дискрецион ва нодескрецион фискал сиёсат, давлат харажатлари, солиқлар, инвестиция ва соф экспорт, хусусий харажатлар, соф солиқ даромадлари, нархлар даражаси, талаб омиллари, мультипликатор самараси, MPC, MPS, фискал сиёсатнинг фундаментал мақсади, ишсизлик, инфляция, давлат қарзи, нафакалар, камомат, ортиқчалик, бюджет ортиқчалиги ва бюджет камомати, вактингчалик босиб үтилған йүлни аниқлаш, маъмурый сұсткашлық, вазифавий кечикиш, бошқа мақсадлар, рағбатлантирувчи чора-тадбирлар, сиёсий аrena, сиёсий сабабларга құра боғланған давра, үрин алмаштириш смараси, ёпик иқтисодиёт, очик иқтисодиёт, очик иқтисодиётда фискал сиёсат, соф экспорт самараси, фоиз ставкаси ва бошқалар.

Назорот ва мұлоҳаза саволлари.

1. Фискал сиёсатнинг мөхияти ва унинг воситалари. Давлат харажатлари, солиқ мультипликатори. Баланслашған бюджет мультипликатори.
2. Бюджет такчиллигі ва ортиқчалиғи, уларни тутатыш усуллари қандай олиб борилади?
3. Фискал сиёсатнинг жами таклифга таъсир қилиш усулларини аниқланг.
4. Очик иқтисодиёт билан ёпик иқтисодиётдеги фискал сиёсатларнинг фарқини түшинтириңг.
5. Давлат харажатлари мультипликатори, давлат транспорт түловлари мультипликатори, солиқ мультипликатори, бюджет экспансияси сиёсати, бюджет камомати ва түлиқ бандлик шароитидаги бюджет тушунчаларини изохлаб беринг.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоинструмент.: 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М. Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костыюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиктисодиёт”. -Т.: “Меҳнат”. 1997

10-Боб; Пул-кредит сиёсати ва банк тизими.

- 10.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва турлари.
- 10.2. Давлат ўзининг пул-кредит сиёсатида нималарга асосланади.
- 10.3. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари.
- 10.4. Жаҳон банк тизими ривожидаги йўналишлар.

10.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари ва турлари.

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляцияни таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш тушинилади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат, мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга такдим этади.

Хозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солища очик бозорда операцияларни, яъни давлат қимматбаҳо қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмокда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфӯзи катта банклар грухи билан биргаликда амалга оширади. Бозорда Марказий банк хазина қимматбаҳо қоғозларини сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этади, яъни пул бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди.

Пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд деб фараз қиласиз. Табиийки Марказий банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қиласи. Бунинг учун, у очик бозорда ўзининг қимматли қоғозларини аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид кила бошлайдилар. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳоси пасаяди, ўз навбатида унга бўлган фоиз (яъни, қимматбаҳо қоғозларини сотиб олганларга фоиз шаклида хак тўланади) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қимматли қоғозларини кўпроқ харид кила бошлайдилар, пировард натижада банкларнинг заҳираларини қисқаради, ўз навбатида бу хол пул

таклифини банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига олиб келади. Бу банк заҳира ва пул таклифининг ортишига олиб келади.

Пул - кредит сиёсатини амалга оширишнинг яна бир воситаси, бу ҳисоб-китоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб-китоб ставкасини Марказий банк белгилайди. Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари қўпроқ кредит олишга ҳаракат қиласидилар. Бунинг натижасида банкларнинг ортиқча банк заҳиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси микдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси микдори юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиласидилар, пировард натижада, ортиқча банк заҳиралари қисқаради, бунинг натижасида эса муомаладаги пул микдори камаяди.

Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очик бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришига ҳаракат қиласидилар.

Пул кредит сиёсатининг воситаларидан яна бири бу мажбурий банк заҳира меъёрини ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий банк заҳира меъёрини Марказий банк белгилайди ва уни ўзгартириб туради. Агар Марказий банк мажбурий банк заҳирасини камайтиrsa, ортиқча банк заҳиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади. Масалан, ушбу меъёр 25 % бўлса, унда банкка қўйилган 800 сўмдан 200 сўм мажбурий банк меъёрини Ташкил этади. Бунда банк фақат 600 сўмни қарзга бериш мумкин бўлади. Энди фараз қилайлик меъёр 10 % га туширилади, унда банк 720 сўмни қарзга бериш имкониятига эга бўлади.

Мажбурий банк заҳира меъёрини кўтариш ёрдамида давлат пул таклифини камайтиради. Зеро бу банкларнинг ортиқча банк заҳираларининг қисқаришига олиб келади. Пул-кредит сиёсатини утказишда бу восита бутун банк тизимини асосларига таъсир этади. Шунинг учун у қўпчилик мамлакатларда ута зарур бўлгандагина кулланилади.

Хуш пул-кредит сиёсатларининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати ЯММ, бандлик ва баҳолар

даражасига бевосита таъсир кўрсатади, фараз қиламизки, Иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармокда ва ишсизлар сони ортиб бормокда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини оширишга, биз юқорида кўриб чиқкан воситалар ёрдамида амалга оширишга ҳаракат қиласди. Бунинг натижасида пул таклифи ўсади, фоиз ставкаси эса камаяди. Бу эса инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида ЯММ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг оркага кетиши тўхтайди, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул-кредит сиёсатининг оқибати тўғрисида гапирганда қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини фарқлаш керак. Агарда қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини ошириш ва бунинг натижасида ЯММ миқдорини ўсишини рағбатлантирган бўлса, бу билан у маълум даражада самарадорликка эришган бўлса, узоқ муддатли даврда эса бу чораларнинг самарадорлиги пасаяди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, пул-кредит сиёсати асосида яхлит иқтисодиётга пул-кредайт сиёсатининг таъсир жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади. Ушбу назария икки хил ёндошувчи Иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тортишувлврга сабаб бўлиб келмокда. Булар такомиллашибтирилган кейнсиан назария ва замоновий пул миқдори назарияси. Ушбу икки назария тарафдорлари ҳам пул таклифини номинал ЯММ га таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирининг аҳамиятига хар хил баҳо берадилар. Кейнсчилар фикрича монетар сиёсат асосига фоиз ставкаси даражаси асос қилиб олиниши зарур, монетаристлар фикрича эса пул таклифининг даражаси асос қилиб олинган. Кейнсчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблашадилар, монетаристлар эса уни ортиқча деб ҳисоблайдилар.

Кейнсчилар пул таклифини ЯММ га таъсирини қўйидаги кетма-кетликда амалга ошади деб ҳисоблашади; пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришини, у эса ўз навбатида инвестицияларга бўлган талабни ўзгариши

орқали ЯММ га таъсир этади. Монетаристлар эса бу борада шундай дейдилар; пул миқдорининг ўзгариши билан ЯММ ўзгариши ўртасида яқинрок алоқа мавжуд; яъни пул миқдорининг ўзгариши бевосита ЯММ ўзгаришига олиб келади.

Кейнсчиларнинг асосий тенгламаси қўйидагича;

$$\text{ЯММ} = C + I + Q + NX ;$$

Бу ерда, С - аҳоли истеъмол харажатлари; I - инвестициялар; Q - давлатнинг товар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари; NX - соф экспорт.

Монетаристлар $M \times V = P \times Q$ тенгламага асосланадилар. Агар $P \times Q = \text{ЯММ}$ бўлса, унда тенгламани қўйидагича ёзиш мумкин бўлади; $M = \text{ЯММ} / V$; Бу ерда, M - пул таклифи; V - пулнинг айланиш тезлиги ёки айланишлар сони; P - товар ва хизматларнинг ўртача баҳоси; Q - сотилган товарлар сони.

Бунда монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор деб ҳисоблайдилар, кейнсчилар эса аксинча нобарқарор дейдилар.

Хозирда мавжуд бўлган монетаристик сиёсатнинг моделлари бу икки ёндошувнинг синтез қилинган вариантидир. Яъни, бу ёндошувларнинг ижобий жиҳатларини кушиб ўзида акс эттирган монетаристик сиёсатнинг вариантидир. Узоқ муддатли даврда монетаристик ёндошув кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга қисқа муддатли даврларда эса давлат фоиз ставкасига таъсир этишдан воз кечмайди.

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг қўйидаги йўналишлари мавжуд;

- давлат томонидан пул массасини олдиндан билиш, уни доимий назорат қилиш;
- Марказий банк томонидан тижорат банкларининг операцияларини пул билан таъминлаш, бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобида кредит бериши назарда тўтилади, бу эса ўз навбатида Марказий банк томонидан, умуман пул муомаласи соҳасини назорат қилишга имкон беради;
- кредит ва бюджет тизимлари ўртасида ўзаро муносабатлар воситасини такомиллаштириш, кредит бериш, бюджет камомади шароитида пул чиқариш

ҳисобига эмас, балки давлатнинг қимматбаҳо қофозларини сотиш ҳисобига қоплаши зарур.

10.2. Давлат ўзининг пул-кредит сиёсатида нималарга асосланади.

Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифи ўзгариши борасидаги сиёсатини монетар сиёсат деб юритилади. Бу сиёсат монетаризм назариясига асосланади. Унинг бош гояси-иктисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул, деган хulosадан иборат. Пулга булган талаб ва таклифни қуидаги боғланиш ёрдамида ўзгартериб турилиши тавсия этилади.

$$M \times V = P \times Q$$

Бу тенглик бозор Иктиносидётидаги энг муҳим мувозанат бўлиб, унга асосланиб қуидаги боғланишларни аниқлаш мумкин :

- Бозордаги баҳо пул массаси билан бозорга чиқарилган товар ва хизматлар қийматига боғлик .

$$P^* = M \times V / P \times Q ;$$

Яъни, пул массаси бозорга чиқарилган товар ва хизматларнинг бозордаги баҳосини белгилайди. Агар:

1. $P^* > 1$ бўлса, пул талабга нисбатан кўп бўлади;

2. $P^* < 1$ бўлса, пул талабга нисбатан кам бўлади;

3. $P^* = 1$ бўлса, пул массаси билан товар ва хизматлар массаси тенглашади, яъни бозор мувозанатлашади.

Биринчи ҳолда нарх ошган бўлади ва пул қадри пасаяди, иккинчи ҳолда эса аксинча, пул массаси камайган бўлади ва тўлов кризиси юзага келади.

- муомалада бўлиши зарур бўлган пул массаси товар ва хизматлар массаси билан пул ҳаракати-пул оборот тизимига боғлик;

$$M = P \times Q / V ;$$

Муомала учун зарур бўлган пул массасини давлат ўзи белгилаган курс бўйича олтинга мувофиқлаштирилган ҳолда муомалага чиқаради ва шу давлат доирасида ҳаракат қиласи. Муомалада товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши инфляцияни билдиради. Пул кадрсизланганда

муомаладаги пул кўпайиб унга нисбатан товар ва хизматлар камайиб кетади. Пул бирлигининг харид кучи унга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдоридан камаяди, унинг натижасида уларнинг баҳоси ўсади. Бу эса ўз навбатида пулнинг валюта курсини пасайтиради, чунки унга нисбатан бошқа валютага кўпроқ товар сотиб олиш мумкин бўлади.

Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини жорий қилиб уни кўпайтириб муомалага ташлаши мумкин. Лекин уни товар ва хизматлар массаси билан таъминлай олмайди. Бунинг натижасида пул инфляцияси кучайиб боради. Демак, қоғоз пуллар олтинга, чет эл валютасига нисбатан кадрсизланади. Бинобарин пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига, нархга, пул обороти тизимиға боғлиқ бўлиб унга нисбатан давлат жиддий ёндошади. Иқтисодиётни тартиблаш учун муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб уни нормал ҳолга келтириб туради. Бу ишни Марказий банк амалга оширади. Монетаристлар Иқтисодиётга амалий жиҳатдан ёндошиб пул массасини 3 - 5 фоиз оширишни тавсия этишади.

Агар молия барча хўжалик субъектларини ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларни англатса, кредит, ўзга мулки бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсири ҳисобланади.

Кредит деганда вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум (худуд) муддатга хак тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқсан муносабатларни тушуниш керакдир. Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида юзага келади; бири пул эгаси, яъни қарз берувчи, иккинчиси пулга мухтож, яъни қарз оловчи.

Қарз берувчи қарздорга айланиши ва бунинг акси ҳам рўй беради. Айни бир субъект бир вақтнинг ўзида ҳам қарз берувчи ҳам қарз оловчи бўлиши мумкин. Масалан, банк аслида пул эгаси билан қарз оловчи ўртасида воситачи, айни вақтда унинг ўзи буш пулни қарзга олади ва сўнгра уни бошқаларга қарзга беради.

Кредит субъектлари ҳар хил, буларга корхона, фирма, ташкилот, муассаса, давлат ва турли тоифа аҳоли киради. Кредит обьекти ҳар қандай пул эмас, балки вақтинча буш тўрган эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир. Буш пул уч хил бўлади:

- 1) Тадбиркорлар ёки катта пулдорлар кулидаги пул, яъни пул капитали;
- 2) Аҳоли кулидаги пул - эртами кечми эҳтиёжни қондириш учун тупланган пул, эгаси кулида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси;
- 3) Давлат ихтиёридаги пул. Бу ҳам пул капитали (Давлат корхонаси учун) ҳам умумий истеъмол пулдир.

Хуллас, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг нотекист бўлиши, бир кисм пулнинг буш колиб, қарз фондига айланиши учун имкон бўлади. Албатта, бу ходиса буш пулнинг таклифини билдиради. Аммо, кредит пайдо бўлиши учун пулга талаб ҳам бўлиши зарурдир. Бу талабни иқтисодиётнинг ўзи юзага чиқаради.

10.3. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги вазифалари.

Молия бозоридаги операциялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Бундай муссасаларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, сугурта компаниялари, инвестиция фондлари, агентликлар киради.

“Банк” тушунчasi кадимий французча *bang* ва *banca* сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “сарроф курсиси, дукони” деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил мukaddam фаолият кўрсатган банкирлар хақидаги маълумотларида ҳам мавжуд.

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк Иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат килувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи Ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунида банк нима деган саволга қуйидагича жавоб топиш мумкин:

Банк - тижорат Ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмuinи амалга оширадиган юридик шахсдир.

Ўзбекистондаги банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик коммерция банклари ва хусусий банклардан иборатdir.

Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор - юрак, пул билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳамма пул тўловлари (трансферлар) банклар орқали ўтади. Банклар куйидаги ишларни амалга оширади:

- пул ва қимматбаҳо буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради;
- пул билан бўладиган ҳисоб-китоб опрецияларини, хусусан пул тўлаш ишларини бажаради;
- чет эл валютасини сотади ва сотиб олади;
- ўз кулидаги пулни қайтаришлиқ, фоизлик ва муддатлик шарти билан унга (мухтожларга) қарз (ссуда)га беради, яъни кредит билан шугулланади;
- ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа сахога жойлаштиради;
- бизнес юзасидан маслаҳат беради ва хоказо.

Банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади.

Молия ва кредит операцияларининг асосий қисмини камраб оладиган кредит тизимининг хал килувчи бугини банк тизимиdir. Банклар жуда кадимий ва анча кенг тарқалган кредит муассасалари гурухи бўлиб, улар кредит-молия хизматларининг аксариятини бажаради ҳамда моҳиятига кўра кенг соҳали муассаса ҳисобланади. Банкларнинг анъанавий операциялари тўпланиб қолган маблағларни хак тўлаш, муддатлилик, қайтариш шарти билан ссудага жалб қилиш, шунингдек ҳисоб-китобларни амалга оширишдан иборат.

Халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоги каби кредит тизими ҳам таркибий қисмларни, боскичма-боскич пастдан юқорига томон тузилишини ташкил этишга, яъни марказий бошқарув бугини ва қуи (иш бажарувчи) органларни ажратишга эҳтиёж сезди. қуи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бошқарув органи кредит муассасаларининг

фаолият кўрсатишини назоратга олиши, улар ишини таҳлил қилиши ҳамда кредит тизими тухтовсиз ва пишик-пухта ишлаши учун мавжуд таъсир этиш дастаклари орқали тизим фаолиятини керакли изга солиши, ҳалқ оборотига кредит - ҳисоби самарадорлигини таъминланиши, кредит операцияларининг ҳажми асосиз равишда кенгайиб ёки камайиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Марказий Банкнинг монополлик мавқеи унинг мамлакатдаги пул ва пировард натижада иқтисодий барқарорлик учун алоҳида жавобгар эканлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, Марказий банк айни пайтда бошқа, жумладан, банкларнинг банки, давлат банки, миллий олтин-валюта заҳираларини бошқарувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Марказий банк ўзининг бутун фаолиятини зиммасида турган вазифаларни сифатли ва самарали адо этадиган даражада уюштиради. Умумий пул хўжалик айланмасида Марказий банкнинг монополлик мавқеи унга пул муомаласини назоратида сақлаб туришга имкон беради, пул миқдори назоратсиз кўпаймаса, унинг харид қобилияти ҳам пасайиб кетмайди.

Бундан ташқари, тижорат банклари Марказий банкда ўз қисқа муддатли ва ўрта муддатли мажбуриятларидан муайян фоиз ҳажмида энг кам захира деб юритиладиган фоизсиз омонатларни сақлашга мажбур.

Марказий банк Нақдсиз тўлов айланмасини техник тарзда бажариш учун соф банк хизматларини тақдим этади. Банклар бу хизматлардан иқтисодиётнинг турли субъектлари ўртасида тўлов айланмасини йўлга қўйиш учун фойдаланади.

Марказий банк банклар фаолиятини назорат қилишда ўзининг минтакавий бўлинмалари орқали кредит муассасаларидан мажбурий равишида ахборот, ойлик ҳисбот ва йиллик якуний баланс маълумотларини тақдим этиши асосида қатнашади.

Кредит муассасаларининг бўйсунишига қараб банк қонунчилиги ҳамда кредит тизимининг пастдан юқорига томон таркибий тузилишига мувофиқ тарзда банк тизимини икки асосий: бир боскичли ва икки боскичли турга ажратиш мумкин.

В) Бу тизим банклар ўртасида ёnlама алоқа бўлишини, уларнинг операциялари ва адо этадиган вазифаларини универсаллашни кўзда тўтади. Бир боскичли банк тизими доирасида барча кредит муассасалари, жумладан, Марказий банк ҳам, ягона боскичда туради ҳамда мижозларга кредит - ҳисоб хизмати кўрсатишида бир хил вазифаларни бажаради. Тузилишнинг бундай тамойили асосан иқтисоди суст ривожланган мамлакатларга, шунингдек бошқарувнинг тоталитар, маъмурий буйруқбозлик тартиблари хукм сураётган мамлакатларга ҳам хос.

Ўзбекистонда банк тизимини қайта кўриш мустақил давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири булди. Юқорида кайд этилганидек, хўжалик механизмини бир маромда фаолият юритишини барқарор ишлайдиган банклар миллий тизимини таказо этади. Бундай тизим эмиссия банки ва тижорат банклари тармогини ўз ичига олади. Мустақиллик кулга киритилгунга кадар Ўзбекистон худудидаги банк муассасалари СССР банк тизимининг таркибий қисмига мансуб эди. Бу банклар бозор қоидалари асосида ишлайдиган банклар миллий тизимини тақдим эта олмасди. Шундай қилиб, мустақиллик кулга киритилгач, Ўзбекистон Республикасида банкларни ислоҳ қилиш муаммоси уша пайтда ишлаб тўрган банкларни шунчаки қайта кўриш ва қайта ташкил этишдангина иборат бўлмай, балки сифат жиҳатидан бутунлай янги банк тизимининг туб асосларини яратиш ва кўриш заруратини тугдирар эди.

С) Мазкур тизим банклар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг икки: буйига (вертикаль) ва энига (горизонталь) йўналишда тузилишига асосланади. Вертикал - раҳбарлик килувчи, бошқарувчи марказ ҳисобланган Марказий банк билан қуи бугинлар - тижорат ва ихтисослашган банклар ўртасидаги бўйсуниш муносабатлари, горизонталь-турли қуи бугинлар ўртасидаги тенг Хукуқли шериклик муносабатлари тушинилади. Марказий банк фақат мижозларнинг икки тоифаси - тижорат ва ихтисослашган банклар ҳамда давлат тузилмалари учун том маънода Марказий банк бўлиб қолади, бинобарин, банклар банки ва кредит - молия хизматлари бозорини тартибга солиб туриш

ҳамда фаолият кўрсатишини назорат қилиш мақсадида банк муассасалари ишини бошқариш вазифаси устунрок мавқеига эга.

Ўзбекистон тижорат банкларининг ривожланишида банк соҳасини монополиядан чиқаришга интилиш кўзатилди. Дастребки боскичда бу хол асосан иқтисодиётнинг алохидатармокларига хизмат қиладиган банклар Ташкил этишда намоён булди. 1995 йилда акциядорлик тижорат “Алоқабанк”, Акциядорлик тижорат “Тошсаноатуйжойбанк”, Ўзбекистон акциядорлик тижорат инвестиция банки “Саёхатинвест банк” маҳсус давлат акциядорлик - ипотека “Замин” банклари Ташкил этилди. “Ўзагросаноатбанк” акциядорлик тижорат банки “Пахтабанк” ихтисослашган тижорат акциядорлик банкига айлантирилди. Собик “Ўзагросаноатбанк” ҳамда “Ўзсаноаткурилиш банк” ни майдалаштириш натижасида мижозларини янги Ташкил этилган банкларга утказиш туфайли мамлакат банк тизими доирасида активлар ва пассивларни тақсимлаш ҳам тегишли равищда ўзгарди. Шунга қарамай учта йирик банк ташкии иқтисодий фаолият Миллий банки, “Ўзсаноаткурилиш банки” ва “Пахтабанкнинг” улуши 1995 йил охирига келиб барча банклар кредит қўйилмаларининг 75 фоизини Ташкил этди.

Ислохотнинг дастлабки боскичидаги **ихтисослашган** тижорат банкларининг пайдо бўлишига сабаб тармок хусусиятига кура корхоналарнинг жамланиш зарурияти ҳамда уларни мақсадли молиялашни яхшилаш ва ўзаро ҳисоб-китобни яхшилаш эди. Шу билан бирга ихтисослашган тижорат банклари сонининг кўпайиши ресурсларни жалб қилиш имкониятларини торайтириб қўйди. Уларнинг депозит ва кредит фаолиятини керакли даражада деверификациялашни таъминламади. 1995 йилда ихтисослашган кредит молия муассасаларни Ташкил этишга фаол киришилди.

Бундай муассасалар бозор иқтисодиётидаги мамлакатларда мавжуд бўлиб, банклар билан бир қаторда давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Шундай йўналиш объектив хусусиятга эга бўлиб, уни молия муассасаларининг турли-туман кўринишлари ўртасида кредит соҳасини тақсимлаш зарурати таказо этган эди. “Бизнес фонд”, “Мадад” суғурта

компанияси, “Ўзбекинвест” Миллий сугурта компанияси, Хусусий сугурта ва инвестиция компаниялари сингари ихтисослашган молия кредит муассасалари Ташкил этилди.

Устав капитали энг кам миқдорининг ўз вақтида қайта кўриб чикилганлиги банк соҳаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу эса банк назорати талабларига жавоб беради. 1995 йилда тижорат банкларининг умумий устав капитали 56 фоиз усди. Янги банкларнинг пайдо бўлиши ҳамда ишлаб тўрган тижорат банкларининг устав капитали миқдорининг кўпайиши натижасида ана шундай ўсиш руй берди. Фонд бозори Хуқукий негизларининг шаклланиши ва 1995 йилга келиб хусусийлаштиришнинг иккинчи боскичи бошланганлиги тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларга жалб этиш учун шарт-шароит яратди. Хусусийлаштиришнинг иккинчи боскичини фаоллашуви туфайли корхоналар ва тижорат банклари акцияларининг бирламчи бозори кенг ривож топди.

10.4. Жаҳон банк тизими ривожидаги йўналишлари.

а) Жаҳон банки тизими мураккаб, зиддиятли йўлдан ривожланиб бормокда, бирорта асосий йўналишни алоҳида ажратиб кўрсатиш қийин. Шундай бўлса ҳам, бу соҳадаги асосий тамойиллар хақида гапирганда, банкларнинг қўшилиб кетиши ёки бир-бирини ютиб юбориши ҳисобига уларнинг йириклишуви жараёни биринчи навбатда назарда тўтилади. Бу тамойил барча мамлакатларда бирор-бир тарзда намоён бўлмокда. Дунёning энг йирик унта банки орасида фақат Франциянинг Gkydit Agkycoly банки дехкончилик соҳасига инвестиция берувчи аниқ ихтисосга эга. Бошқа ҳамма банклар ўзларининг дастлабки йўналишларини аллақачон ўзгартириб юборган. Масалан, Буюк Британия молия бозорида чет эл банклари бўлимларининг кўплиги унинг хусусиятига айланиб қолган. Уларнинг кўплари бу мамлакатда 19 асрдаёк урнашиб олишган. Уша пайтда Лондон дунёning молиявий маркази эди. Утган асрнинг олтмишинчи йилларидаёк Лондонда Франциянинг учта

банки ўз бўлнимини очган эди. 1914 йилда 20 тадан кўпроқ банкларнинг идоралари ишларди.

Америка банклари ҳам 1990 йилларнинг бошларида ўзаро қўшилиш ва бир-бирини ютиб юборишни қучайтириб юборишиди. 1991 йилда 47 штат ва Колумбия округи қабул килган штатлараро банк қонунига кура ўз штати ҳудудида “Бегона” штат депозитларини қабул қилишга рухсат берилганидан сўнг шундай булди. Колифорния штатининг очилиши бу соҳада айникса муҳим эди. Тинч океан миңтакасига, шу жумладан Японияга яқинлиги туфайли кўпгина банклар учун бу штатнинг имкониятлари айникса катта. Нью-Йорқдаги иккита йирик банк Chymical Bank билан Manifustgkuks Hanovuk Bank нинг, шунингдек Susgkity Pacific Сокроказия билан Bank of Amukika нинг бирлашуви билан катта қўшилиш деб аталган жараён бошланади.

Японияда энг йирик икки банк - Tokuo ва Mitshbishi бирлашгач дунёдаги энг зур банк тизилмалари рўйхатининг бошида турувчи банк пайдо булди.

Америкалик олимлар - Дейв Филлипс ва Кристин Пейлвелнинг тадқиқотларига караганда, бошка банкларда кулга оловчи ёки ютиб юборувчи банклар 100 дан ортиқ филиалга ва 4 миллиарддан кўпроқ активга эга бўлган энг йирик банклар жумласига киради. **Қўлга утаётган** банклар эса қўлга оловчи банклардан кичикрок (1 млрд. долларга яқин активларга эга ва 50 тадан кўпроқ бўлимга эга). Аммо, одатда, ўртacha банклардан каттароқдир. Банкларнинг қўшилиш миқёси улар фаолиятининг самарадорлигига зарар етказмаган тарзда қай даражагача етиши мумкин? - деган мантикий савол тутилади. Америкалик олимлар мана шуни аниқлашга бағишлиб бир талай асарлар ёзишиди. Уларнинг хulosаларига кўра, кичикрок банк (Америкача “ўлчов” билан активларнинг қиймати 100-500 млн.доллар бўлган банк) самарали ишлайди ва тармоқдаги энг йирик банклар билан бемалол рақобат қила олади. Шу жиҳатдан Шеффернинг иши диққатга сазавордир. У активларнинг қиймати 1 млрд. доллардан ортиқ бўлган банклар ўзаро қўшилганда хатто янги банкнинг турлари ва бўлимлари ўзгармаган такдирда ҳам жами чикимлари 50 фоиздан ҳам кам камаяр экан. Бироқ, активларнинг

жами қиймати 50 млрд. доллардан ошадиган банклар ўзаро қўшилганда чикимлар арзимас даражада қисқаришини ҳам аниқлашди.

В) Ўз маблагини имкони борича диверсификациялаш (кенгайтириш) жаҳон банк тизимининг бошқа муҳим томонидир. Масалан, Британиядаги Midland банкининг (Honkong Bank) ва Америкадаги Makinу банки биргаликда бу банк Лондондаги NSBC Holdings гурухига кириб, ҳаммалари биргаликда 1995 йил якунига кўра “Thy Bankuk” журналининг анъанавий рейтингида биринчи ўринни олди). Анъанавий банк фаолияти билан турдош тармокларга жадал кириб бориш жараёни аср бошидаёк бошланган. 1909 йилда тузилган компания кейинрок банкнинг чет эл бозорига кириб олишда асосий қурол бўлди. 1958 йилда M. Gland шу вақтга келиб тўзилган ўзининг шуъба банки билан биргаликда хақи бўлиб-бўлиб тўланадиган товарлар сотиб олиш учун қарз бериш билан шугулланувчи фирманинг ҳамма акцияларини сотиб олди. Ташқи экспанцияни кучайтириш учун банк 1965 йилда З та банк - “ Amko Bank” (Нидерландия), Dyrtschy Bank (Германия) ва Sociyty gupukaly (Бельгия) билан мустаҳкам алоқа урнатди. Мазкур банкларнинг Европа маслаҳат кумитаси номини олган битими акциялари бирон-бир тарзда айирбошлишни кўзда тутмаган бўлса ҳам кейинги йилларда ҳалқаро майдонда банкларнинг янада яқин кооперациялашуви учун асос яратди.

Япония банкларининг ҳалқаро экспанцияси 70 йилларнинг охирларида бошланди. Бу ходисанинг боиси : мамлакатнинг барча етакчи банклари дунёning асосий марказларида, шунингдек Япон корпорацияларининг стратегияси нуқтаи назаридан алохида аҳамиятга эга бўлган (мамлакатларда) минтакаларда (Жанубий-Шаркий Осиё мамлакатлари, АҚШ Уарбий соҳили, Австралияда) бўлимлар очган эди. Бу экспанция бир неча устун йўналишлар бўйича давом этди.

Биринчиси дунёning турли минтакаларига инвестиция қўйувчи Япон транс миллий корпорацияларга хизмат қилиш. Бу йўналиш Япон банкларининг ички банк бизнесига кириб олиб, бўлим ва шуъба компониялар очилиши ҳамда

молиявий ночор аҳволга тушиб қолган махаллий банкларни сотиб олиш йўлидан борди.

Иккинчиси Нью-Йорк, Лондон, Цюрих каби йирик молия марказларида жаҳон ссуда капитали бозорида йирик операциялар ўтказиши.

Учинчиси Япония учун “кизикарли” мамлакатлар билан Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш чунончи, кўпчилик Япон банклари Хитойда ваколатхоналар ва шуъба компаниялар очиб, йирик инвестиция лойиҳаларини молиялашда катнашмокда.

С) Банклар фаолиятини дерегуляциялаш жараёни учинчи жаҳоншумул тамойилдир. 70-йиллар охирида АҚШ да фукароларнинг омонатлари хафвсизлиги даражасини ошириш мақсадида жамғарма депозитлари бўйича фоиз ставкасининг юқори чегарасини кўтаришдан бошланган. Бу жараён молиявий хизматларнинг бутун соҳасига ёйилди. Янги қонунлар туфайли банклар мижозларга операцион депозитлар, шунингдек истеъмол ва тижорат кредитининг турли вариантларини таклиф этиш Хуқуқини олади. Шу билан бирга турли қимматли қофозлар операциялари утказилди. Дунёдаги бошқа етакчи мамлакатлар масалан, Австралия, Канада, Англия ва Япония ҳам 80-йилларда дерегуляция амалиётига қўшилди.

Жаҳон банк тизими ривожланишининг асосий тамойиллари ана шундай. Уларни таҳлил этиб чиқариладиган умумий хулоса қуйидагича:

Замонавий банк тизими мураккаблашиб йириклишиб бормокда. Унда соф классик “банкча” хусусиятлар бошқа молия муассасаларининг хусусиятлари билан қўшилиб кетмокда.

Банкларнинг ривожи бутун дунёда давом этаётган Иқтисодий интеграция тамойилини акс эттиради. Бу жараённинг банк ишида намоён бўлиши натижаларини ривожланган мамлакатлар мисолида ўрганиш орқали ўз банк тизимини эндингина вужудга келтираётган мамлакатлар хатоларга йўл куймай, бундан буёнги тараққиёт концепциясини окилона амалга оширишлари мумкин бўлади, деб уйлаймиз.

Қисқача хulosалар.

1. Пул-кредит сиёсати асосан ишлаб чиқаришда инфляцияни ва ишсизликни камайтириш мақсадида муомаладаги пуллар миқдорини ўзгартиришга каратилган. Пул-кредит сиёсатларини амалга оширишда фоиз ставкаси, мажбурий банк заҳиралари ва очик бозордаги операциялар каби воситаларидан фойдаланилади.
2. Давлат томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсати асосан қуийдагиларга асосланади. Яъни, монетар сиёсат. Бу сиёсат монетаризм назариясига асосланиб, унинг бош гояси - Иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул деган хulosадан иборат.
3. Молия бозоридаги опреациялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Буларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, сугурта компаниялари, инвестиция фондлари ва агентликлар киради. Буларнинг ичida энг асосийси бўлиб банклар ҳисобланади. Банк - тижорат Ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир. Республикада Марказий банк - акциядорлик тижорат банклари, хусусий банклар ва кушма банклар фаолияти кўрсатади.
4. Жаҳон банк тизими ривожланиши жуда мураккаб ва зиддиятли йўлдан бормоқда. Шунинг учун ҳам бу соҳада бирор-бир йўналишни аниқ қўрсатиш қийин бўлсада унинг асосий тамойилларига, яъни банкларнинг қўшилиб кетиши ёки бир-бирини ютиб юбориши ҳисобига йириклишуви, ўз маблағларини иложи борича диверсификациялаш, ўз фаолиятини дерегуляциялаш каби тамойилларга тўхталиб ўтилади.

Таянч иборалар.

Пул-кредит сиёсати, тўлиқ бандлик, инфляция, барқарорлик, очик бозордаги операциялар, қимматбаҳо қоғозлар, хазина, харид қилиш, Марказий банк, тижорат банклари, фоиз ставкаси, мажбурий резерв нормаси, инвестиция, монетар сиёсат, кейнсчилар назарияси ва тенгламаси, монетаристлар тенгламаси, аҳоли истеъмол харажатлари, соф экспорт, пул таклифи, пулнинг

айланиш тезлиги, пулга бўлган талаб ва таклиф, пул эмиссияси, пул инфляцияси, кредит муносабатлари, қарз берувчи, қарз олувчи, омонат, валюта, молия операциялари, монополлик мавқеи, бир боскичли банк тизими, вертикал ва горизонтал йўналишда ташкил қилинган банклар, ихтисослашиш ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Давлат томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатининг асосий мақсадлари ва вазифалари нималардан иборат.
2. Пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари ва улардан фойдаланиш механизмини изоҳланг.
3. Арzon пул ва қиммат пуллар сиёсатлари нималардан иборат.
4. Реал ишлаб чиқариш ҳажми ва турли иқтисодий даврлардаги нархлар динамикасига пул-кредит сиёсати қандай таъсир кўрсатади.
5. Банк томонидан бериладиган (қайтарилиган) ссудалар шароитида пул массасининг кўпайиш (камайиш) механизмини изоҳланг.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С.: ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург.: Судоистроение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Уқитувчи. 1994
8. В.Н.Костюк. “Макроэкономика”.-М.:1998

9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиқтисодиёт”. -Т.: “Меҳнат”. 1997

11-Боб: IS-LM модели.

- 11.1. Макроиқтисодий мувозанат ва унга эришиш йўллари.
- 11.2. IS эгри чизиги ва унинг ўзгарувчилари.
- 11.3. LM эгри чизиги ва унинг ўзгарувчилари.
- 11.4. IS-LM модели ва ундаги мувозанат.

11.1. Макроиқтисодий мувозанат ва унга эришиш йўллари.

Бозор Иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг роли ва аҳамияти бенихоя каттадир. Макроиқтисодий мувозанат мамлакат Иқтисодиётининг тўғри ёки нотўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётда булаётган доимий ўзгаришлар ҳар қандай мамлакатни ҳам иқтисодий мувозанатдан чиқариб юбориши мумкин. Яъни, бирор бир кечеётган жараён мутаносибли, мувозанатли бўлса, уни бир маромда фаолият кўрсатаётган организм деб тушунамиз ва аксинча ундаги ҳар қандай силжиш унинг мукобиллигининг бўзилиши деб каралади.

Иқтисодий тизимлардаги бундай оғиш товарлар ва хизматлар такчиллигини ёки ортиқча ишлаб чиқарилганлигини, инфляция, ишсизлик ва шунга ўхшаш бошқа салбий ходисалар сифатида намоён бўлади. Улар иқтисодиёт самарадорлигининг пасайишига ва аҳоли турмуш тарзини тушиб

кетишига олиб келади. Шу сабабли ҳам иқтисодий мувозанат муаммоларини тадқиқ қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий мувозанат миллий иқтисодиётни шартли равища барча истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи бирликларининг ўзаро боғлиқлиги сифатида кўз олдимиизга келтирсак, унда мувозанат шундай ҳолатки, қачонки улар ўртасида қарама-қаршиликлар бўлмайди ва ресурслар, товарлар ва даромадларнинг доиравий айланиши узлуксиз равища амалга ошишини таъминлаши шарт. Миллий даражадаги ёки макроиқтисодий мувозанат пулда ифодаланган жами талаб ва таклифни, иқтисодиётни пулли ва моддий мутаносиблигининг мос келишини кўзда тўтади. Бу миллий хўжаликни идеал ҳолати бўлади, уни доимий сақлаб туриш мумкин эмас.

Жаҳон амалиёти Иқтисодий мувозанатга эришишнинг икки асосий усулини ишлаб чиқкан:

1. Нархлар талаб ва таклифларини тартибга солиб турувчи бир-бирига боғлик бўлган бозорлар ёрдамида (товар ва хизматлар, капитал, ишчи кучи бозорлари) мувозанатлашади.
2. Моддий, меҳнат ва молиявий балансларни тўзиш йўли билан келажакда талаб ва таклифнинг ҳажмларини, шунингдек, нархларнинг ўзини ҳам урнатувчи давлат режалари ёрдамида мувозанатлашади.

Аралаш иқтисодиёт мамлакатларида макроиқтисодиётнинг асосий усули бозор ҳисобланади. Шу билан бирга давлат ҳам сезиларли даражада рол уйнайди. У маъмурий хукуқий ва иқтисодий аралашув чегараларидан фойдаланиб жами талаб ва таклифнинг ўзгаришига ва шу орқали макроиқтисодий мувозанатга ҳам бевосита ёки билвосита таъсир этади. Буни авволамбор мамлакатда иқтисодий барқарорликга эришмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун барча ривожланган мамлакатларда иқтисодий барқарорликга эришишга катта аҳамият берилади. Чунки иқтисодий барқарорлаштириш ислохотларини амалга ошираётган барча мамлакатларда энг долзарб ва қийин хал қилинадиган вазифадир.

Назария ва жаҳон амалиётида барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг икки асосий ёндошуви ишлаб чикилган:

1. Монетар;
2. Таркибий.

Монетар ёндошув тарафдорлари иқтисодиётда товар пул мувозанати бўзилишининг асосий сабаби бўлган инфляцияни асосан муомалада пул массасининг ортиқчалигидан келиб чиқсан деб ҳисоблашади. Шунинг учун улар томонидан таклиф қилинаётган чора тадбирлар пул таклифини чеклашга каратилган. Жумладан, давлат харажатларини, биринчи навбатда ижтимоий дастурларни кескин қисқартириш, пул эмиссиясига ва давлат заёмларига катъий чегара урнатиш, иш хақи ўсишини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятига янада кенгроқ йўл очиб бериш.

Монетаристлардан фарқли равища таркибий барқарорлаштириш тарафдорлари инфляцияни бутун инқирозий воқеаларнинг бош сабабчиси деб ҳисобламайдилар. Шунинг учун уларнинг таклифлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш ёрдамида нархлар ўсишининг олдини олишга каратилган. Бунда улар давлат томонидан тарифга солиш усулларига муҳим аҳамият беради.

11.2. IS-эгри чизиги ва унинг ўзгарувчилари.

Иқтисодиётдаги мувозанат ёки товар пул мувозанитига эришишда инвестиция ва жамғармаларнинг ЯММ билан боғлиқлиги тушунтирилади. Бу боғлиқлик шуни кўрсатадики, банклар фоиз ставкаларини пасайтириб бориши билан ЯММ ҳажми ҳам кўпайиб боради. Яъни, миллий иқтисодиёт молиявий “кислородни” қўпроқ олиш натижасида ЯММ ишлаб чиқариши ҳам кўпайиб боради. Ушбу назарияни атокли иқтисодичи Хейк тадқиқ килганлиги учун унинг номи билан юритилади. IS - эгри чизиги эса Хейк эгри чизиги дейилади.

Умуман IS-эгри чизиги товар ва хизматлар бозорида вужудга келадиган даромадлар даражаси ва фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатларни билдиради. Буни тушуниш учун биз товар ва хизматларга бўлган талабни, яъни, “Кейнсиан

хочи”ни қараб чиқамиз. Бунда авваломбор биз режалаштирилаётган харажатлар миқдорини, яъни, кейнсиан хочини олиш учун режелаштирилаётган харажатлар миқдорини ташкил килувчи омилларни кўриб чиқамиз. Режалаштирилаётган харажатлар уй-хўжаликлари, фирмалар ва давлатнинг товар ва хизматларини сотиб олишга мўлжаллаган харажатлар миқдоридан иборат. Ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатлардан, яъни, бирор бир фирма режалаштирилмаган инвестициялар миқдорини оширишга ёки камайтиришга карор килган вазиятлардагина фарқ қиласди.

Фараз қилайлик, Иқтисодиёт ёпик Иқтисодиётдан иборат, соф экспорт нолга teng. Биз режалаштирилаётган харажатлар миқдорини (E), истеъмол (C), режалаштирилган инвестициялар (I) ва давлат харажатлари (G)нинг йифиндиси орқали топишимиз мумкин.

$$E = C + I + G$$

Демак, кейнсиан хочи даромаднинг (Y) режалаштирилаётган харажатларга боғлиқлигини акс эттирас экан. Бу тенгламага биз истеъмол функциясини қўшсак: $C = C(Y - T)$.

Истеъмол функцияси кўрсатаяпдики, истеъмол ихтиёридаги даромадлар миқдорига боғлиқ экан ($Y - T$). Бундан ташқари режалаштирилган инвестициялар миқдори ($I = I$) шаклида кайд қилинган бўлсин ва бюджет сиёсати давлат харажатлари ва солиқлари миқдори - ўзгармаган ҳолда қолсин: $G = G$; $T = T$. Бу тенгламаларни бирлаштиrsак, қўйидаги тенгламага эга буламиз: $E = C(Y - T) + I + G$;


Кўйидаги расмда режалаштирилаётган харажатлар графикда даромад функцияси шаклида берилган. Бу тўғри чизиқ ижобий силжишга эга. Чунки, юқори даромадлар даражаси юқорирок истеъмол даражаларига, яъни, режалаштирилаётган харажатларнинг юқорирок даражасига олиб келади. Чизиқнинг эгилиши истеъмолга чегаравий мойилликни билдиради - МРС. Яъни, даромадларни 1 сўмга оширганда режалаштирилаётган харажатларнинг қанчага ошишини кўрсатади.

11.1-чизма.

Даромад функцияси сифатида режалаштирилаётган харажатлар.

Режалаштирилаётган

харажатлар




Мувозанатдаги Иқтисодиёт. Биз биламизки, иқтисодиёт ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатларга тенг бўлган шароитда мувозанатга эришади. Бизга маълумки ЯММ кўрсаткичи икки ёклама маънога эга: яъни, иқтисодиёт агентлар даромади ва ишлаб чиқариш маҳсулотларини сотиб олишга кетган харажатлардан иборат. Шунинг учун у нафақат жами даромадлар, балки товар ва хизматларга қилинган харажатлар миқдорига тенглашади. Биз мувозанат шароитини қуидагича ёзамиз, яъни, ҳақиқий харажатлар тенг режалаштирилган харажатларга $Y=E$;

Кейинги расмдаги 45 градусли бурчак хосил килган чизик ушбу шароит бажарилишини кўрсатадиган нуқтани билдиради. Агарда биз режалаштирилган харажатлар функциясини күшсак, диаграмма кейнсиан хочи шаклига келади. Иқтисодиёт мувозанатга А нуқтада эришади. Яъни, режалаштирилган харажатлар функцияси графиги 45 градусли бурчак хосил қилган чизик билан кесишган вазиятда.

Кейнсиан хочи IS-LM моделини тузишдаги биринчи ғишт бўлиб ҳисобланади. Кейнсиан хочи модели шунинг учун ҳам керакки, яъни у мавжуд

Кейнсиан хочи.


Режалаштирилаётган
харажатлар



режалаштирилган инвестициялар даражаси шароитида Иқтисодиётдаги даромадлар миқдорини аниқлаш имконини беради. Аммо, у хаддан ташқари иирикласширилган, яъни режалаштирилган инвестиция даражаси кайд қилинган. Олдинги мавзуларда кўрдикки, режалаштирилаётган инвестициялар миқдори фоиз ставкаси, яъни инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун олинадиган кредитларга сарфланган харажатлар билан аниқланади. Фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, инвестиция қилишни хохловчилар ва режалаштирилаётган харажатлар шунча кам бўлади. Харажатларнинг камайиши даромадлар даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Шундай қилиб, инвестициялар функцияси ва кейнсиан хочи асосида фоиз ставкаси ва даромад даражаси ўртасида тескари боғлиқлик урнатилади.


B. Кейнсиан хочи

Режалаш-
тирилаётган
харажатлар



C.IS эгри чизиги.

A. Инвестиция функцияси



11.3. LM -эгри чизиги ва унинг ўзгарувчилари.

LM эгри чизиги ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш учун фоиз ставкасининг оддий назариясини қараб чиқамиз. Бу назария “тез (пулга) айлана олиш афзаллиги назарияси”дир.

Тез (пулга) айлана олиш афзаллиги назарияи - бу кейнсианчилар фоиз ставкаси назариясини оддий шархлаб беришдан иборат. IS эгри чизигини ташкил қилишда кейнсиан хочи асос бўлганидек, тез (пулга) айлана олиш афзаллиги назарияси ҳам LM эгри чизигини ташкил қилиб пул воситалари реал заҳираларига талаб ва таклиф фоиз ставкасини аниқлашни тушинтириб беради. Реал пул воситаларига таклифдан бошаймиз. Агарда M пул таклифини, P-нархлар даражасини билдиrsa, M/P эса пул воситаларининг реал заҳираси миқдорини кўрсатади.

S – –

$$(M/P) = M/P:$$

Бу ерда, M- пул таклифи даражасини билдиради.

P - нарх даражаси ҳам ушбу моделда Ташқи ўзгарувчилар миқдорини кўрсатади.

Бу фаразлар шуни билдирадики, яъни реал миқдордаги пул таклифи фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаган вазиятни кўрсатади. Шунинг учун биз реал пул воситалари таклифини графикда кўрсатаётганимизда вертикал эгри таклифига эга бўламиз.

Реал микдорда пул воситалари заҳираси таклифи.

Фоиз ставкаси

К	Таклиф
Реал пул	
заҳиралари	

М/Р	М/Р
-----	-----

Энди реал микдордаги пул воситалари заҳирасига талабни қараб чиқамиз.

Инсонлар кўлида пулни сақлашади, чунки пул тез алмаштириш хусусиятига эга. Тез (пулга) айлана олиш афзаллиги назарияси кўрсатадики пулга бўлган талаб микдори фоиз ставкаси боғлиқ. Фоиз ставкаси Нақд пул воситаларини кулда ушлаб туришнинг альтернатив харажатлари микдорини билдиради. Яъни, сиз фоиз олиб келмайдиган Нақд пулларни қулда ушлаб тўрган шароитда йўқотадиган пул микдорини билдиради. Ноннинг нархи нон талаби микдорига таъсир килганидек, Нақд пулларни қўлда ушлаб туриш микдори ҳам пул заҳираларига талаб микдорига таъсир кўрсатади. Шунинг учун фоиз ставкаси ошганда, инсонлар бойликларини пул шаклида камроқ ушлаб туришга ҳаракат қиласиди.

Реал пул заҳираларига талабни қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$(M/P) = L(k)$$


Бу ерда:- $L()$ -функцияси пулга талаб микдорини билдиради. Бу тенглама кўрсатаяптики, пулга бўлган талаб микдори фоиз ставкаси функциясини билдиради. Кейинги графикда фоиз ставкаси ва реал пул заҳиралари микдорига талаб тескари боғлиқликга эга. Чунки, юқори фоиз ставкаси пулга талаб микдорининг камайишини кўрсатади.

11.5-чизма.

Реал пул захираларига талаб.

Фоиз


ставкаси



Фоиз ставкаси тенглигига эга бўлиши учун пулга талаб ва таклиф эгри чизиқларини бирлаштирамиз.

11.6-чизма.

Тез (пулга) айланиши афзаллиги назарияси.



Фоиз ставкасининг
мувозанат нуқтаси

М/Р

М/Р Реал пул захиралари.

Тез айланиш афзаллиги назариясига мос равища фоиз ставкасининг ўзгариши пул бозорида мувозанатга олиб келади. Фоиз ставкасининг мувозанат нуқтасида пул воситалари захирасига талаб миқдори таклиф миқдорига teng. Тез (пулга) айланма олиш афзаллиги назарияси, яъни пул таклифининг камайиши фоиз ставкасини оширади, пул таклифининг кўпайиши эса фоиз ставкасини камайтиришдан келиб чиқсан.

Энди тез (пулга) айлана олиш афзаллиги назариясини LM эгри чизигини ташкил қилишда фойдаланамиз. Мувозанат фоиз ставкаси - пул талаби ва таклифини тенглаштирадиган фоиз ставкаси ўртасидаги боғлиқликни LM эгри чизиги ифодалайди.


Шунгача биз фақат фоиз ставкаси реал пул захираларига бўлган талаб миқдорига таъсир кўрсатади деб ҳисобладик. Янада аниқрок айтадиган бўлсак, пул талаби миқдорига даромадлар даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Даромадлар юқори бўлса, харажатлар ҳам қўп бўлади. Шунинг учун инсонлар қўпроқ ишларни амалга оширишга ҳаракат қиласди. Бу эса ўз навбатида қўпроқ пулни талаб қиласди. Шундай қилиб, даромадлар даражасининг юқорирок бўлиши пул талабини оширади. Бошқача айтганимизда, даромад ва пулга талаб ўртасида тўғри алоқа мавжуд.

Пулга талаб функциясини қуйидагича ёзамиш:


$$(M/P)=L(k.y);$$

Пул бозори ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар ўртасидаги бундай ўзаро муносабатлар йиғиндисининг графиги қуйидагича бўлади.

А. Реал пул бозор.



Б. LM әгри чизиги.



Реал пул захираси.

Даромад

А қисмидан күриниб турибиди фоиз ставкасини пасайиши билан пулга бўлган талаб ошади. Шунингдек, даромадлар кўпайиши натижасида ҳам ошади. Бу ҳолда $L(k.y)$ юқори сурилиб $L(k.y)$ ҳолатини эгаллайди ва унда мувозанатли фоиз ставкаси ҳам ўсади - к.у ҳолатидан k_2 ҳолатигача кўтарилади.

Шундай қилиб юқорирок даромад юқорирок фоиз ставкасига олиб келади ва буни LM әгри чизиги акс эттиради. У пул бозорида фоиз ставкаси ва даромад ўртасидаги муносабатларни кургазмали тарзда ифодалайди. Даромад даражаси қанча баланд бўлса пулга бўлган талаб шунча юқори ва шунга мувофиқ мувозанатли фоиз ставкаси ҳам шунча юқори бўлади.

Булардан шундай холосага келиш мумкинки IS чизиги ҳам ўзида икки ўзгарувчи, яъни фоиз ставкаси ва даромадни мумкин бўлган турли хил ўзаро боғлиқликларини акс эттиради.

11.4. IS-LM модели ва ундаги мувозанат.


Энди бизда IS-LM моделининг барча ўзгарувчи омиллари мавжуд.

Моделнинг иккита тенгламаси:

$$(IS) \quad Y = C(Y-T) + I(k) + G; \quad (LM) \quad M/P = L(k, Y);$$

Бюджет-солиқ сиёсати G ва T пул кредит сиёсати M ва нархлар даражаси P моделда ўзгарувчи омиллар сифатида берилган. Бу икки IS ва LM эгри чизиқларини бирлашишида хосил бўладиган графикни биз, IS-LM модели деб аташимиз мумкин.

11.8-чизма.



IS - эгри чизиқ - бу товарлар бозоридаги мувозанат эгри чизигидир. У ўзида товарлар бозоридаги мувозанатни таъминловчи фоиз ставкаси k нинг ва даромад у нинг барча ўзаро бирликларини кўрсатади, LM эгри чизиғи эса пул бозоридаги мувозанат шартларини қондирувчи k ва у нинг ўзаро бирлашувларини беради.

IS-LM эгри чизиқлари кесишадиган нуқта IS-LM моделидаги иқтисодий мувозанатлик ҳолатидир. Бу нуқта ўзида шундай фоиз ставкаси k ни ва даромад даражаси Y ни аниқлайдики қачонки улар реал пул маблағларига бўлган талаб уларнинг таклифига тенг келган вазиятни ифодалайди. Яъни, маҳсулотлар пул бозорида ҳам мувозанат шартларига риоя қилинса, пулга бўлган умумий талаб фоиз ставкаси миқдорига ёки пулнинг ишлатилиш баҳосига нисбатан тескари боғлиқлиқда бўлади.

Шундай қилиб IS-LM модели иқтисодий сиёсатнинг оқибатларини қисқа муддатли даврга макроиқтисодий таҳлил қилишда жуда кенг кулланилади.

Қисқача хуносалар.

1. Иқтисодий мувозанатга эришишда жаҳон амалиёти иккита усулга асосланади: нархлар ёрдамида тартибга солиб туриладиган бозорлар ва турли хил баланслар ёрдамидан фойдаланилади. Шунингдек барқарорлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг икки хил асосий ёндошуви: монетар ва таркибий ёндошувлари ишлаб чикилган.
2. IS әгри чизиги товар ва хизматлар бозорида пайдо бўладиган даромадлар даражаси ва фоиз ставкаси ўртасидаги муносбатларни билдиради. Бунинг учун “Кейнсиан хочи”ни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқdir. Иқтисодиёт ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатларга teng бўлган шароитда мувозанатга эришар экан.
3. LM әгри чизиги ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш учун “тез (пулга) айлана олиш афзаллиги назарияси”ни қараб чиқишини кўрсатар экан. Тез (пулга) айлана олиш назарияси эса кейнсианчилар фоиз ставкаси назариясини изоҳлашдан иборат экан.

Таянч иборалар.

IS-LM модели, IS- әгри чизиги, LM-әгри чизиги, Кейнсиан хочи, тез пулга айланиш назарияси, нарх даражаси, даромад, харажат, фоиз ставкаси, реал пул заҳиралари, мувозанат нуқта, бюджет-солик сиёсати, пул-кретид сиёсати, товарлар бозоридаги мувозанат, макроиқтисодий мувозанат, товар ва хизматлар, капитал, ишчи кучи бозорлари ва улардаги мувозанат, монетартаркибий ёндошув, пул эмиссияси, Хейк әгри чизиги ва бошқалар.

Nазорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Миллий даражадаги ёки макроиқтисодий мувозанат нимани билдиради.
2. IS әгри чизигининг асосий ўзгарувчилари қандай? Ёлик Иқтисодиёт ва очик Иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий мувозанатга қандай эришилади?

3. LM эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари нималардан иборат? LM эгри чизиғида Кейнсиан хочи нимани кўрсатади? Тез (пулга) айлана олиш афзаллаги назариясини қандай тушунасиз?
4. IS-LM модели қандай вазиятни ифодалайди ?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костыюк. “Макроэкономика”.М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета.: 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиктисодиёт”. - Т.: “Мехнат”. 1997

12-Боб; Иқтисодий ўсиш.

- 12.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси. Иқтисодий ўсиш ўлчови; потенциал ва ҳақиқий даромад динамикаси.
- 12.2. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар.
- 12.3. Иқтисодий ўсиш моделлари.

12.1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси. Иқтисодий ўсиш ўлчови; потенциал ва ҳақиқий даромад динамикаси.

Иқтисодий ўсиш - бу объектив қонуният бўлиб, аҳолининг ўсиши, ФТТ жараёнлари, ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум бир вақт давомида ўсиши каби жараёнлар билан боғланган. Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини билдиради ёки бошқача сўз билан айтганимизда потенциал жами ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради. Шундай қилиб иқтисодий ўсиш нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсишини, балки Иқтисодиёт потенциалининг ўсишини билдиради.

Иқтисодий ўсишда нафақат мамлакат реал даромадларининг ўсишини, шунингдек жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши ҳам тушинилади.

Иқтисодий ўсиш икки хил усул билан аниқланади ва ўлчанади.

Биринчи усул, ЯММ ни (ЯИМ, СММ) утган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умумИқтисодий имкониятлари ҳаракатини аниқлаш учун ишлатилади.

Иккинчи усул, реал ЯММ ни (ЯММ, СММ) утган даврга нисбатан аҳоли жон бошига ўзгариши сифатида аниқланади.

Иқтисодий ўсишни аниқлаш ва асослаб бериш жараёнларида қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1) Иқтисодий ўсишни ўлчаш;
- 2) Ўсиш омиллари;
- 3) Иқтисодий ўсиш моделлари.

Миллий иқтисодиёт ўсишини ўлчашда жами даромадларнинг (маҳсулотларнинг) ҳар хил индиқаторларидан фойдаланиш мумкин. Умумий ўсиш даражаси аслида ЯИМ миқдори билан белгиланади. Шунингдек бу кўрсаткичлар миқдори ва хал килаётган вазифасига қараб ЯММ ёки МД ҳам бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг бари бир-бирига жуда ҳам яқин. ЯММ ҳам ЯИМ каби ушбу мамлакат аҳолиси олаётган даромадлар миқдорини кўрсатади. Шунинг учун ҳам уни аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикаси ва даражасини аниқлаётганда фойдаланиш мумкин. Иқтисодий ўсиш назарияси ва моделларида умумий макроиктисодий кўрсаткичларнинг фарқи унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чунки, уларнинг фарқи иқтисодий ўсиш чегараси ва омиллари ўсиш даражасини таҳлил қилишда хал килувчи жараён бўлиб ҳисобланмайди.

Иқтисодий ўсиш назариясида даромадларни олишдаги умумий кўрсаткичлар таркиби одатда истеъмол ва инвестицияларга бўлинади.

$$I : Y = C + I ;$$

Давлат харажатлари ва соф экспорт кўрсаткичлари ҳам истеъмол ва инвестицияларга бўлинади. Абсолют миқдордаги кўрсаткичлар динамикаси Y_t (t -вақт индекси) ва жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар биргаликда ўсиш жараёнини билдиради. Истеъмол ҳажми C_t Иқтисодиётнинг провард мақсадини ва яшаш даражасини ошишини билдирса, инвестиция эса I_t ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашишини билдиради. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича қарама-қаршилик мавжуд, чунки жорий истеъмол миқдорининг ошиши Иқтисодий ўсиш потенциали имкониятларини қисқартиради.

Ўсишнинг барча имкониятлари реал миқдорда, яъни доимий нархларда қаралади. Аксинча, номинал кўрсаткичда уларнинг динамикаси нафақат ўсиш даражасини, балки инфляцияни кўрсатган булар эди.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича уч хил миқдордаги динамикани таҳлил қилиш мумкин.

1. Абсолют кўрсаткич: масалан, реал ишлаб чиқариш Y_t ;

2. Абсолют қўшимча ўсиш: масалан, ишлаб чиқаришнинг ошиши.

$$Y_t = Y_t - Y_{t-1} ;$$

3. Кўшимча ўсиш даражаси: масалан, ишлаб чиқаришнинг кўшимча ўсиши Y_t .

Иқтисодий ўсиш суръатлари қўйидаги формуулалар ёрдамида аниқланади:

- а) базис ўсиш суръати = Y_i / Y_o ;
- б) занжирли ўсиш суръати = $Y_i / (Y_{i-1})$;

Кўшимча ўсиш суръатлари эса:

- а) базисли кўшимча ўсиш суръати = $(Y_i - Y_o) / Y_o$;
- б) занжирли кўшимча ўсиш суръати = $(Y_i - Y_{i-1}) / Y_{i-1}$:

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан миллий маҳсулот ҳажмини ва даромадни кўпайишини, иккинчидан ресурслардан самарали фойдаланишни, учинчидан янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан ҳалқаро бозорларда мамлакат обрусининг ошишига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш усулларидан тўғри ва ўз жойида фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Масалан, мамлакат ҳарбий салоҳиятини аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси каралаётганда иқтисодий ўсишнинг биринчи усулидан, мамлакат аҳолисининг турмуш фаолияти таққосланаётганди иккинчи усульдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Хиндистонда етиштирилган ЯММ Швейцарияда етиштирилган ЯММ дан 70 % га кўп, аммо аҳолиси яшаш даражаси бўйича Хиндистон аҳолиси Швейцария аҳолиси яшаш даражасидан 60 мартагача кам.

12.2. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар.

Иқтисодий ўсиш авволом бор фойдаланилаётган ресурсларнинг сони ва сифатига, шунингдек фойдаланилаётган технологияга боғлиқ. Агарда каралаётган омиллар ва иқтисодий ўсиш таркибий кисмлари яхлитлаштирилган бўлса иқтисодий ўсишни экстенсив ва интенсив ўсишга бўлиш мумкин. Агарда фойдаланаётган ресурслар миқдори ўзгармай қолган ҳолда ишлаб чиқариш усса тўлиқ интенсив омиллар ҳисобига амалга ошган ҳисобланади.

Умуман олганимизда иқтисодий ўсиш бир нечта омиллар таъсирида амалга оширилади. Яъни:

1. Табиий ресурслар сони ва сифати;
2. Мехнат ресурслари сони ва сифати;
3. Асосий капитал ҳажми;
4. Технология ва бошқалар.

Ушбу омилларнинг барчаси ишлаб чиқришга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса иқтисодий ўсиш истиқболларини белгилашда ишлаб чиқариш функцияларидан кенг фойдаланиш имконини беради. Яъни, Иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг қўшимча ўсиш суръатлари (K / K ва L / L) ва техника тараққиёти натижасида уларнинг умумий унумдорлигини қўшимча ўсиш суръатларига (A / A) боғлиқ ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қўшимча ўсиш суръатини (Y / Y) ҳисоблаш имконини беради:

$$^Y/Y = \alpha (^K/K) + (1 - \alpha) (^L/L) + (^A/A) \text{ ёки}$$

Ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиш суръати тенг капитал ҳажми пульюс меҳнат хиссаси пульюс омиллар умумий унумдорлиги қўшимча ўсиши хиссаси.

Бунда коэффициент α ишлаб чиқарилган маҳсулотда капитал хиссасини, $(1 - \alpha)$ - меҳнат хиссасини кўрсатади. Фараз қилайлик, миллий маҳсулотда капитал хиссаси 0,3 ни, меҳнат хиссаси эса $1 - 0,3 = 0,7$ ни Ташкил этса, унда капитални ($^K/K$) ва меҳнатни ($^L/L$) 10% га қўшимча ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам 10 % га қўшимча ўсишига олиб келади. ($0,3 \times 10\% + 0,7 \times 10\% = 3\% + 7\% = 10\%$) Яъни, экстенсив омиллар ҳисобланади. Аммо, Иқтисодий ўсишни таъминловчи интенсив омиллар ҳамма вақт ҳам кадрланган ва иложи борича улардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шунинг учун ҳам давлат Иқтисодий ўсишни қўллаб-куватлаш мақсадида, фан-техниканинг истиқболли йўналишларини белгилаш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, солиқ механизми ва тизимини иложи борича ихчамлаштириш каби ишларни олиб бормокда.

Хусусан, республикамизда фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишни Республика фан-техника кумитаси олиб боради. Яъни, илмийтадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш ва натижаларни ишлаб чиқаришга зудлик билан қўллаш мақсадида йирик-йирик лойиҳалар ишлаб чиқилган ва шунингдек ушбу кумита томонидан ҳар йили бир нечта махаллий ва ҳалқаро олимпиада, конференция, коллуквиум ва энг яхши илмий ишлар курик танловлари утказилиб турилади.

Бундан ташқари республика таълим тизимида кескин янгиликлар қилинмоқда. Яъни, республикада миллий кадрларни етиштириш мақсадида кўп боскичли “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Ушбу дастурга асосан ёшларни ҳалқаро жаҳон бозорлари талабига жавоб берадиган даражада ўқитиш ишлари амалга оширилмоқда. Яъни, лицей, коллеж, бакалавратура, магистратура, аспирантура ва докторантураларда укишини таъминлаш, ёшларни ҳалқаро даражада тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун республика “Умид” “Устоз” ва шунингдек бошқа фондларнинг фаолият олиб бораётганлигини келтириб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодий ўсишга мамлакатнинг солиқ тизими ҳам сезиларли таъсир қиласи. Солиқка тортиш ставкаларини камайтириш ва амартизацияга ажратмаларнинг ўсиш томон ўзгариши инвестициялар ҳажмини кўпайтиради ва шу орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Кейинги йилларда ижтимоий ва экологик муаммоларни кучайиши деярли барча мамлакатларда иқтисодий ўсиш энг аввало аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг шарти сифатида каралмоқда. Чунки, иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш зарурлиги сабабли ривожланган мамлакатларда амал килган иқтисодий ўсишнинг миқдорий назарияси ўз ўрнини иқтисодий ўсишнинг сифат назариясига бушатиб берди. 70 йиллар охирларидан бошлиб жаҳонда муҳим ривожланиш гояси табора тарқалиб бормокда. Унинг асосий мақсади келажак авлодлар эҳтиёжини, яъни экология жиҳатдан чеклашлар ва аҳолининг камбагал катламлари эҳтиёжини ҳисобга олишдир.

Яъни, давлат сиёсати иқтисодий ўсишнинг қуидаги муаммоларини хал этишга йуналтирилган:

- истеъмол даражаси юқори бўлган иқтисодиётнинг барқарор ҳолатини таъминлашга каратилган омонат жамғариш меъёрларини танлаш;
- аҳоли ўсишини тартибга солиш;
- фан-техника тараққиётининг экологик жиҳатдан хавфсиз ютуқларини жорий этиш ва мәҳнат унумдорлигини ошириш.

Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йуналтирилганлиги қучайиб бориши билан Иқтисодий назария ва амалиётда ҳалқ фаровонлиги тушунчаси жамият ижтимоий-Иқтисодий тараққиётининг энг мухум мезонлари сифатида янада аниқланмокда ва кенгайтирилмокда.

Агарда илгарилари уни моддий таъминланганликнинг миқдорий кўрсаткичлари акс эттирган бўлса, ҳозирда биринчи ўринга ўртacha умр кўриш, улим даражаси, шу жумладан болалар улими, ишсизлик даражаси, даромадлар тенгсизлиги, таълим даражаси, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа шу каби кўрсаткичлар қуйилмокда. Яъни, Иқтисодий ўшиш шахснинг ривожланиб бориши учун шароит яратиб бериши лозим.

Иқтисодий ўсишнинг салбий оқибатларидан бири бўлиб аҳолини ижтимоий, мулкий табакаланиши қучайиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат аҳоли турли катламларини ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий сиёсатларни олиб боради.

Давлат ушбу ижтимоий сиёсатларни олиб борищдан олдин аҳоли дараомадлари миқдорини аниқлайди. Аҳоли даромади иш хақи, дивидентлар ва фоизлардан, шунингдек трансферт тўловларидан ташкил топади. Даромадларнинг кенгроқ маъноси пулсиз ёки имтиёзли нархларда аҳоли оладиган товарлар ва таълим, согликни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт ва бошқа хизматлар кўринишидаги тўловларни ҳам ўз ичига олади.

Иш хақи, дивидентлар ва фоизларни ишлаб чиқаришда бевосита катнашганлар даромадларни тақсимлаш натижасида оладилар. Давлат даромадларни тақсимланишига иш хақининг энг кам миқдорини қонуний

равиша урнатиш орқали таъсир кўрсатади. Энг кам иш хақи ушбу мамлакатда таркиб топган турмуш шароитига боғлиқ бўлиб, энг кам истеъмол бюджети асосида аниқланади.

Давлат даромадларнинг қайта тақсимланишини асосан икки хил таянч омиллар ёрдамида амалга оширади:

1. Солик тизими;
2. Трансферт дастурлари.


Давлат трансферт дастурларидан ташқари яна бир қатор нодавлат ва жамоат дастурлари ҳам мавжуд. Давлат ва нодавлат Ташкилотлари трансферт дастурларини барча турлари ягона бир мақсадга, яъни ахоли даромадларини тенглаштиришга йуналтирилган.

Даромадлар тақсимланишининг тенгсизлигини ифодалаш учун кўп холларда Лоренц эгри чизиги диаграммасидан фойдаланилади.

Бу чизма тўртбурчак кўринишида бўлиб, унинг горизантал томонида-ахоли хисссаси (фоизи), вертикал томонида-даромад хисссаси (фоизи) кўрсатилган. Агар жамиятда даромад мутлоқ баравар тақсимланган деб фараз қилсак, яъни 20 % ахоли жами даромаднинг 20 % га, 40 % - 40 % га эга бўлса, унда мутлоқ тенгликнинг бу вазиятини ифодаловчи чизик биссектриса кўринишига эга булар эди.

12.1-чизма.

Лоренц эгри чизиги.



В

эгри чизиги

Б

А

Аҳоли фоизи.

Аммо, ҳаётда аҳоли ўртасида даромадларни тақсимланиши бир хил эмас. Масалан, агар аҳолининг 20 % А нуқта билан белгиланган даромадларнинг озгина қисмини олса, аҳолининг 40 % Б нуқта билан белгиланган қисмини олади ва хоказа. Бундай ҳолатда даромадни хақиқатда тақсимланишини билдирувчи чизик Лоренц эгри чизиги деб аталади. Биссектриса ва Лоренц эгри чизиги ўртасидаги ўзилиш ёки майдон қанча катта бўлса, даромад тақсимланишининг тенгсизлик даражаси шунча юқори бўлади. Бу ўзилиш катталиги тенгсизлик даражасини ифодалайди.

12.3. Иқтисодий ўсиш моделлари.

Иқтисодий ўсиш моделлари ўзлуксиз ёки дискрет вариантларда ёзилиши мумкин. Биринчи ҳолатдаги Y_t , I_t , C_t , K_t , L_t , W_t ўзгарувчи моделлари вақтнинг ўзлуксиз функцияси ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда бу миқдорлар вақтнинг кетма-кетлиги сифатида каралади. Агарда модел реал статистик маълумотлардан Ташкил топса ва амалий ҳисоб-китобларда фойдаланилса, у ҳолда уни дискретной қилиш осан, чунки статистик маълумотлар ҳар доим ўзлуксиз эмас, балки дискретдир.

Иқтисодий ўсиш моделларининг умумлаштирилган “каркаси”ни қуйидагича ўзиш мумкин. Ушбу каркасдаги ҳар бир аниқ моделни тўзаётганда айrim қўшимча ўзгарувчилар, чеклашлар, иқтисодий шароитлар ва имкониятлардан фойдаланиш мумкин.

$$Y_t = F(K_t, L_t, t); \quad (1)$$

$$Y_t = C_t + I_t; \quad (2)$$

$$K_t = K_{t-1} + I_t - W_t; \quad (3)$$

$$I_t = \alpha_t Y_t; \quad (4)$$

$$W_t = \beta K_t. \quad (5)$$

Ушбу моделлар нисбатиниг маъноси қисқача қуйидагилардан иборат:

- (1) ишлаб чиқариш функцияси формуласи: бу ерда та бөллиқ ҳолда моделда техник тараққиётни тасвирлашни киритиш мүмкін;
- (2) даромадларни истеъмол ва инвестицияга тақсимлашни күрсатувчи асосий макроиктисодий айният;
- (3) вақтинчалик инвестиция бўлмаган вазиятда инвестиция ва уни чиқиб кетишини ҳисобга олган ҳолда капитал ҳажми динамикасини ҳисоблаш формуласи;
- (4) жамғариш нормаси (dt) орқали даромадлар ва инвестицияларни боғлаб турувчи айният;
- (5) чиқиб кетишининг доимий нормаси (β) шароитида капитални чиқиб кетишини ҳисоблаш формуласи.

Ушбу тизимдаги энг асосий формула бўлиб ишлаб чиқариш функцияиси (1) ҳисобланади.

(1)-(5) модели биринчи марта 1956 йили Р. Солоу томонидан таклиф қилинган эди. Унинг турлича кўришинишлари ва усувларидан ҳозирги кунда ҳам кенг фойдаланилиб келинмоқда. Солоу моделида ишлаб чиқариш функцияси (1) ишлаб чиқариш омилларининг энг сўнги натижасини билдиради ва унда капитални жамғаришда инвестицияларга қилинган қўшимча харажатлар капиталдан фойдаланишдаги қўшимча самараларни қопламай қолган вазиятда тўхтатилади. Солоу модели пайдо булгунча Иқтисодий ўсишни кўрсатадиган модел бўлиб Ҳаррод-Домар модели (1939,1946) ҳисобланган. Уларнинг моделида ўсишни таъминлайдиган асосий омил бўлиб доимий капитал кайтими ўсиши ҳисобланган. Солоу модели Ҳаррод-Домар моделига нисбатан иқтисодий ўсишни изоҳлашда қўшимча кўрсаткичларга эга.

Демак, Ҳаррод-Домар моделида ўсишини таъминлайдиган асосий омил бўлиб капитал жамғариш ҳисобланар экан. У 1920-50 йиллардаги иқтисодий ўшишларни кўзатишларда кул келган, аммо кейинги йиллардаги кўзатишларга тўғри келмай қолган. Унинг асосий моҳияти:

1. Капитал унумдорлигининг доимийлигини, $v = dy/dk$;
2. Доимий жамғариш нормаси, $a = I/Y$;

3. Капитал чиқиб кетиши мүмкін әмаслиги, $W = O$;
4. Инвестицион үзүлиш ҳам нолға теңг, $dk(t)/dt = I(T)$;
5. Модел техник тараққиётни ҳисобға олмайды;
6. Ишлаб чиқариш мөхнат ҳаражатларига боғлиқ әмас, чунки мөхнат ресурслари камёб ҳисобланмайды.

Капитал унумдорлигининг доимий хусусияти, агарда мөхнат камёб ресурс ҳисобланмаса Леонтьевнинг ишлаб чиқариш функциясидан иборат бўлади. $Y(t) = \min ((aL(t); dK(t))$;

Моделда даромадларнинг ўсиш тезлиги инвестиция билан пропорционалдир. $dy/dt = BI(t) = BAU$;

Даромадларни қўшимча ўсиши dy/Ydt вақт билан доимийдир ва α в га тенг. У жамғариш нормасига ва капитал унумдорлигига пропорционал. Ҳаррод - Домар моделида инвестиция (I) ва истеъмол (C) ҳам шундай даражада усади. Бунда истеъмол билан инвестиция ўртасидаги қарама қаршиликлар шундан иборатки, яъни жамғариш нормаси (α) қанчалик юқори бўлса, истеъмолнинг ўсиш нормаси ҳам шунчалик юқори ва унинг бошлангич даражаси шунчалик кам бўлади. Бу қарама-қаршиликни хал қилиш учун истеъмол тўғрисида доимий равишда қўшимча маълумотларга эга бўлиш керак.

Агарда ишлаб чиқаришнинг талаб қилинаётган ўсиш даражаси аҳоли сони ва бандликнинг ўсиш даражасидан юқори бўлса, мөхнат камёб омил бўлиб ҳисобланмайды. Яъни, бунда мөхнатни капитал билан алмаштириб бўлмаса ва шунингдек техник тараққиёт ҳам бўлмаса ушбу модельда мөхнат лимитловчи омил бўлиб ҳисобланиши мүмкин. Умумий ўсиш даражаси мөхнатга қилинган ҳаражатларнинг ўсиш даражасига tengлашади, жон бошига истеъмол ва жамғариш даражалари эса ўсишдан тўхтайди. Ҳозирги даврда иқтисодий ўсишни таъминлашда техник тараққиёт, мөхнат ва капиталнинг сифати, бир-бирини алмаштириши ва биргаликда фаолият кўрсатишлари асосий ресурс ва омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу омилларни ҳисобға олмайдиган ўсиш назариясида, яъни, ўсишнинг асосий манбаи бўлиб, капитални физик жамғариш, ўсишни доимий равишда тартибга солиб турувчи

омил бўлиб ҳисобланади. Жамғариш нормаси эса аста-секинлик билан иккинчи планга тушиб қолади.

Иқтисодий ўсишни тарифлайдиган бошқа бир модел бўлиб Р.Солоу модели ҳисобланади. Ҳаррод -Домар моделига нисбатан Солоу модели макроиқтисодий жараёнларнинг айрим томонларини тўлиқрок очиб беради. Яъни, биринчидан бу моделда ишлаб чиқариш функцияси тўғри чизиқдан иборат эмас ва унумдорликнинг камайиб бориши каби хусусиятларга эга. Иккинчидан, модел асосий капиталнинг чиқиб кетишини ҳисобга олади. Учинчидан, Солоу модели меҳнат ресурслари ва техник тараққиёт динамикаси ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини ҳисобга олади. Тўртинчидан, бу ерда кўпгина холларда истеъмол даражасини максималлаштириш вазифаси қуйилади ва хал қилинади.

Биз Солоу моделини тўлиқ изоҳлаб бермокчи эмасмиз, балки унинг асосий йўналишилари, хусусиятлари ва хulosаларини келтириб утмокчимиз.

Солоу моделининг қўриниши ва хусусиятлари:

1. Ишлаб чиқариш функцияси қўйидаги қўринишга эга:

$Y=F(K,L)$; бу ерда Y - ишлаб чиқариш ёки даромад; K - капитал; L - меҳнат.

Масштаб кайтими доимий $F(ZK,ZL) = ZF = (K,L)$. Омиллар унумдорлиги ижобий, аммо камаювчи бўлиб ҳисобланади: $Y'k > 0$; $Y'l > 0$; $Y''kk < 0$; $Y''ll < 0$.

2. Капиталнинг W чиқиб кетиши миқдори унинг миқдорига K пропорционал:

$W = \beta K$. бу ерда β чиқиб кетиши нормаси.

3. Жамғариш нормаси доимий ва инвестиция I эса αY га teng.

4. Даромадлар Y истеъмол ва инвестицияга буланида: $Y=C+I$;

5. Бандлар сони L эса н даражада доимий усади.

6. Меҳнатни тежайдиган техник тараққиёт г даражага эга, яъни бир ишчига г дарака билан бирга усади.

Қисқача хulosалар.

1. Мамлакат иқтисодий ўсиши икки хил усулдан фойдаланган ҳолда аниқланар экан. Биринчиси, мамлакатда етиштирилаётган маҳсулотларни утган даврга

нисбатан солишириш ва иккинчиси, мамлакатда етиштирилган маҳсулотларни утган даврга нисбатан аҳоли жон бошига солишириш орқали аниқланар экан.

2. Иқтисодий ўсишни аниқлаш ва асослаб бериш жараёнларида қуидагиларга эътибор берилар экан: Иқтисодий ўсишни аниқлаш, ўсиш омиллари, Иқтисодий ўсиш омиллари ва бошқалар. Иқтисодий ўсиш суръатлари базисли ўсиш суръатлари, занжирли ўсиш суръатлари, қўшимча базисли ва занжирли ўсиш суръатлари ёрдамида аниқланади.

3. Кейнсианчилар иқтисодий ўсишни биринчи навбатда талаб омилларига боғлашади ва улар таъкидлашича давлат фискал ва пул-кредит сиёсати орқали уни бошқариб туриши мумкин. Иқтисодий теория тарафдорлари таъкидлашича Иқтисодий ўсиш авваламбор таклиф омилларига боғлашади, яъни олдиндан уйланган солиқ тизими орқали рағбатлантирилиб борилади деб ҳисоблашади. Кўпгина Иқтисодчилар фикрича Иқтисодий ўсиш давлатнинг индустрисал сиёсатини Ташкил қилишда катнашишига олиб келади.

4. Иқтисодий ўсиш фойдаланилаётган ресурсларнинг сони ва сифатига ҳамда технологияга боғлиқ экан. Агарда буларни яхлитлаштирилса улар экстенсив ва интенсив ўсишга бўлинади. Ишлаб чиқариш ресурслар миқдорини ўзгартирган ҳолда усса интенсив омиллар ҳисобига амалга ошган ҳисобланади. Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатадиган омилларга табиий ресурслар сони ва сифати, меҳнат ресурслари сони ва сифати, капитал, технология ва бошқалар.

5. Иқтисодий ўсиш моделлари деганда иқтисодий ўсишни аниқлашда фойдаланиладиган моделлар тушинилади. Бу моделлар бир нечта Иқтисодий формулалар ёрдамида изоҳланади. Худди шундай моделларга Р.Солоу, Ҳаррод-Домар, Леонтьев ва бошқаларни киритишимиз мумкин.

Таянч иборалар.

Иқтисодий ўсиш, аҳолининг ўсиши, ФТТ, ЯММ, СММ утган даврга нисбатан солишириш, Иқтисодий ўсиш усуллари, инсон капитали инвестицияси, инновация, экстенсив ва интенсив Иқтисодий ўсиш, Иқтисодий ўсишни ўлчаш, ўсиш омиллари, Иқтисодий ўсиш моделлари, истеъмол ва

инвестиция, базисли ва занжирли ўсиш суръати, базисли ва занжирли қўшимча ўсиш суръатлари, абсолют кўрсаткич, абсолют қўшимча ўсиш, қўшимча ўсиш даражаси, табиий, инсон, капитал ресурслар, технология, сифат назарияси, солик тизими, трансферт дастурлари, Лоренц эгри чизиги, Р.Солоу ва Ҳаррод-Домар модели, доимий жамғариш нормаси, капитал унумдорлиги доимийлиги, инвестицион ўзилиш ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси ва уни ўлчаш усулларини изоҳлаб беринг.
2. Иқтисодий ўсиш суръатлари қандай аниқланади ?
3. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларни формулалар ёрдамида тушинтириб беринг.
4. Иқтисодий ўсиш қандай салбий оқибатларга олиб келади ?
5. Иқтисодий ўсищда Лоренц эгри чизигининг қандай алоқаси мавжуд ?
6. Иқтисодий ўсиш моделларининг умумлаштирилган каркасини қандай ёзиш мумкин.
7. Р.Солоу ва Ҳаррод-Домар моделларини тушунтириб беринг.

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение.: 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург. 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”.-Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костьюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996

13-Боб: Ҳалқаро савдо назарияси.

13.1. Ҳалқаро савдо ривожланишининг аҳамияти ва унинг асосий кўринишлари.

13.2. Ташқи савдо контрактларини тўзиш ва уларнинг турлари.

13.1. Ҳалқаро савдо ривожланишининг аҳамияти ва унинг асосий кўринишлари.

Жаҳон савдоси Ташқи Иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чукурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда ҳалқаро молия-валюта кредит муносабатлари ривожланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаблар билан изоҳланади. Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида текис тақсимланмаганлигидир.

Ҳалқаро савдо ривожланишининг зарурлигини аниқловчи иккинчи муҳим сабаб-бу турли мамлакатларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир хил ривожланмаганлигидир.

Бу икки объектив сабаб ҳар қандай миллий Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариши жараёнида ҳалқаро савдонинг аҳамиятини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида ҳалқаро савдо ҳажми АҚШда ялпи миллий маҳсулотнинг 16-18 фоизини, Германияда 30-39 фоизини Ташкил этди. Шу даврда Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотида Ташқи савдонинг улуши 10-12 фоиз атрофида булди.

Ташқи савдо ҳалқаро айирбошлишнинг анъанавий шакли сифатида қуйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- маҳсулотларни айирбошлиш: ёкилги-хом ашё маҳсулотлари, кишлок хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;
- хизматларни айирбошлиш: мухандислик-маслаҳат хизматлари, транспорт хизматлари, туризм ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги хиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;

- янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва “ноухоу” лар. Улар хиссасига ҳалқаро савдо оборотининг 10 фоизига яқини тўғри келади.

Ҳалқаро савдо маҳсулотлар, хизматлар ва фан-техника маълумотларини айирбошлашнинг барча кўринишлари Ташки савдо операциялари ёрдамида амалга оширилади. Улар ўз навбатида экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операцияларига бўлинади.

Экспорт операцияси-маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.

Импорт операцияси-маҳсулотни ҳорижий шериқдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.

Реэкспорт операцияси - аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.

Реимпорт операцияси - аввал экспорт қилинган ва у ерда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

13.2. Ташки савдо контрактларини тўзиши ва уларнинг турлари.

Ташки савдо операциялари турли мамлакатлардаги шерикларининг маълум изчилликда амалга ошириладиган харакатларни ифодалайди. Бу харакатлар бозорини ўрганиш, унинг рекламаси, сотиш тармокларини яратиш, тижорат таклифларини ўрганиш, музоқаралар утказиш, контрактлар тўзиши ва уни бажаришни ўз ичига олади. Контракт битим катнашчилари яъни, шериклар ўртасидаги тижорат муносабатлари расмийлаштириладиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Савдо соҳасидаги битимнинг бошқа бир катнашчиси шерик - контрагент деб аталади.

Хар қандай савдо операцияси бозорни ўрганишдан бошланади. Талаб ва уни кенгайтириш йўллари, нарх даражаси ва ўрганиш тенденцияси, рақобатнинг кескинлиги, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва ривожланиш имкониятлари ва хоказолар ўрганилади. Контрактларни тўзиш бўйича тайёрлов ишларини муҳим боскичи чет эллик шерикни аниқлаш, унинг фаолияти хусусияти ва ҳажмини, Хуқуқий ва молиявий аҳволини ва ишончлилигини ўрганиш ҳисобланади.

Ташқи савдо битим катнашчиларидан бири ўз шеригини аниқлагандан сўнг унга таклиф киритади. Бу таклиф “оферта” деб юритилиб, катъий ва эркин бўлиши мумкин.

Катъий таклиф - бу фақат бир харидорга маҳсулотни сотиш учун қилинган таклиф бўлиб, таклиф килган томон бу харидордан жавоб олмагунча ёки таклифда кўрсатилган муддат тугамагунча бошқа шерикга мурожаат қилиш Хуқуқига эга эмас. Агар харидор қилинган таклифга розилигини билдирса, у ҳолда битим тўзилган ҳисобланади.

Эркин таклиф - бу сотувчини боғлиқ қилиб куймайдиган ҳамда жавоб учун муддат белгиланмаган таклифdir. Бунда сотувчи бир неча харидорга бир вақтда таклиф қилиши мумкин. Агар улардан бири сотувчига ўз розилигини билдирса, у ҳолда битим тўзилган ҳисобланади.

Контрактда аниқланадиган шартларга кура улар қуидаги гурухларга бўлинади:

- узоқ муддатли (3-5 ва ундан ортиқ йилга), бу обьектлар кўриш, қўшма ишлаб чиқариш, молларни мунтазам етказиб бериш ва шу кабилар;
- бир марталик - бу шериклар ўртасида бевосита алоқаларни тез айирбошлиш мақсадида тузилади;
- муддатли - маҳсулотни катъий белгиланган вақтда етказиб беришни кўзда тұтади. Бу шарт бўзилганда харидор контрактдан воз кечиш Хуқуқига эга;
- маҳсус - бу лойиҳа ва монтаж ишларига, техник хизмат кўрсатишга, эхтиёт кисмларни етказиб бериш ва шу кабилар юзасидан тузилади;
- чегаравий - битимнинг асосий шартларига эга бўлиб, улар ишларни бажариш мобайнида аниқланади;
- ниятлар хақида шартномалар - бунда фақат сотувчининг маълум маҳсулотларни сотиш нияти ва харидорни уларни катъий мажбуриятларсиз сотиб олиш нияти белгиланади.

Жаҳон амалиётида битимларни тайёрлашни енгиллаштириш мақсадида бир неча бўлимлар ёки кисмларни ўз ичига олувчи бир шаклдаги контрактлар кулланилади:

1. Томонларни аниқлаш, яъни сотувчи ва харидор сифатида катнашувчи корхона ва Ташкилотларнинг номи.
2. Контрактнинг предмети ёки шартнома тўрини ва олди-сотдига мўлжалланган маҳсулотни таърифлаш.
3. Мол етказиб беришнинг базис шартлари, сотувчи ва харидор ўртасидаги маҳсулотларни ташиш унинг хақини тўлаш, хужжатларни расмийлаштириш буйиса мажбуриятларни тақсимлайди, шунингдек маҳсулотга эгалик Хуқуқини сотувчидан харидорга ўтиш ҳолатини аниқлайди.
4. Етказиб бериш муддати - унда маҳсулотни муддатдан аввалрок етказишга рухсат олиш Хуқуқи ва тартиби келишиб олинади.
5. Маҳсулот микдори - у асосан физик бирликларда кўрсатилади.
6. Нарх ва контрактнинг умумий баҳоси.
7. Тўлов шартлари.
8. Маҳсулотларни ураш ва маркировкалаш.
9. Сотувчиларнинг кафолатлари, яъни, уларни харидорга маълум сифатдаги маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятлари.
10. Суғурта қилиш юкларини ташишда юз беридаган йўқотишларни қоплашни кўзда тўтади.
11. Енгиб бўлмас кучлар ҳолати ёки “форс-мажор” ҳолати.
12. Санкциялар ёки контракт шартлари бўзилганда кулланиладиган таъсир этиш тадбирлари.
13. Низоларни арбитраж ва суд томонидан кўриб чиқилиши томонлар ўртасида жиддий келишмовчиликлар юзага келган холларда кўзда тўтилади.
14. Контрактнинг бошқа шартлари жумласига контрактларни тўзиш ўзгартириш ва тўхтатиш тартиби, даволарни билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби ва муддати, юклаш бўйича қоидалар ва маҳсулотни етказиб бериш хақидаги хабар ва бошқалар киради.

Ҳалқаро савдода олди-сотди контрактларидан ташқари шунингдек пудрат контрактлари, ижара контрактлари ва мукобил савдодаги контрактлар тузилади.

Қисқача хуносалар.

1. Ҳалқаро савдо назария 19 аср бошларида Давид Рикардо томонидан аниқланган таққослаш имкониятлари концепциясига асосланган. Бу концепцияга асосан бирор бир мамлакат бошқа мамлакатга нисбатан бирорта товар ишлаб чиқаришларда имкониятларга эга бўлади ва ушбу товарни ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

2. Умуман ташқи савдо муносабатлари икки муҳим объектив сабабларга, яъни табиий ва хомашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида бир текис тақсимланмаганлиги ҳамда мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларининг бир хил ривожланмаганлигига кура пайдо бўлган.

3. Ташқи савдо алоқаларига маҳсулотларни айирбошлиш, хизматларни айирбошлиш ва янги илмий-техник маълумотларни айирбошлиш киритилади. Бу айирбошлишларнинг барча кўриниши ташқи савдо операциялари, яъни экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операциялари ёрдамида амалга оширилади.

Таянч иборалар.

Ташқи савдо, ҳалқаро савдо, абсолют имкониятлар, таққослаш имкониятлари, савдо шартлари, реклама, тижорат таклифлари, савдо имкониятлари линияси, савдодан ютиш, музоқаралар утказиш, контрактлар тўзиш, шериклар ўртасида муносабатларни расмийлаштириш, шерик контрагент, шерикни аниқлаш, шерик фаолиятининг хусусияти ва ҳажми, Хукуқий ва молиявий ахволи ва ишончлилигини аниқлаш, оферта, катъий ва эркин таклиф, узоқ муддатли, бир марталик, муддатли, маҳсус, чегаравий шартномалар, томонларни аниқлаш, контрактнинг предмети ёки шартнома тўрини аниқлаш, базис шартлари, етказиб бериш муддати, маҳсулот миқдори, унинг умуний баҳоси, сотувчиларнинг кафолатлари, сугурталаш, форс-мажор,

санкция, арбидраж ва суд, пудрат, ижара ва мукобил савдодаги контрактлар ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Ҳалқаро савдони ривожлантиришнинг объектив ва субъектив сабаблари.
2. Ҳалқаро савдонинг қандай шаклларини биласиз ?
3. Ҳалқаро савдода савдо контрактлари қандай тузилади ? Контракт битим катнашчилари кимлар бўлади.
4. Савдода ўз шеригини аниқлагандан кейин қандай таклиф киритилади .
5. Контрактлар аниқланадиган шартларига кура қандай гурухларга бўлинади ? Савдо битимларини енгиллаштириш мақсадида қандай контрактлар тузилади ?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоиснтреение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Уқитувчи. 1994
8. В.Н.Костюк. “Макроэкономика”.М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета.:1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Ҳақимова. “Макроиктисодиёт”. Т.: “Мехнат”. 1997

14- Боб: Савдо сиёсати.

- 14.1. Божхона тарифлари назарияси.
- 14.2. Божхона тарифларини ишлаб чиқарувчиларга, истеъмолчиларга ва мамлакат аҳолиси турмуш даражасига таъсири.
- 14.3. Тарифларни қўлловчи ҳамда уларга қарши фикрлар.
- 14.4. Импорт квоталари ва лицензияларини тақсимлаш услублари.
- 14.5. Демпинг ва демпингга қарши тадбирлар.

14.1. Божхона тарифлари назарияси.

Савдо сиёсати - давлат томонидан ҳалқаро савдога солик, субсидия, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклаш сиёсатлари олиб бориш орқали таъсир кўрсатиш ҳисобланади.


Мамлакат ташқи савдосини чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чора-тадбирлар аҳоли турмуш фаолиятининг пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи-назардан олиб карасак эркин ташқи савдо сиёсати фойдалирок бўлиб ҳисобланади. Аммо, амалиётда ташқи савдони чеклашнинг 50 дан ошикрок тури мавжуд. Уларнинг айримлари давлат газнасини тулдиришга йуналтирилган бўлса, бошқа бирлари эса умуман импортни чеклашга ва яна бошқа бир тадбирлар эса экспортни чеклашга ёки рағбатлантиришга йуналтирилган. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатлардаги катта-катта иқтисодчи ва сиёсатчи гурухлар протекционизмни кучайтиришни қўллаб-куватлашади. Савол туғилади, агарда ташқи савдони чеклаш натижасида аҳоли турмуш фаолияти ёмонлашса протекционизмни кенг қўллаш нима билан боғлиқ ?

Яъни, кўпгина аргументлар протекционизмга ён босса ҳам, у хато ҳисобланади. Чунки уни иқтисодий таҳлиллар ёрдамида асослаб бериш мумкин. Эркин савдо жаҳон иқтисодиёти нуқтаи-назаридан фойдали бўлиш мумкин, аммо алохида олинган мамлакат иқтисодиёти нуқтаи-назаридан эса эркин савдо ҳамма вақт ҳам фойдали ҳисобланавермайди. Айрим ҳолатларда

савдо чеклашларини ташқи савдо ютуқларини қайта тақсимлашда, яни, бир мамлакат аҳолиси турмуш фаолиятини ёмонлаштириш эвазига оширишда фойдаланиш мумкин. Улардан шунингдек гурухлар ўртасида оладиган даромадларини қайта тақисимлашда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ташқи савдо сиёсатини ишлаб чиқишида олиб бориладиган Ташқи савдо сиёсатининг иқтисодий таҳлили катта аҳамиятга эгадир.

Ташқи иқтисодий савдони тартибга солишнинг энг асосий усулларидан бири бўлиб божхона божлари ва таърифлари ҳисобланади. Таъриф, яни импортга божхона божи савдо сиёсатининг энг кадимий усулларидан бири бўлиб ҳисобланади ва доимий равишида давлат газнасини тулдириш учун фойдаланилади. Аммо, тариф нафақат давлат газинасини тулдиришда фойдаланилади, балки миллий ишлаб чиқарувчиларни импорт рақобатидан ҳимоя қилишида ҳам фойдаланилади. Тарифларни ўзгартириш орқали давлат экспорт ва импортни рағбатлантириши ва шу йўл билан ишлаб чиқариш ва истеъмол муносабатларига таъсир этиши мумкин.

Божхона божи - бу мамлакатга олиб келинаётган ёки мамлакатдан олиб чикилаётган маҳсулотларга солинадиган мажбурий солиқдир. Ҳалқаро амалиётда божхона божларининг турли хиллари кулланилади ва уларни ҳисоблаш йўллари, ифодаланиши ҳамда ҳаракат соҳасига кура қўйидагича гурухлаш мумкин.



Чизмадан кўриниб турибдики, амалиётда кулланиладиган божхона божлари турлича. Агар уларнинг ҳисоблаш бўйича гурухланишини курадиган бўлсак, маҳсулот нархига нисбатан фоизда белгиланадиган адвалер божлар жаҳонда кўпроқ тарқалган. Шу сабабдан ҳам божнинг бу тури кулланиладиган мамалкатларда маҳсулотнинг бож қийматини яъни, адваллер божларини ҳисоблашига асос бўладиган маҳсулотнинг нархини аниқлаш усуllibriga катта эътибор берилади. Бож қиймати импорт ва экспорт килувчи, ташувчи ёки уларнинг ишончли вакиллар томонидан маҳсулотлар баённомасида кўрсатилади ва шунга мувофиқ ҳужжатлар билан тасдикланади.

Божхона божларининг ифодаланиши ва фаолият соҳаси бўйича бирлаштирилган иккинчи гурухи аввало импорт божлари ва экспорт божларига ажралади.

Импорт божлари давлат бюджетини тулдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Ўз навбатида улар энг кам ва энг кўп миқдордаги импорт божларига бўлинади. Энг кам миқдодаги импорт божлари ўзаро кулай шароитларни яратиб беришни қўзда тутувчи савдо шартномалари ва битимлари бўлган мамлакатлар маҳсулотларига урнатилади. Энг кўп миқдордаги импорт божлари эса бундай шартнома битимлар тузилмаган мамлакатлар маҳсулотига нисбатан урнатилади.

Экспорт божлари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар такчиллигини олдини олиш мақсадида белгиланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиши тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек божхона божлари ставкаси яъни, уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифларини ишлаб чиқариш, табиий фарқлар (хайвонот ва усимлик дунёси), қайта ишлаш даражасига (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар) кура тақсимланган маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилар (классификаторлари) асосида курилган.

Бу классификаторлар маҳсулотларини тарифлаш ва шартли белгилашнинг уйгунаштирилган тизими бўлиб унда олти хонали шартли ракам белгига эга бўлган маҳсулот хақидаги асосий маълумотлар ҳамда унинг маҳсулотлар номенклатурасидаги урни кўрсатилган.


Божхона тарифлари бир ёки бир неча бож миқдорлари устунига эга бўлиши мумкин, яъни улар оддий ва мураккаб бўлади. Оддий божхона тарифлари устуни маҳсулотлар келиб чиқсан мамлакатлардан катъий назар маҳсулотларга ягона ставкаларни қўзда тўтади. Мураккаб божхона тарифлари устунида эса, маҳсулот бир неча бож ставкаларига эга бўлади ва у ёки бу мамлакатга унда вужудга келган Иқтисодий ва сиёсий вазиятларга қараб танлов асосида кулланилади.

14.2. Божхона тарифларининг ишлаб чиқарувчиларга, истеъмолчиларга ва мамлакат аҳолиси турмуш даражасига таъсири.

Божхона тарифлари аввалом бор импорт билан рақобатлашадиган миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилишдан иборат. Агарда тарифларни жорий қилиш орқали импорт чекланса, миллий ишлаб чиқариш сотилаётган маҳсулотлар

14.1-чизма.

Тарифнинг ишлаб чиқарувчилар манфаатига таъсири.



ҳажмини ошириш ва тарифни жорий қилиш орқали нархларнинг ошиши ҳисобига сотади. Миллий ишлаб чиқаришнинг таърифи жорий қилиш орқали сотишни биз графикда ҳам кўришимиз мумкин.

Тариф миллий ишлаб чиқаришни P_w дан P_w+1 гача ошишига олиб келади. Миллий ишлаб чиқарувчилар бу ўсишни улар учун кулай бўлган вазиятгача, яъни S_1 дан S_2 гача давом эттиради. Айнан S_2 нуқтада ишлаб

чиқариш харажатлари бозор нархига $Pw+t$ тенглашади. Ундан юқориси миллий ишлаб чиқарувчилар учун фойдали ҳисобланмайди. Чунки ишлаб чиқариш харажатлари бозор нархидан ошиб кетади. Ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаси ялпи тушум билан харажатлар ўртасидаги фарқга teng. Юқоридаги чизмада ишлаб чиқарувчиларнинг ялпи тушуми тарифни жорий килгунгача $OPwDS1$ (яъни, P^*wS1) тўғри тўртбурчак майдонига teng. қачонки ишлаб чиқариш харажатлари эгри таклиф майдонига teng экан, миллий ишлаб чиқарувчилар фойдаси ҳалқаро нарх тўғри чизиги (Pw) эгри харажатлар (яъни, эгри таклифга мос келадиган Sh) нархларнинг вертикал тўғри чизигидан Ташкил топган учбурчак шаклида олади. Тариф маҳсулотлари нархини $OPwDS$ дан $Pw+t$ гача оширап экан миллий ишлаб чиқарувчиларнинг тушуми $OPw DS1$ тўғри тўртбурчак майдонидан $OPw+tCS2$ тўғри тўртбурчак майдонигача оширади. Уларнинг фойдаси эса тарифни жорий килгандан кейинги эгри харажатлар ва нархнинг вертикал тўғри чизиги асосида Ташкил қилинган учбурчак шаклини олади. Демак, тариф жорий килгандан кейин миллий ишлаб чиқарувчилар фойдаси е+а кўринишидаги учбурчак майдонига teng.

Олдинги саволларда айтилганидек тарифларни жорий қилиш орқали импорт товарлари ва нархнинг ошиши биринчи ўринда истеъмолчиларга таъсир этади. Чунки тариф нафақат импорт товарларини балки, миллий товарларни ҳам нархини ошириб юборади. Истеъмолчилар товарларни сотиб олиш учун кўпроқ сарф қилишга ёки камроқ микдорда сотиб олишга ёхуд иккаласини бараварига олиб боришга мажбур бўлишади. Демак тарифларни жорий қилиш истеъмолчилар имкониятларини ёмонлаштиради.

Импортга тариф жорий қилинмаган шароитда эркин ҳалқаро нархларда айирбошлишлар амалга оширилади.

Миллий ишлаб чиқариш билан ҳорижий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат ички нархларни ҳам ҳалқаро нархларга тенглаштириб куяди.

Тариф ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархини ошириши натижасида ҳажмини камайтиришга олиб келади. Демак мос равища тарифлар истеъмолчиларнинг қўшимча маҳсулотларини сотиб олишдан сотадиган

имкониятларни камайтиради. Истеъмолчиларнинг тарифни жорий қилиш натижасида ютказадиган соф йўқотишларни кичкина $a+b+c+d$ чегарасида Ташкил топади.

Истеъмолчиларнинг тарифни жорий қилиш натижасида йўқотишлар миқдорини аниқлаш учун импорт товарларни тариф жорий қилишдан олдин ва тариф жорий қилишдан кейинги қийматини шунингдек ушбу товарга бўлган талаб ҳажмини билиш лозим.

Агарда тарифни жорий қилиш натижасида истеъмолчилар $a+b+c+d$ чегарасида йўқотишса ишлаб чиқарувчилар а чегарасида ва давлат хазинаси с чегарада нуқталарга эга бўлса, тарифларни жорий қилиш мамлакатга қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

Тарифларнинг истеъмолчиларга, ишлаб чиқарувчиларга ва давлат хазинасига таъсирини умумлаштириб импорт килаётган мамлакатга таъсирини аниқлаш мумкин. Жамият учун тарифларни жорий қилишдан келадиган соф йўқотишлар $b+d$ чегарасидан иборат. Д чегараси (кўпроқ тарифнинг истеъмол самараси деб юритилади.) импорт килаётган мамлакат истеъмолчиларининг ушбу товарларни истеъмол қилишни камайтириш натажасидаги йўқотишларни кўрсатади. В чегараси (кўпроқ тарифнинг ишлаб чиқариш самараси деб юритилади.) мамлакат ичкарисидаги ишлаб чиқаришнинг кўпайиб кетиши натижасида вужудга келади.

Умуман божхона тарифлари амалда аҳоли турмуш даражасини камайтиради. Чунки, истеъмолчилар ишлаб чиқарувчилар ва давлат ютуқларига нисбатан кўпроқ йўқотишади. Тарифлар истеъмолчиларнинг импорт қилинаётган маҳсулотлардаги даромадларини бошқа ижтимоий гурӯхлар манфаатига қайта тақсимлайди.

14.3. Тарифларни кулловчи ҳамда уларга қарши фикрлар.

Божхона тарифлар асосан миллий даражада кулланилади ва бунда қатор вазифаларни бажаради.

- 1) фискалъ, яъни давлат бюджети даромадларини тулдириш манбай бўлиб хизмат қиласди;
- 2) протекционистик, яъни миллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қиласди;
- 3) бошқарув, яъни иқтисодиёт тузилишини қайта кўришни бошқариш воситаси ҳисобланади ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги илгор силжишлар рагбалантирилади.

Миллий иқтисодиётни тикланиши шароитида кўпгина давлатлар ўз ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини куллайдилар. Акс ҳолда маҳаллий корхоналар “синиши” жамиятда ишсизлик хавфини тугдиради. Шу билан бирга протекционизм сиёсатини қўллаш салбий оқибатларни олиб келиши мумкин. Улар асосан Иқтисодиётнинг ҳимоя қилинаётган соҳаларида ресурсларни самарасиз сарфланишига олиб келади.

Агар мамлакатлар божхона иттифокига бирлашсалар унда божхона тарифи барча иштирокчи мамлакатлар учун уларнинг савдо муносабатларида ягона бўлиб қолади (масалан, Европа Иқтисодий ҳамжамияти). Божхона тарифлари миқдори алохида мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон хўжалигида юз беряётган жараёнлар таъсирида юз беради. Умумжаҳон божларининг пасайиш тенденцияси қўзатилмокда ва у икки томонлама ҳамда қўп томонлама музоқаралар асосида мамлакатлар томонидан рағбатлантирилади ва назорат қилинади. Асосан ГАТТ доирасида утказилган бундай музоқаралар натижасида бож-тариф ён беришларини айирбошлиш хақида битимлар тўзилган эди.

Божхона тарифлари божларидан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишининг билвосита эгилувчан усуллари сифатида турли солиқ турлари кенг қулланилади. Бунда фақат Ташқи солиқ тизимидағи эмас, балки ички солиқ тизимидағи солиқ турларидан ҳам фойдаланилади.

Фақат ташқи иқтисодий битимларни тартибга солища қулланиладиган солиқларга импорт ва экспортга солиқлар киради. Улар олиб келинаётган ёки

олиб чикилаётган маҳсулотларга уларнинг оқимларини тартибга солиш, яъни рағбатлантириш ёки тўхтатиш мақсадида белгиланади.

Кўпгина мамлакатларда импорт тушумларига солиқлар кенг қулланилса экспорт маҳсулотини сотищдан тушумларга солиқлар эса имтиёзларга эгадир. Бу экспортни рағбатлантиришга ички ва Ташқи бозорлардаги нархлар фарқи кўп бўлганда ўз маҳсулотлари каби импорт маҳсулотларига ҳам мамлакат ичида сотиши учун бир хил шароитлар яратиш имконини беради. Ташқи Иқтисодий фаолият, шунингдек ички солиқлар тизими ёрдамида ҳам тартибга солинади. Давлат сотищдан олинган фойдага пул капиталидан даромадларга капиталнинг қўшимча ўсишига қимматбаҳо қоғозларга, ортиқча фойдага ва бошқаларга солиқларни белгилаб ўзининг ҳамда ҳорижий ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти учун кулай ва кулай бўлмаган шароитларни яратиш мумкин.

14.4. Импорт квоталари ва лицензияларини тақсимлаш услублари.

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишининг билвосита усулларига караганда бевосита услларидан кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усуллар ўзининг мазмунига кўра иқтисодий, маъмурий, меъёрий - Хукуқий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий ҳарактердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалган ҳисобланади.

Лицензиялаш - бу ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат Ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ҳамда, молия операцияларини уtkазиш, ҳорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар киради. Ўзбекистонда лицензиялар факат давлат рўйхатида кайд этилган Ташқи Иқтисодий фаолият катнашчиларига берилади. Бошқа юридик шахсларга бериш такикланган.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини каттик тартибга солишга, баъзи холларда уларни вақтинча

чегаралашга ва шу асосда Ташқи Иқтисодий такчиллик ўсишининг тўхташига ҳамда савдо балансининг тенглаштиришга имкон беради.

Маҳсулотлар ва ишчи ва хизматчилар экспорти ва имортига лицензиялар бериш хуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуидаги бошқарув Ташкилотлари эга: Вазирлар Махкамаси, Молия, Адлия, Ички ишлар, Согликни саклаш, Ҳалқ таълими вазирликлари, шунингдек Марказий банк.

Белгиланган чегаралар доирасида амалга ошириладиган битимларга лицензиялар ҳар бир алоҳида битим учун мол етказиб бериш ҳажми ёки қийматига ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан берилади.

Молия операцияларини утказишга лицензиялар асосан Республика Молия вазирилиги ва Марказий банк томонидан ўз ва ҳорижий банкларга, Молия муассасаларига берилади. Улар молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарсида чет эл валютаси билан опреацияларини амалга ошириш, ҳорижий молия кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш Хуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсулотлар шунингдек, ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг кулланалиди.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки унда ваколатли давлат ёки ҳалқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар груҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга микдорий ёки қиймат чегараларини белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балнсларини ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун музоқараларда ўзаро келишувга эришиш учун қулланилади. Ўзбекистонда квоталаш ҳалқ истеъмоли молларини ва стратегик хомашёнинг муҳим турларини олиб чиқиши чегаралаш усули сифатида қулланилмоқда.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларини эмас, балки ишчи кучи оқимларини тартибга солища кулланилади. Кўпгина ривожланган

мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида ҳориждан ишчи кучи импортига квоталар урнатади.

14.5. Демпинг ва демпинга қарши тадбирлар.

Ташки савдони тартибга солишнинг бевосита тарифли бўлмаган усуллари гурухига божхона божларининг маҳсус демпингга қарши, компенсацион ва бошқа турлари киради.

Баъзи холларда мамлакатлар томонидан маҳсус божхона божлари кулланилади. Масалан, масулотлар олиб келиш ҳажми ва шарти маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга зарар келтирса ёки мамлакат манфаатларига зид бўлганда кулланилади. Маҳсус божхона божларининг миқдори ҳар бир аниқ ҳолат учун алоҳида урнатилади.

Демпинга қарши каратилган божлар жаҳон амалиётида кенг кулланилиб ўзида қўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар одатда жаҳон нархларидан ёки импорт килаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича экспорт қилинаётган маҳсулотларга урнатилади. Бу божларни белгилаш хақидаги карорни ҳалқаро суд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар мурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдорини ва тўлаш тартибини белгилайди. Масалан, демпингга қарши божлар ўз валюта ресурсларини тулдириш мақсадида жаҳон бозорига хомашё ресурсларини экспорт қилишни кўпайтирган собик иттифокдош республикаларига нисбатан фаол кулланилмоқда.

Компенсацион божлар. Олиб келинаётган маҳсулотлар каби олиб чикилаётган маҳсулотларга ҳам белгиланади. Улар ишлаб чиқариш ёки экспорт қилишда субсидиялар ажратилган ва бу олиб келиш ёки олиб чиқиш миллий ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга зарар етказиши мумкин бўлганда кулланилади. Бундай ҳолат давлат мамлакатга етказилган зарарни ёки давлатнинг молиявий харажатларини қоплаши лозим бўлган божларини урнатади. Компенсацион божлар миқдори аниқланган субсидиялар миқдоридан ошмаслиги лозим.

Сўнги ун йилликларда экспортни ихтиёрий чегаралаш ва энг кам импорт баҳоларини белгилаш хақида битимлар тўзиш амалиёти кенг тарқала бошлади. Савдо чеклашларининг бу янги турларининг хусусиятлари уларни урнатишнинг ноанъанавий усулидан иборат. Яъни импорт килувчи мамлакатни ҳимоя килувчи савдо туsicлари импорт килувчи мамлакат чегарасида киритилганда экспортни ихтиёрий чегаралаш кулланилади. Худди шунга ўхшаш энг кам импорт баҳосини урнатиш ҳам амалга оширилади. Бундай баҳоларни урнатган импорт килувчи мамлакатлар билан контрактлар тўзишда бунга экспорт килувчи фирмалар томонидан катъий амал қилинмоги лозим. Экспорт баҳоси энг кам даражадан пасайтирилган ҳолда импорт килувчи мамлакат демпингга қарши бож киритади ва уни қўллаш бозордан чиқишига олиб келиши мумкин.

Экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари кулланилади, яъни тажриба конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар бериш кўзда тўтилади.

Рўйхатга олиш урнатилган шаклда тулдирилган рўйхатга олиш варакасини тақдим этиш, рўйхатга олинганлик ракамини бериш, Ташқи Иқтисодий алоқа катнашчиларини расмий равишда чоп этиладиган давлат рўйхатлари тупламига киритиш ва рўйхатга олинганлик хақидаги гувохномани беришни ўз ичига олади.

Маҳсулот баённомаси - бу ташқи иқтисодий алоқа катнашчисининг маҳсулотни давлат чегарасини кесиб утаётгани хақида ушбу мамлакатда урнатилган қоидаларга мувофиқ берган расмий аризасидир. У икки кўринишида, яъни божхона баённомаси бўйича ва товар - транспорт харажатлари бўйича (етарли малака ва тажрибага эга бўлган ташқи иқтисодий бирлашмалар учун) амалга оширилади. Баъзи фукаролар мамлакатга киришда ва чиқишида ташилаётган буюмлар, мулк шу жумладан валюта хақида баённомани бир хил андозадаги варакаларга тулдиришлари лозим.

Ташилаётган юкларга баённома Ташқи Иқтисодий операция катнашчиси томонидан ҳар бир масулот учун тулдирилади ва унда операция тури (экспорт ва импорт) маҳсулот номи, экспорт ва импорт қилинаётган мамлакат, валюта, маҳсулотнинг умумий ҳақиқий баҳоси ва бошқалар кўрсатилади. Бу ҳужжат асосида импорт, экспорт учун солиқлар миқдори аниқланади, ҳорижга пулларнинг уtkазилишининг тўғрилиги назорат қилинади. У фақат Ташқи савдога эмас, балки бутун Ташқи Иқтисодий фаолиятга тўсиқ бўлган маъмурий тадбир бўлиб, валюта билан чегаралаш ҳисобланади.

Қисқача хulosалар.

1. Ички ишлаб чиқарувчиларни ҳалқаро рақобатлардан ҳимоя қилиш учун мамлакат эркин савдо сиёсатига турли хил баръерлар қўйиши мумкин. Савдо ҳажмини чеклайдиган бундай сиёсат протекционизм деб аталади. Савдо чеклашлари импорт тарифлари ва нотариф баръерларга бўлинади. Савдо баръерларини қўллашни оклайдиган протекционизм сиёсати тарафдорлари асосан миллий ҳимояни таъминлашнинг зарурлиги, иш жойларини сақлаш, ишлаб чиқариш тармокларини ҳорижий рақобатчилардан ҳимоя қилиш каби сабабларни кўрсатишади.
2. Божхона таърифларини ишлаб чиқишида кулланиладиган классификаторлар маҳсулотларни таърифлаш ва шартли белгилашнинг уйгуналаштирилган тизими бўлиб, унда олти хонали шартли ракам белгига эга бўлган маҳсулот хақидаги асосий маълумотлар ҳамда унинг маҳсулотлар номенклатураси урни кўрсатилади.
3. Таърифларни жорий қилиш орқали импорт товарлари нархларининг ошиши биринчи ўринда истеъолчиларга таъсир кўрсатади. Чунки, тарифлар миллий товарларнинг ҳам нархини оширади ва шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархини ошириш натижасида ҳажмининг камайишига ҳам олиб келади.

4. Ташқи Иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бевосита усуллари кенг тарқалган. Лицензиялаш бу Ташқи Иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат Ташкилотларидан рухсат олиш ҳисобланади.

Таянч иборалар.

Савдо сиёсати, импорт божлари, импорт квоталари, нотариф баръерлар, Ташқи савдо, протекционизм, божхона божлари, реклама, тижорат таклифлари, савдо имкониятлари линияси, савдодан ютиш, музоқаралар утказиш, контрактлар тўзиш, шериклар ўртасида муносабатларни расмийлаштириш, шерик контрагент, шерикни аниқлаш, шерик фаолиятининг хусусияти ва ҳажми, Хуқуқий ва молиявий аҳволи ва ишончлилигини аниқлаш, оферта, катъий ва эркин таклиф, узоқ муддатли, бир марталик, муддатли, маҳсус, чегаравий шартномалар, томонларни аниқлаш, контрактнинг предмети ёки шартнома тўрини аниқлаш, базис шартлари, етказиб бериш муддати, маҳсулот миқдори, унинг умумий баҳоси, сотувчиларнинг кафолатлари, сұғурталаш, форс-мажор, тарифлар, адвалер маҳсулотлар, импорт божлари, экспорт божлари, бож олинадиган ва олинмайдиган маҳсулотлар, фискал, ГАТТ, квоталар, лицензиялар, демпинг, кемпенсацион, демпингга қарши тадбирлар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Нима учун ҳалқаро савдо катнашувчи томонларнинг барчаси учун фойдали эканлигини изоҳланг.
2. Савдо баръерларининг асосий шаклларини ва импорт божлари ва нотариф чегаралашларни киритишдан келадиган Иқтисодий оқибатларни тушинтиринг.
3. Нима учун протекционизм сиёсатини ҳалқаро савдо катнашчиларининг ҳаммаси ҳам ёклайвермайди.
4. Ташқи савдони тартибга солишнинг қандай усулларини биласиз ?
5. Божхона таърифлари ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва аҳоли турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади ?
6. Таърифларни кулловчи ҳамда уларга қарши фикрлар тўғрисида мисоллар келтиринг.
7. Демпинг нима ? Демпингга қарши қандай тадбирларни биласиз ?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение.: 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург. 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”.-Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996
10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиктисодиёт”. - Т.: “Меҳнат”. 1997

15- БОБ: Тўлов баланси.

- 15.1. Тўлов балансининг моҳияти.
- 15.2. Тўлов балансининг таркибий тузилиши.
- 15.3. Тўлов балансининг номутаносиблигини тартиблаш усуллари.
- 15.4. Ўзбекистонда тўлов балансини ишлаб чиқиш тажрибаси.

15.1. Тўлов балансининг моҳияти.

Мамлакатнинг маълум вақтдаги барча ҳалқаро Иқтисодий фаолияти шу жумладан Ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади. Ҳар қандай Ташқи Иқтисодий битим валюта айирбошлиш ва валюта операциялар орқали амалга оширилади. Олиш - сотиш битими ҳисобланар экан, демак мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолиятининг натижалари провардида ҳорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланади. Шунинг учун ҳам тўлов баланси - бу бир томонида четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томонда эса, четга чиқарадиган барча тўловлари кўрсатилган ҳужжатdir. Тушум (кредит) фақат экспорт ёрдамида таъминланиши мумкин. Аксинча ҳорижий валюталарни сотиб олиш (импорт) тўловлар ва ҳорижий валюта харажатлари билан (Дт) боғлиқ бўлади. Бунда товар деганда айирбошланадиган ҳар қандай нарса тушинилади, яъни у моддий неъмат, хизмат, ишчи кучи, капитал ва валюта бўлиши мумкин.

15.2. Тўлов балансининг таркибий тузилиши.

Барча Иқтисодий битимлар иккита катта гурухга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ опреациялар (1-жадвал). Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, уларнинг фарқи Ташқи савдо балансининг қолдиги деб юритилади. Бизнинг мисолда бу баланс салбийдир, яъни мамлакат товарларни четга олиб чиқишидан кура кўпроқ олиб келади. (-80).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси бу хизматлар экспорти ва импортидир уларга транспорт, суғурта, сайёхлик хизматлари ва бошқалар киради. Товарлар билан операциялардаги каби хизматлар билан операцияларда ҳам мамлакат ҳорижий хизматларни кўпроқ олади, яъни мамалқатда яшовчилар ҳорижга четдан сайёхларга нисбатан кўпроқ борадилар, шунингдек мамлакатдаги тадбиркорларга ҳорижий транспорт ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳажми, ҳорижий тадбиркорларга мамлакатда траспорт ва суғурта

компаниялари кўрсатадиган хизматлар ҳажмига караганда юқорирок. Бу операция ҳам баланснинг салбий қолдигига эга. (-2)

1-Жадвал.

Мамлақат тўлов балансининг тахминий кўриниши (ракамлар шартли)

№	Моддалар номи	Кредит (+) ёки экспорт хисобига тушумлар	Дебит (-) ёки импорт натижага- сидача харожатла- р	Соф кредит ёки соф дебит
I	Жорий операциялар счёти			
1	Товарлар	+125	-205	-80
2	Ташқи савдо балансининг қолдиги			
3	Хизматлар	+35	-37	-2
4	Инвестициялардан даромадлар (фоизлар ва диведентлар)	+17	-10	+7
5	Пул утказмалари	+1	-8	-7
6	Жорий опреациялар бўйича баланснинг қолдиги			-82
II	Капитал харакатининг счёти			
7	Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узоқ муддатли капитал	+90	-37	+53

8	Капитал ҳаракати баланснинг қолдиги			+53
9	Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдиги			-29
II	Расмий резервлар (олтин,			
I	СДР,ХВФ даги резервлар)	+29		+29

Инвестициялардан даромадлар фоизлар ва двидентлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар ҳорижга қўйилган миллий капиталга чет элликларнинг амалга оширадиган бундай тўловларидан тушумлар мамлакат Иқтисодиётига жалб этилган ҳорижий капиталдан бундай тўловлар миқдоридан кўп бўлса, унда соф даромад ижобий бўлади.(+7)

Пул уtkазишлар шу мамлакатларнинг ҳорижда яшаётган фукароларига тўланидаган нафакаларни, мухожирларнинг ҳориждаги ўз кариндошларига пул уtkазишлари, турли кўринищдаги ҳукумат ёрдамларини ўз ичига олади. Жадвалдан кўриниб турибдики, ҳорижга жунатилаётган пул уtkазишлар миқдори олинаётганга нисбатан юкори, яъни операциялар мамлакатдаги ҳорижий валюта заҳираларини камайтиради. (-7).

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йигиндиси жорий операциялар тўлов балансини Ташкил этади. Бизнинг мисолда у салбий (-82), бу эса шуни англатадики, мамлакатда импорт операциялари натижасида ҳорижий валютага бўлган талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган таклифдан ортиқ булди. Ёки бошқача айтганда ушбу ҳолда мамлакат жорий операциялар бўйича такчилликга эга. Уни қоплаш учун мамлакат ёки қарз олади (узоқ ва қисқа муддатли,) ё ўз кучмас мулкини (ер, бино ва молиявий активларини (акция ва облигациялар) сотади.

Бироқ мамлакат жорий тўлов балансининг ижобий қолдигига эга бўлиши мумкин. Агар унинг экспорт операциялари импорт операцияларидан ортиқ бўлса, шундай хол юз беради. Бунда мамлакатда чет элда кучмас мулкни сотиб

олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йуналтирилиши мумкин бўлган ҳорижий валюта ортиқчалиги юзага келади. Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида, яъни капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади. Бу ерда моддий ва молиявий активларни (корхоналар, ер, уйлар, қимматбаҳо қофозлар, акциялар, хазина мажбуриятлари ва бошқалар) олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқимини акс эттиради. Агар бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, унда бу ҳорижий валютани мамлакатга келишини, тушумини кўпайтиради (+90). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиш билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда мамлакатнинг тадбиркорлари ҳориждан акциялар сотиб олади, ҳорижликларга кредитлар беради ва шу асосда улар ҳорижий валюта заҳараларини сарфлайди. Бу операциялар дебит кўринишида акс эттирилади (37). Капитал ҳаракати балансининг қолдиги - бу уни олиб келиш ва олиб чиқиш ўртасидаги фарқдир (+53).

Аввал айтиб ўтилганидек, жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғланган. Бизнинг мисолда биринчисининг такчиллиги (-82) капиталнинг соф окиб келиши ҳисобига (+53) молиялаштирилади ва аксинча, агар жорий операциялар бўйича активга эга бўлса у ҳолда бир вақтда капиталлар баланси бўйича капиталларнинг соф келиб чиқиши амалга оширилган бўлади.

Шундай қилиб баланснинг бу икки бўлими бир-бирини тенглаштириб боради ва аслида ҳам бир-бирига тенг бўлиши керак. Бироқ амалда доимо такчиллик ёки ортиқчалик юзага келади. Шунинг учун турли мамлакатларнинг Марказий банклари расмий резервлар деб аталувчи хоражий валюта заҳираларига эга. Бу резервлар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал баланси номутаносиблигини бартараф этишда қулланилади. Бизнинг мисолда бу номутаносиблик ёки қолдик (-29)ни Ташкил этади ва расмий резервлардан тушумлар ҳисобига тартибга солинди. Резервлардан тушумлар кредит (+) устунида акс эттирилган, чунки мамлакатда ҳорижий валюта таклифини

кўпайтириш бошқа ҳар қандай экспорт операциясига хосдир. Натижада тўлов балансининг қолдиги умуман “о”га келтирилган.

15.3. Тўлов балансининг номутаносиблигини тартиблаш усуллари.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки “тўлов балансининг такчиллиги” ёки тўлов баланси актив ифодалари жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг ижобий ёки саблий қолдиги миқдорини билдиради. Расмий резервларнинг қисқариши (+) бу такчиллик миқдорини ифодалайди, расмий резервларнинг ўсиши (-) эса тўлов балансининг актив қолдиги миқдорини кўрсатади. Провардида унинг барча уч бўлими сўммаси “0”ни Ташкил этиши лозим. Бу эса ҳорижий валюта таклифини ва унга мамлакатда бўлган талаб бараварлигини билдиради.

Давлатлар расмий резервлар ва қарзлар ҳисобига қоплаш қобилиятига эга бўлмаган тўлов балансининг катта доиравий такчиллиги бўлган холларда ўз валюталари девалвациясини амалга оширишлари мумкин. Бу импортнинг физик ҳажми кўпайишига ва оқибатда мамлакатга ҳорижий валюта тушумини ўсиши ҳамда такчиллигини йўқотишга олиб келади.

15.4. Ўзбекистонда тўлов балансини ишлаб чиқиши тажрибаси.

Очик Иқтисодиётли кўплаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ тавсия этган тарх бўйича ишлаб чиқардилар. Бу тарх ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга ошириладиган барча Иқтисодий операцияларни амалга оширади. Тўлов балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит қобилияти хақидаги гувохнома сифатида ҳалқаро Ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг хукуматлари ҳамда тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиялаштириш, молиявий, техника ва моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини хал этишда кулланилади.

Ўзбекистонда тўлов баланси факат Республика мустақилликга эришгандан ва бозор муносабатларига ўтишидан кейин тыйила бошланди. Жаҳон бозорида teng Xукуқли шенрикчилик Республикани ҳалқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида аниқ маълумотларни талаб этади, шунинг

учун Республика тўлов баланси ХВФ тафсияларига жуда яқинлаштирилган тарх асосида тўзилган.

Қисқача хulosалар.

1. Ҳалқаро савдо ва молия операцияларида ҳар хил валюталар кулланилади. Мамлакатнинг экспорт операциялари миллий валютага ҳорижда талабни ва бир вақтнинг ўзида ҳорижий валюта таклифини келтириб чиқаради. Импорт ҳорижий валютага ички талабни ва миллий валюта таклифини келтириб чиқаради. Бир валютанинг иккинчи бир валютага камайиши валюта бозорида амалга оширилади. Мамлакат ичкарисида резидентлар билан ҳорижий резидентлар ўртасидаги барча ишлар ушбу мамлакат тўлов балансида кайд қилинар экан.
2. Тўлов баланси бу бирор бир мамлакатда четдан келадиган барча тушумлар ва иккинчи томондан эса четга чиқадиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжат ҳисобланар экан. Бунда барча иқтисодий битимлар иккита гурӯхга бўлиниб, жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар деб аталар экан.
3. Тўлов балансининг тахчиллиги ёки тўлов баланси актив ифодалари жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг ижобий ёки салбий қолдиги миқдорини кўрсатар экан, яъни, расмий резервларнинг қисқариши бу такчиллик миқдорини ифодаласа, расмий резервларнинг ўсиши эса тўлов балансининг актив қолдиги миқдорини кўрсатар экан.

Таянч иборалар.

Тўлов баланси, капитал ҳаракати счети, расмий қолдик, тўлов баланси дебети, тўлов баланси кредити, четдан келадиган тушумлар, четга чиқадиган барча тўловлар, валюта операциялари, импорт, экспорт, жорий операциялар, капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар, ижобий баланс, салбий баланс, ташқи савдо баланси қолдиги, хизматлар, инвестиция даромадлари, пул

утказмалари, жорий операциялар бўйича баланс қолдиги, ўрта муддатли ва узоқ муддатли капитал, капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдиги, расмий резервлар (олтин, СДР, ХВФ даги резервлар), расмий резервларнинг қисқариши, расмий резервларнинг ўсиши ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Ҳалқаро савдо қандай молиялаштирилади ? Мамлакат тўлов баланси нима ва унинг таркиби нималардан Ташкил топади ?
2. Мамлакат тўлов баланси неча кисмдан иборат ва уларда нималар кайд этилади ?
3. Жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларни қандай тушунасиз ?
4. Тўлов балансининг номутаносиблигини қандай тартиблаш мумкин ?
5. Ўзбекистонда тўлов балансини тўзиш тартиби қандай олиб борилади ?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том.- Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костьюк. “Макроэкономика”.-М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996

10. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета.: 1994
- 11.Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
12. М.А. Хақимова. “Макроиқтисодиёт”. Т.: “Меҳнат”. 1997

16- Боб: Валюта курси.

- 16.1. Валюта курси түшунчаси ва валюта айирбошлаш зарурияти.
- 16.2. Валюта бозори.
- 16.3. Валюта курсини аниқловчи омиллар.
- 16.4. Валюта курсини аниқлаш.

16.1. Валюта курси тушунчаси ва валюта айирбошлаш зарурияти.

Ҳалқаро валюта муносабатлари пулнинг ҳалқаро тўлов оборотида амал қилиш жараёнида вужудга келади. У Ташқи савдо билан бирга пайдо булди ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб утди. Тарих давомида жаҳон пули шакллари ва ҳалқаро ҳисоб китоб шакллари ўзгарди. Бир вақтда валюта муносабатлари аҳамияти усди ва уларнинг нисбатан мустақил даражаси ошиди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати мамлакатдан мамлакатга кучадиган пул массасалари окими ёрдамида амалга ошади. Бу ҳаракатни тартибга солиш зарурлиги ҳалқаро валюта тизими ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди. Валюта - бу мамлакатлар пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва хоказо.) Жуда қисқа маънода - бу чет эл давлатларининг пул белгилари. Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимиға эга бўлади.

Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган ҳалқаро валюта муносабатларини Ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қиласи.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар окими кўпайган сари пул воситаларини айирбошлаши ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисоб китоблардаги номутаносиблик муаммолари юзага келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратади. Унинг мақсади - мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солишдан ва шунингдек бу ишларни тезлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, жаҳон валюта тизими бу ҳалқаро айирбошлашнинг барча шаклларига хизмат қилишига ва уларнинг самарали ривожланашини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йигиндисидир. Ҳалқаро иқтисодий муносабатларининг таркибий қисми сифатида у қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳалқаро битимларда фойдаланиладиган тўлов ва кредит воситаларини (олтин, энг ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари, ҳалқаро пул бирликлари);
2. Валюта курсларини урнатиш ва сақлаб туриш механизми;
3. Валюта бозорини ишлаш тартибини;
4. Ҳалқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиб ва қоидалари;
5. Валюта ёрдамида тартиблаш ва назорат қилиш тизимини;
6. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ва жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи ҳалқаро Ташкилотлар тизимини (Ҳалқаро валюта фонди, Умум жаҳон банки, Европа миллий тикланиш ва тараққиёт банки).

Ҳозирги замонда ҳалқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда уч кўринишидаги пул воситалари ишлатилади:

- олтин, ҳозирда ўзининг асосий тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлсада, аммо қўпчилик валюта заҳираларининг сезиларли қисмини ташкил этади ва муҳим Ташқи савдо операцияларига хизмат қилиш ва кредитлашни кафолатлаш учун ишлалитиди;
- жаҳонда асосий ўрин тутувчи ривожланган мамлакатларнинг милий валюталари (АҚШ доллари, Инглиз фунт-стерленги, Немис маркаси, Щвейцария франки, Япония йенаси ва бошқалар);
- ҳалқаро пул бирликлари (ЕВРО, СДР, ЭКЮ). Улар миллий валюталардан фарқли равишда банкноталар кўринишидаги моддий шаклга эга эмас ва накт пулсиз ҳисоб-китобларда ишлатилади. Уни ишлатиш шарти - шу пул воситаларини муомалага чиқарган Ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар Марказий банкларининг маҳсус ҳисобларига ёзилган пули билан амалга оширилади. Бундай пул бирликлари жаҳон валюталари деб ҳисобланади. Улар барча мамлакатлар томонидан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Ҳорижда кредитлаш ва инвестициялашда, чет эллик ишчи кучи меҳнатига, шунингдек мамлакат валюта заҳираларини яратишда кулланилади.

Ҳалқаро валюта ёки ҳалқаро тўлов-ҳисоб ва кредитлаш воситаларига жавоб беришга керак бўлган талаб уларнинг конвертирашуви ҳисобланади.

Валюта конвертирашуви деганда уни бошқа ҳорижий валюталарга алмасиши қобилиятига тушинилади. Хизирги пайтда улар эркин конвертиранадиган, қисман конвертиранадиган ва конвертиранмайдиган валюталарга ажратилади. Эркин конвертиранадиган валюта бу амалда курс бўйича ҳар қандай бошқа ҳорижий валюта эркин ва чекланмаган микдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, Европо ҳамжамиятияга аъзо мамлакатлар, Японияларнинг валюталарини киритиш мумкин.

Қисман конвертиранадиган валюта, бу фақат баъзи бир ҳорижий валюталарга алмаштириладиган ва ҳалқаро тўлов оборотини қисман камраб оладиган миллий валютадир.

Конвертиранмайдиган валюта бу фақатгина ички тўловларга хизмат қиласидиган ва ҳорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирашни ички ва ташқи конвертирашга ҳам ажратиш мумкин. Ички конвертираш резидентларининг (яъни, шу мамлакатда яшаш жойи бўлган шахсларнинг) мамлакат ичкарисида ҳорижий валютани сотиб олиш, уни ушлаб туриш ва у билан айрим операцияларни олиб боришни акс эттиради.

Ташқи конвертирашда ҳорижда тўловларни амалга оширишга ва молиявий активларни ушлаб туришга рухсат этилади. Валюталарни конвертираш кўпгина мамлакатлар олиб бораётган Иқтисодий сиёсалариниг мухим мақсади бўлиб ҳисобланади.

16.2. Валюта бозори.

Бозордаги талаб ва таклиф таъсири натижасида вақти-вақти билан валюта курслари ўзгариб туради. Давлат валюта курсларини баркорорлаштириш учун валюта бозорини амал қилишига бевосита ёки билвосита аралashiши зарур. Бунинг бир қатор усуллари мавжуд:

1. Эхтиёт(захира)лардан фойдаланиш. Валюта курсини мустаҳкамлашнинг кўпроқ кулланиладиган усули - расмий резервлар ёрдами билан бозорни манипуляция қилиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниқки, валюта заҳиралари

алохига мамлакатлар эга бўлган чет мамлакатлар валюталарининг оддий заҳираси ҳисобланади.

“Жаҳон пули” сифатида ёки бошқача айтганда, заҳиралар сифатида, одатда олтиндан фойдаланилади. Масалан, АҚШ ҳукумати Буюк Британияга ўзи эга бўлган олтиннинг бир қисмини сотиб, унинг фунтларини олиши мумкин. Шу йўл билан сотиб олинган фунтлар америка савдоси ва молиявий операциялари туфайли жамғарилган заҳираларни устириш учун фойдаланиш мумкин. Бу ерда заҳиралар миқдори фунт таклифини зарур миқдорда кўпайтиришга эришиши учун етарли бўлиши жуда муҳимdir.

2. Савдо сиёсати. Валюта бозорига таъсир қўрсатишнинг бошқа тадбирларига савдо ва молиявий окимлар устидан тўғридан-тўғри назорат қилишни киритиш мумкин. Масалан, АҚШ фунт стерленгнинг етишмаслиги шароитида валюта курсини тегишли даражада ($2\text{доллар}=1\text{ ф.ст.}$) импортни ушлаб туриш (шу орқали фунт таклифини ошириш) ҳисобига ушлаб турушга бориши мумкин. Хусусан импорт бож ёки импорт квоталарини киритиш билан қисқариши мумкин. Худди шундай америкаликлар чет эл капитал қўйилмаларидан оладиган фоиз ва дивидентлардан махсус солиқлар ундириши мумкин. Бошқа томондан Америка ҳукумати субсидия бериб, шу орқали фунт стерленг таклифини кўпайтириш мумкин. Бу тадбирлардан фойдаланишда вужудга келадиган асосий муаммо шундан иборатки, у жаҳон савдоси ҳажмини қисқартиради, унинг таркибини ва савдо алоқаларини ўзгартириб юборади, Иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг бўзилишига ўзининг хиссасини кушади. Бунинг оқибатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

3. Валютали назорат. Бошқа мукобил вариант валютали назорат ҳисобланади. Валютали назорат шароитида ҳукумат миллий экспортёрлар олган барча тегишли чет эл валюталарини давлатга сотиш талаби билан уларнинг етишмаслиги муаммосини хал қилиши мумкин. Кейин ҳукумат ўз навбатида чет эл валютасининг бу катта бўлмаган заҳирасини турли миллий импортёрлар ўртасида тақсимлайди. Шу йўл билан ҳукумат миллий импортни, миллий экспорт ҳисобидан олинган чет эл валютаси миқдорига чеклайди. Валютали

назорат тизими бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, савдо чеклашлари (бож, квота, экспортли субсидия) каби валютали назорат киёсий устунлик тамоилига асосланган ҳалқаро савдонинг таркиб топган алоқаларини бўзади. Иккинчидан, етарли бўлмаган валюта ресурсларини валютали назорат жараёни сўзсиз алохида импортёрларни камситиш билан боғлиқ. Учинчидан, назорат тадбирлари истеъмолчининг танлаш эркинлигига тажовўз қилиш ҳисобланади.

4. Ички макроиктисодий тартибга солиши. Валюта курси барқарорлигини ушлаб туришнинг охирги воситаси ички солиқ ёки пул сиёсатидан шундай фойдаланиш ҳисобланадики, бунда тегишли чет эл валютасининг етишмаслиги бартараф қилинади. Масалан, чекловчи солиқ ва пул тадбирлари АҚШ миллий даромадини Буюк Британия миллий даромадига нисбатан пасайтиради. Чунки импорт миқёси миллий даромад даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб бу Британия буюмларига ва демак фунт стерленгга талабнинг чекланишига олиб келади.

Кайд қилинган валюта курси тизими тарафдорлари тасдиклайдики, ундан фойдаланиш ҳалқаро савдо ва молия билан боғлиқ бўлган тахлика ва ноаниклигини камайтиради. Кайд қилинган валюта курсларини қўллаш ўзаро фойдали савдо ва молиявий операциялар ҳажмини кенгайтиришга олиб келади. Аммо кайд қилинган валюта курслари тизимининг ҳаётга лаёкатлиги иккита ўзаро алоқалар шароитига боғлиқ:

- 1) захираларнинг мавжудлиги;
- 2) ўз ҳажми бўйича сезиларсиз камёблик ёки тўлов баланси активларининг тасодифий вужудга келиши. Катта ва доимий камёбликлар мамлакат захираларини йўқка чиқариши мумкин. Хуроса қилиб айтганда валюта курсларининг талаб ва таклиф таъсири остида шаклланиш даражаси, ўз-ўзича курсли нисбатларга таъсир этувчи реал жараёнларни аниқлаб бера олмайди. Чет валюталарига талаб ва таклифга, демак валюта курсларига мамлакатдаги ҳам ички ва ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар мажмуи бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Валюта курслари динамикасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ичидан қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- миллий даромад ва ишлаб чиқариш харажатлари даражаси;
- пулнинг реал харид қилиш лаёкати ва мамлакатдаги инфляция даражаси;
- валюталарга талаб ва таклифга таъсир кўрсатувчи тўлов баланси ҳолати;
- мамлакатдаги фоиз ставкаси даражаси;
- валютага жаҳон бозоридаги ишонч ва х.к.

Назарий жиҳатдан валюта курсларининг тебранишини тушинтириш, харид қилиш лаёкатиниг паритет назарияси ёрдамида берилади (Г.Кассел томонидан исботлаб берилган). Бу назарияга кура курсли нисбатларни аниқлаб бериш учун икки мамлакат истеъмолчилик товарлари шартли “халтаси” баҳоларни таққослаш талаб қилинади. Масалан, агар Ўзбекистонда бундай халта, айтайлик 500 сўм, АҚШ да эса 10 доллар турса, 500 сўмни 10 га бўлиб 1 долларнинг баҳосини хосил қиласиз, бу 50 сўмга teng экан. Агарда Ўзбекистонда муомаладаги пул массасининг қўпайиши натижасида, товарлар баҳоси икки марта ошса, АҚШ ҳаммаси ўзгаришсиз қолади ва ҳамма шароитлар teng бўлганда долларнинг сўмга нисбатан айирбошлаш курси икки марта ошади. Бозор иқтисодиёти шароитида асосан гиперинфляция руй берганда харид лаёкатининг паритет назарияси курсни нисбатларини олдиндан айтиш имконини беради. Валюта курсларининг ўзгариши экспорт маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоклар имкониятига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, агарда АҚШ бир доллари 2,5 немис маркасига айирбошланса (1975 йилги расмий курс) Германия учун майший электроника ишлаб чиқарувчи америка экспортёрларининг тушуми, 100 марка 40 долларга тенглашади. Валюта курсларининг 1:1, 682 нисбатга ўзгариши (1991 йилги курс) сотишнинг ўзгармас ҳажмида тушумнинг 59 долларга қўпайишига олиб келди. Валюта курслари миллий Иқтисодиётга, ишлаб чиқариш ва ундаги бандликка сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Миллий валюталар курсининг пасайиши мамлакатлар экспорт имкониятини оширади. Аммо мамлакат экспорти хомашё товарлари импортига асосланса, бунда валюталар курсининг пасайиши экспорт

қилинадиган товарлар баҳосининг ўсишига олиб келади ва бу уларнинг рақобатга лаёкатлилигига таъсир қўрсатиши мумкин. Валюта курсларининг ошиши мамлакатлар экспорт имкониятларини ёмонлаштиради. Валюта курсларининг бекарорлиги Ташқи Иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатади. Унинг тебраниши ҳалқаро битимларда ноаниқлик ва тахлика даражасини кўпайтиради. Шу сабабли валюта курси ҳам мамлакат ичида ва ҳалқаро муносабатларда тартибга солишнинг мухим обьекти ҳисобланади. Давлат бевосита тартибга солиш воситаси сифатида валютали интервенция ва дисконт сиёсатидан фойдаланиш мумкин.

Дисконт- банклар томонидан олинадиган фоиз. Банк фоиз ҳисоб ставкасини ошириб ёки тушириб чет эл капиталлари кириши ёки чиқиб кетишига таъсир қўрсатиши мумкин. Тартибга солишнинг кўпроқ универсал усули валютали интервенция ҳисобланади. Бунда марказий банклар таклифи етарли бўлмаган, курс эса юқори бўлган чет эл валюталарини сотади, таклиф ортиқча ва курс паст бўлганда сотиб олади. Бу билан талаб ва таклифни тенглаштириб, миллий валюта курси тебраниш чегарасини чеклайди. Валютали интервенцияни қўллаш заҳира валюта фондининг миқдори билан чекланади, шу сабабли валюталарни сотиш албатта уни сотиб олиш билан алмаштириб турилиши лозим. Бундан ташқари инфляциянинг юқори суръатида валюталар курси валюта харид қилиш кучлари нисбатининг ўзгариши туфайли пасаяди. Бу ҳолда валютали интервенция мазкур мамлакат валютали девольвацияси (курснинг расмий ўсиши) билан бирга бориши зарур.

16.3. Валюта курсини аниқловчи омиллар.

Валюта курси бир мамлакат валюта баҳосининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланишини кўрсатади. Валюта курсларининг иккита бир-бирига қарама-қарши вариантлари мавжуд бўлади:

- 1) миллий валюталарнинг бир-бирига айирбошлаш курси, талаб ва таклиф билан аниқланадиган эгилувчан ёки сузиб юрувчи валюта курслари тизими;

2) катик кайд қилинган валюта курслари тизими. Бунда валюта курслари талаб ва таклиф тебраниш натижасида ўзгаришга чет эл валюталари бозорининг амал қилишга давлатнинг аралашуви ёки бошқа механизмлар қаршилик кўрсатади.

Эркин сўзиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф таъсири остида аниқланади. Америка доллари Британия фунт стерленгига айирбошланиши мумкин бўлган курс ёки баҳони қараб чиқамиз. Фунтга америкаликларнинг тушиб борувчи талаби шуни билдирадики, улар учун фунт ва демак британия товарларининг барча турлари арzon бўлади. Америкаликлар учун фунтнинг таклифи усса, доллардаги фунтнинг анча юқори баҳосида британияликлар кўпроқ микдордаги америка товарларини сотиб олишни хохлайди. Америка товарларини сотиб олиш учун биританияликлар фунтни валюта бозорига ташлайди, чунки улар авволо фунтни долларга айирбошлиши зарур бўлади. Эркин бозор кучлари таъсирида урнатиладиган валюта курслари ўзгариб туради. Фунтнинг доллардаги баҳоси ошганда долларнинг қиймати пасаяди ёки доллар фунтга нисбатан кадрсизланади. Аксинча фунтнинг доллардаги баҳоси пасайганда долларнинг қиймати ошади ёки доллар фунтга нисбатан қимматлашади. Валюта курсларининг ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни қисқача қараб чиқамиз.

1. Истеъмолчи дидидаги ўзгаришлар. Истеъмолчиларнинг бошқа мамлакат буюмларига дидидаги ўзгаришлар, бу мамлакат валютасига талаб ёки таклифни ҳамда унинг валюта курсини ўзgartиради.
2. Даромадлардаги нисбий ўзгаришлар. Агар бир мамлакатда миллий даромаднинг ўсиши, бошқа мамлакатдаги бу кўрсаткичнинг ўсишидан устун бўлса, бунда унинг валюта курси пасаяди. Мамлакатнинг импорти унинг даромади даражасига тўғри боғлиқлиқда жойлашади.
3. Баҳодаги нисбий ўзгаришлар. Агар бир мамлакат, масалан, АҚШ ички баҳо даражаси тез усса, бошқа мамлакат, масалан Буюк Британияда бу даражада ўзгаришсиз колса, бунда америкалик истеъмолчи нисбатан арzon британия товарини излайди ва шу билан фунтга талабни оширади. Аксинча британияликлар америка товарларини сотиб олишга кам мойил бўлади ва бу

фунт таклифини пасайтиради. Фунтга талаб ўсиши ва таклиф пасайишининг бу уйгунашуви долларларнинг кадарсизланишини келтириб чиқаради.

4. Нисбий реал фоиз ставкалари. Faраз қиласиз, АҚШ инфляцияни кувуб ўтиш мақсадида “ қиммат пул” сиёсатини амалга ошира бошлайди. Натижада, реал фоиз ставкалари (инфляция суръатини ҳисобга олиб корректировка қилинган фоиз ставкалари) АҚШ да бошқа мамлакатлар, масалан Буюк Британияга караганда кўтарилади. Британиялик жисмоний шахс ва фирмалар ишонч хосил қиласиди, АҚШ молиявий воситаларни қуиши учун жуда жозибадор ва кулаги жойга айланади. Америка молиявий активларига талабнинг бу кўпайиши Англия фунти таклифнинг кенгайгандиги ва шу сабабли доллар қиймати усганлигини билдиради.

5. Олиб-сотарлик. Faраз қиласиз, АҚШ Иқтисодиётида қуидагилар кўтилади

- а) британиянига караганда тез уса бошлайди ;
- б) британиянига караганда анча кучли инфляцияга дуч келади;
- в) британияга караганда анча паст реал фоиз ставкаларига эга бўлади.

Бу прогнозлар келажакда доллар курси пасайиши, фунт курси эса, аксинча кўтарилишидан дарак беради. Демак, долларни ущлаб турувчилик уларни фунтга айлантиришга ҳаракат қиласиди ва шу билан фунтга бўлган талабни оширади. Бу алмашиб, доллар курсининг пасайишини ва фунт курсининг ошишини келтириб чиқаради.

16.4. Валюта курсини аниқлаш.

Барча ҳалқаро битимлар валюталарни айирбошлаш билан олиб борилади. ва ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби валюта баҳосининг ёки валюта курсини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, валюта курси-бу бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигига ифодаланган баҳосидир. Валюта курсини ўрганиш котировкалаш деб аталади. У тўғри ва тескари котировкалашга ажратилади. Агар ҳорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бунга тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан 1 АҚШ доллари 23 сўмга, 1000 Россия рубли 7,2 сўмга тенг ва хакозо. Тескари котировкалашда миллий валютанинг бир - бирлигига тўғри келадиган

ҳорижий валютанинг микдори урнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,004348 АҚШ долларига тўғри келади. Дунёнинг кўп мамлакатларида шу жумладан Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган. Валюта бозоридаги талаб ва таклифни солиштириш натижасида валютанинг баҳоси ёки курси аниқланади. Ўзбек сўмининг курси Ўзбекистон валюта биржасида урнатилади, унинг иштирокчилари бўлиб валюта операцияларини олиб бориш Хукуқига эга бўлган банклар ҳисобланади. Шу билан бирга, турли пул бирликлари учун валюта курсларини урнатиш жараёнида бозор кучларини таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бу таъсир кучига боғлиқ ҳамда курслари эркин сўзиб юрувчи, чекланган сўзиб юрувчи ва кайд этилган валюта курсларига ажратилади. Эркин сўзиб юрувчи валюта курси шу валютага бўлган бозор талаби ва таклифи остида эркин ўзгариб туриши мумкин. Масалан, АҚШ доллари, япон йени, инглиз фунти стерленги курслари. Шу боис, бу валюталар жаҳон валюта айирбошлишида кўпроқ ишлатилади. Чекланган сузиб юрувчи валюта курси унинг ўзгариши айрим ҳорижий валюталар ёки валюталар туплами курслари ўзгаришига боғлиқ бўлишини кўзда тўтади. Кайд этилган валюта курси, бу ҳорижий валютада ифодаланган давлат томонидан расмий урнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсир қилмайди. Валюта курсининг экспорт ва импортга таъсири. Валюта курсининг товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучларнинг мамлакатлараро ҳаракатини ўзига хос бошқариб турувчиси ҳисобланиб уни ўзгариб туриши мамлакатнинг ташқи иқтисодий оборотига ҳамда бутун макроиктисодий вазиятга кучли таъсир қиласди. Бу таъсирни шундай вазият мисолида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, ўзбек сўмининг курси 1000 Россия рублига нисбатан 7,2 сўмдан 10 сўмгача пасайган бўлсин, яъни сўм Россия рублига нисбатан арzonлашган ва аксинча, рубл сўмга нисбатан қимматлашган бўлсин. Бундай ҳолатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 720 сўмлик қийматга эга бўлган товар Россия бозорида арzonлашиб боради ва энди бу товар 100 минг Россия рублига ($720 \times 7,2 \times 1000$) эмас, балки 72 минг рубл туради ($720 \times 10 \times 1000$). Натижада товарнинг рақобатга чидамлилиги орта боради ва унга

бўлган талаб ошади, экспорт рафбатлантирилади. Бироқ миллий валютани Россияга чиқариш Ўзбекистон учун фойдали бўлмай қолади. Россияда ишлаб чиқарилган 2000 рубллик маҳсулот энди ўзбек сўми курсининг пасайишини ва Россия рубли курсининг қимматлашуви натижасида ўзбек бозорида 14,4 сўм ($2000 \times 7,2/1000$) эмас, балки 20 сўм ($2000x 10/1000$) туради. Кўриниб турибдикি, маҳсулот нархи қимматлашади ва шу сабабли уни олиб келиш қисқариб боради, ва аксинча, ўзбек сўмининг курси ошиб бориши билан Россиядан товар олиб келиш ва капитални четга чиқариш фойдали бўлади.

Қисқача хulosалар.

1. Мамлакатлар ўртасида иқтисодий муносабатлар кучайган сари пул воситалари айирбошлини ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисоб-китобларда номутаносиблик муаммолари пайдо бўлади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратади. Бунинг асосий мақсади эса мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солишдан ва шунингдек бу ишларни тезлаштиришдан иборат. Умуман олганда миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган ҳалқаро валюта муносабатларини Ташкил қилиш шарти бўлган жаҳон валюта тизими Ташкил топар экан.
2. Ҳалқаро валюта ёки ҳалқаро тўлов-ҳисоб ва кредитлаш воситаларига жавоб бериши керак бўлган талаб уларнинг конвертирашуви деб ҳисобланади. Валюта конвертирашуви деганда уни бошқа ҳорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади. Ҳозирги кунда эркин конвертиранадиган, қисман конвертиранадиган ва конвертиранмайдиган валюталар мавжуд экан.
3. Давлат валюта курсларини барқарорлаштириш учун эхтиёт (захира) лардан фойдаланиш, савдо сиёсати, валютали назорат ва ички макроиқтисодий тартибга солиш усулларидан кенг фойдаланилади.
4. Валюта курсларининг тебраниб туришларини “харид қилиш лаёкатининг паретет” назарияси ёрдамида тушунтириб берилади. Бу назарияга кура курсли

нисбатларни аниқлаб бериш учун икки мамлакат истеъмол товарлари шартли “халтаси” баҳоларни таққослашни талаб килар экан.

5. Валюта курси бир мамлакат валюта баҳосининг бошқа мамлакат валютасида ифодаланишини билдиради. Валюта курсларининг иккита бир-бирига қарама-қарши варианatlари мавжуд, яъни миллий валюталарнинг бир-бирига айирбошлаш курси, талаб ва таклиф билан аниқланадиган эгилувчан ёки сўзиб юрувчи валюта курслари тизими ва кайд қилинган валюта курслари тизимларидан иборат.

Таянч иборалар.

Валюта курси, ҳалқаро валюта муносабатлари, ҳалқаро тўлов обороти, Ташқи савдо, ҳалқаро ҳисоб-китоб, валюта, миллий валюта, ҳалқаро валюта, жаҳон пули, жаҳон валюта тизими, валюта курсларини урнатиш ва сақлаб туриш механизми, валюта бозори, валюта ёрдамида тартиблаш, ҳалқаро пул бирликлари, валюта муносабатлари, олтин, валюта конвертирлашуви, эркин конвертирлашув, қисман конвертирлашув, конвертиранмайдиган валюта, расмий резервлар ёрдами билан бозорни манипуляция қилиш, валюта заҳиралари, савдо сиёсати, валюта назорати, бож, квота, экспортли субсидия, валютага жаҳон бозоридаги ишонч, валютада интервенция, дисконт сиёсати, эркин сўзиб юрувчи валюта курслари, истеъмолчи дидидига ўзгаришлар, даромадлардаги нисбий ўзгариш, баҳодаги нисбий ўзгариш, нисбий реал фоиз ставкалари, олиб сотарлик, котировкалаш, тескари котировкалаш ва бошқалар.

Назорат ва мулоҳаза саволлари.

1. Валюта курси нима ва қандай қилиб ҳар хил миллий валюталар бир-бирига алмашинади ? Турли хил валюта курслари тизимини таҳлил қилинг ва изоҳлаб беринг.
2. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ва жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи ҳалқаро Ташкилотлар тизимини биласизми?
3. Валюта бозори тушунчасини изоҳланг. Миллий валюталар қандай тартиб билан котировкаланади?

4. Эркин сўзиб юрувчи ва кайд қилинган валюталарни изоҳланг. Паретит назариясини тушунтиринг. Валюта курсларининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб утинг. Валюта курси қандай аниқланади?

Адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997
3. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” М.:1995
4. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург.: Судоиз строение. 1998
5. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С. Петербург.: 1994
6. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: Из-во “Дело”. 1996
7. Йўлдошев З., косимов М.С.“Макроиктисодиёт асослари”. -Т.: Укитувчи. 1994
8. В.Н.Костьюк. “Макроэкономика”.- М.:1998
9. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика”. М.:1996

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, сиёsat, мавкура 1 Том. Т.: “Ўзбекистон”. 1996, 364 бет.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. 2 Том. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996.382 бет.
3. Каримов И.А Ватан саждаго каби муқаддасдир. 3 Том. -Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 367 бет.
4. Каримов И.А Бунёдкорлик йўлидан. 4 Том. - Т.: “Ўзбекистон”, 1996.351 бет.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон”, 1997. 326 бет.
6. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика С., ДИС нашриёти 1997

7. Борр Р. Политическая экономика в 2-х томах. 1-том Францўз тилидан таржима. М.: Ҳалқаро муносабатлар. 1995
8. М.К.Бункина, В.А.Семянов. “Макроэкономика” - М.:1995
9. М.Бурдо, Ч.Виплош. “Макроэкономика”(Европейский текст). С. Петербург. Судоистроение. 1998
10. В.М.Гальпирин, С.М.Игратов, В.И.Моргунов. “Макроэкономика” Том-1. С.Петербург.: 1994
11. Д. Жеффри, Д. Сакс и др. “Макроэкономика. Глобальный подход”. М.: И. “Дело”. 1996
12. Йўлдошев З., косимов М.С. “Макроиқтисодиёт асослари” - Т.: Уқитувчи. 1994
13. В.Н.Костыюк. “Макроэкономика” - М.:1998
14. Т.Линвут, Гайгер. “Макроэкономика теория и переходная экономика” - М.:1996
15. Макконелл, Кемпбелл Р, Брюстенли Л, “Экономика. Принципы проблемы и политика”. В 2-х томах, инглиз тилидан таржима иккинчи нашр.М.: Республика.1992
16. В.Ф.Максимова, А.А.Ишшов и др. “Рыночная экономика: учебник в трёх томах, 2-том. М.: Соминтек. 1992
17. Н.Г.Менкью. “Макроэкономика”. Из-во Московского университета. 1994
18. Н. Самуэльсон. “Экономика вводный курс” - М.:Прогресс.1996
19. П.Хейнс.”Экономический обозрения”. Перевод с англ. М. Изд. Новости при участии. 1991
20. Эдвин Дж. Допан. “Макроэкономика”. С. Петербург.: 1994
21. Ричард Лэйард. “Макроэкономика”.Курс лекций для российских читателей. М.: 1994.
22. М.А. Ҳақимова. “Макроиқтисодиёт”. - Т.: “Меҳнат”. 1997

МУНДАРИЖА.

Кириш.....	3
1-Боб. Макроиктисодиёт фанининг предмети, объекти ва унинг аҳамияти.....	4
2-Боб. Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш.....	13
3-Боб. Макроиктисодий бекарорлик.....	21
4-Боб. Истеъмол ва инвестиция функциялари.....	31
5-Боб. AD - AS модели.....	39
6-Боб. Кейнс макроиктисодий мувозанат назарияси.....	49
7-Боб. Пул бозори.....	57
8-Боб. Бозор иқтисодиётида Давлат.....	67
9-Боб. Фискал сиёсат.....	74
10-Боб. Пул-кредит сиёсати ва банк тизими.....	83
11-Боб. IS-LM модели.....	94
12-Боб. Иқтисодий ўсиш.....	104
13-Боб. Ҳалқаро савдо назарияси.....	112
14-Боб. Савдо сиёсати.....	116
15-Боб. Тўлов баланси.....	125
16-Боб. Валюта курси.....	130
Адабиётлар рўйхати.....	138